

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133.091**

ДЎСТОВА СУРАЙЁ САВРОНОВНА

**ҲАСАНМУРОД ЛАФФАСИЙНИНГ «ТАЗКИРАИ ШУАРО» АСАРИ
ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ-МАТНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Дилором Салоҳий
филология фанлари доктори, профессор**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЛАФФАСИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ	
ТАҲЛИЛИ	13
1.1. Ҳасанмурод Лаффасий биографиясига оид манбалар тадқиқи.....	13
1.2. «Тазкираи шуаро» асари қўлёзмалари ва нашри тавсифи	24
I боб бўйича хулосалар	34
II БОБ. «ТАЗКИРАИ ШУАРО»НИНГ ҚИЁСИЙ –ТЕКСТОЛОГИК	
ТАДҚИҚИ	35
2.1. Тазкира қўлёзма нусхалари ва нашридаги адабий материаллар қиёсий- таҳлили	35
2.2. Қўлёзмалар ва нашрдаги шеърӣй парчаларнинг матний тадқиқи	46
Боб бўйича хулосалар	62
III БОБ. «ТАЗКИРАИ ШУАРО»НИНГ УНГА ЁНДОШ МАНБАЛАР	
БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ	63
3.1. Тазкирада зикр этилган шоирлар ҳақидаги маълумотлар тасҳиҳи.....	63
3.2. Муосир тазкираларнинг қиёсий таҳлили.....	91
Боб бўйича хулосалар	117
ХУЛОСА	118
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	121
ИЛОВАЛАР	132

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий қадриятларни ўзида акс эттирган адабий-тарихий манбаларни тадқиқ этиш, хусусан, шу вақтга қадар етарли даражада ўрганилмаган ёзма манбалар ва ижодкорлар меросларини кенг жамоатчиликка тақдим этиш, илмий муомалага киритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган омиллардан биридир. Шу жиҳатдан адабий-тарихий сиймолар ижодий мерослари юзасидан янги илмий-назарий концепциялар асосида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун адабиётшунослиги, матншунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Дунёда адабий манбаларнинг фундаментал матний тадқиқини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Адабий асарларнинг матний тадқиқи, энг аввало, маълум бир халқ бадиий тафаккури тараққиётини бирламчи манба асосида тадқиқ этиш ва улар юзасидан тўғри илмий хулосалар чиқаришга асос бўлади. Ўз навбатида қимматли илмий адабий мероснинг матний тадқиқи, мазкур турдаги манбаларда давр ва замонлар таъсирида юзага келган ўзгаришларнинг сабаб ва моҳиятини англаш имконини беради.

Сўнги йилларда миллий адабиётимиз намояндалари ижодий меросларини бирламчи адабий манбалар орқали матншунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, давр ижодкорлари бадиий услуби юзасидан хулосалар билдириш, адабий асарларни мумтоз адабий мезонларга кўра тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, «Тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англашиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат. Буюк алломалар ва азиз

авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича»¹ бошланган ишлар, хусусан, бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш вазифалари XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Хива адабий муҳити вакилларидан Ҳасанмурод Лаффасий шахсияти ва ижодий меросини ўрганишга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари; 2017 йилнинг 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривож-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида сўзлаган нутқи. www.lex.uz
Мазкур тадқиқотни ёзишга илҳомлантирган ф.ф.д., профессор С.Р.Ҳасановнинг порлоқ хотираси олдида таъзим қилишга бурчлимиз. – (Бизнинг изоҳ-Д.С.)

лантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиёти Феруз даври адабий муҳити адабиётшунослиги, адабий жараён, адабий жанрга оид мавзулар Қ.Муниров, Ғ.Каримов, Э.Иброҳимова, У.Ҳамроев, У.Каримов, О.Жалилов, Ҳ.Болтабоев, Н.Қобулов, В.Мўминова, И.Ҳаққулов, Н.Шодмонов, С.Самандарова, Г.Исмоилова, Н.Жумахўжа, И.Адизова, С.Маткаримовалар томонидан тадқиқ этилган².

Лаффасий ижодини илмий ўрганиш унинг шахсияти ва асарларига оид Э. Иброҳимованинг умумлашма мақоласидан бошланган. У. Ҳамроев ва У. Каримовлар «Тазкираи шуаро»нинг кўлэзма нусхалари хусусида фикр юритиб, уларнинг тавсифи ва ўзаро бир-биридан фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтган. О. Жалилов Лаффасий, унинг ижоди ҳамда «Тазкираи шуаро» асарининг баъзи кўлэзма нусхалари ҳақида маълумотлар берган. С.Самандарова «Тазкираи шуаро»нинг 213 рақамли кўлэзмаси ва П.Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий» асари ҳақида маълумотларни берган ҳамда уларни қиёслаган. Ж.Жўраевнинг номзодлик ишида фақат Комёб ҳаётига оид маълумотларнинг Лаффасий тазкираси кўлэзмаларидаги фарқлари қиёсланган³. П.Бобожонов 1992 йил «Тазкираи шуаро»ни кирилл алифбода чоп эттирган⁴. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да берилган маълумотлар Лаффасий ҳаёти ва ижодий меросига оид тафсилотларни

² Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. –Т.: Фан, 1960. –Б. 14; Мухаммад Ризо Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б.11; Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1963. № 6. – Б. 62-64; Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. – Тошкент. 1981. № 4. – Б.77-80; Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. – Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б.14; Болтабоев Ҳ. Тазкиралар зикри. – Т.: Mumtoz so'z, 2015. –Б. 244; Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. – Т.: Фан, 1987. – 176 б; Шодмонов Н. Шоҳиду-л-иқбол – адабий манба. – Т.: Фан, 2009. – Б. 231; Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг кўлэзмалари. – Т.: Хазинов, 1995. –Б. 24; Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Т.: Фан, 1995. – Б.10; Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Фан, 1995. –151 б; Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити: Филол. фан. номзоди... дис. – Тошкент. 1995. –Б. 32; Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис: Филол. фан. номзоди... дис. – Тошкент. 2007. – Б.38.

³ Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи: Филол. фан. номзоди... дис. – Тошкент. 2012. –Б. 40-44.

⁴ Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч. Хоразм, 1992. –118 б.

бойитишда эътиборга молик⁵. Эрон олими Иброҳим Худоёр Лаффасий «Тазкираи шуаро»сининг 9494 ва 11499 рақамли қўлёзмалари ҳақида сўз юритган⁶.

Умуман олганда, юқорида қайд қилинган каби тадқиқот, мақола ва илмий ишлар доирасида Лаффасий ҳаёти, ижодий мероси ва «Тазкираи шуаро»нинг ўзбек адабиёти тарихини яратишда адабий манба сифатидаги аҳамиятига оид мулоҳазалар баён қилинган бўлса-да, аммо монографик тадқиқот доирасида Лаффасий илмий биографиясини яратиш, тазкира қўлёзмаларини аниқлаш, қўлёзма нусхаларининг ўзаро матний фарқлари ва уларнинг юзага келиш сабаблари асосий тадқиқот объекти қилиб олинган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳасанмурод Лаффасий илмий ижодий биографиясини яратиш, «Тазкираи шуаро» асарининг қўлёзма нусхаларини аниқлаш, матний таҳлилини амалга ошириш, даврининг ёндош тазкиралари билан қиёслашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Лаффасий ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни аниқлаш;

«Тазкираи шуаро»нинг қўлёзма нусхалари ва нашрининг тавсифини амалга ошириш ҳамда улар ўртасидаги матний фарқларни кўрсатиш;

«Тазкираи шуаро»нинг йиғма-қиёсий матнини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

⁵Лаффасий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5- том. – Тошкент. ЎМЭ, 2003. –Б. 238.

⁶ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران.1384.ى. موسسه مطالعات ملي.137-136ص.

«Тазкираи шуаро» ва унга ёндош манбаларнинг ижодкорлар ҳамда уларнинг меросига оид матнларнинг қиёсий тадқиқини амалга ошириш;

«Тазкираи шуаро»нинг ўзбек адабиёти тарихини яратишдаги илмий аҳамиятини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» тазкирасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондидаги 12561, 11499, 9494 рақамли, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида 213 рақамли қўлёзма нусха ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари қўлёзмалари ва нашри, шунингдек, унинг қиёсий-матний тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Тазкираи шуаро»нинг 12561, 11499, 9494, 213 рақамли қўлёзма нусхалари, Бобожонов нашри қиёси натижасида юзага келган ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши, қисқартирилган байтлар, кўп нуқта қўйилган қаторлар, нашрда берилмаган маснавийлар каби матний фарқлар аниқланган, шу орқали мазкур қўлёзмаларнинг йиғма-қиёсий матнини тузишда муаллифнинг сўнгги таҳририга яқин матнни тиклашдаги аҳамияти белгиланган;

«Тазкираи шуаро» ва Хива адабий муҳитига оид Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий», Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкираларидаги шоирларнинг сони, уларнинг асарга киритилиши, тазкира тузилиши, шеърӣ жанрлар, намуна шеърларнинг берилиши ва маълумотлардаги фарқлар қиёси амалга оширилган;

Табибий ва Ходим асарлари қиёси орқали Лаффасийнинг ўзбек адабиётида Алишер Навоий томонидан бошлаб берилган тазкира жанрининг давомийлиги, анъанасини давом эттиришдаги асарни туркий тилда яратгани,

кўпроқ туркий ижодкорларнинг намуналарини бериши, аёл ижодкорларнинг фаолиятини ёритишни режа қилгани каби ўзига хос ва тазкиранавислик қонуниятларига ўхшаш, тазкира тузиш аъъанаси қондаси бўйича муштарак жиҳатлари кўрсатилган;

«Тазкираи шуаро»нинг кўлёзма нусхалари ва нашри асар номи, муаллифи, бошланиши, охири, таркибий тузилиши, матннинг тўлиқлиги, нусхани кўчирган котиб, кўчирилган йили, ўрни, кўлёзма нусханинг ўлчами, варақлар сони, муқоваси, сиёҳи, қоғози, ёзув тури, муҳр ва безаклари, сатрлар сони, пойгирларнинг қўйилиши ва сақланиш ҳолати каби китобат хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Кўлёзма манбалар ва ижодкор авлодларининг гувоҳликлари асосида Ҳасанмурод Лаффасийнинг биографияси яратилган, асарларининг манбалари, сақланиш ўрни ва мавзулари кўрсатилган;

«Тазкираи шуаро»нинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондидаги 12561, 11499. 9494, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида 213 рақамли кўлёмалар ва П.Бобожонов 1992 йил «Тазкираи шуаро»ни кирилл алифбода чоп эттирган нашри асосида мукамал матнни тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

«Тазкираи шуаро»нинг Хива адабий муҳити ва адабий жараёни ёритишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган;

«Тазкираи шуаро»га кирган ижодкорларга оид маълумотлар матни бошқа манбалар матни билан қиёси амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги «Тазкираи шуаро»нинг Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Шарқшунослик институти асосий фонди, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган бирламчи манбаларга таянилгани, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилингани, тадқиқот натижаларининг ваколатли давлат тузулмалари томонидан эътироф этилгани, матншуносликнинг таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, адабиёт тарихи ва ўзбек тазкиранавислигини ўрганишда, Хоразм адабий муҳити шоирлари ижодини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиётида тазкиранавислик бўйича тадқиқотлар учун манба бўла олиши, тадқиқот материалларидан магистратура ва бакалаврият босқичи талабалари учун матншунослик ва манбашунослик тарихи, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича ўқув қўлланмалар, монографиялар яратиш, адабиётшунослик, матншунослик ва манбашунослик фанидан маъруза, махсус курс ва семинарларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари ва унинг қиёсий-матний тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Ҳасанмурод Лаффасийнинг қўлёзма ва архив материаллари асосида илмий биографияси яратилган, ижодкор сифатида ёзиб қолдирган адабиётшунослик ва тарихий асарларининг номланишига оид маълумотлари ҳамда қўлёзмалар фондларидаги ижодий мероси манбалари ҳақидаги хулосалардан ЎЗР ФА ҚҚА Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 1 июндаги 17.01/207-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал тадқиқот лойиҳаси XIX аср охири ва XX аср бошлари Хива адабий муҳити, унда яшаб ижод этган Лаффасий ва қорақалпоғистонлик ижодкорлардан Ҳақирий,

Иноят каби шоирларнинг биографияси ва асарларига оид маълумотлар билан бойитилган;

«Газкираи шуаро»нинг қўлёзма нусхалари ва нашри асар номи, муаллифи, бошланиши, охири, таркибий тузилиши, матннинг тўлиқлиги, нусхани кўчирган котиб, кўчирилган йили, ўрни каби илмий хусусиятлари, шунингдек, қўлёзма нусханнинг ўлчами, варақлар сони, муқоваси, сиёҳи, қоғози, ёзув тури, муҳр ва безаклари, сатрлар сони, пойгирларнинг қўйилиши ва сақланиш ҳолати каби китобат хусусиятлари тўғрисидаги натижаларидан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилган ПЗ-20170925213 рақамли «ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма девонлар каталогини тузиш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 2020 йил 26 октябрдаги 297-сон маълумотномаси). Натижада каталогдаги XIX аср охири XX аср бошлари Хива адабий муҳитида яшаб ижод этган хоразмлик ижодкорлар биографияси ва асарларига оид маълумотлар кўламини кенгайтириш имкони юзага келган;

«Газкираи шуаро»нинг 12561, 11499, 9494, 213 рақамли қўлёзма нусхалари, Бобожонов нашри қиёси натижасида юзага келган ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши, қисқартирилган байтлар, кўп нуқта қўйилган қаторлар, нашрда берилмаган маснавийлар каби матний фарқлар аниқланган, шу орқали мазкур қўлёзмаларнинг йиғма-қиёсий матнини тузишда муаллифнинг сўнгги таҳририга яқин матнни тиклашдаги аҳамияти тўғрисидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 1

июндаги 17.01/207-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳалар «Тазкираи шуаро»га киритилган ғазал жанрининг назарий асосларига таянган ҳолда яратилган гўзал ва фалсафий ғазаллар ҳисобига ҳамда уларни қиёсий таҳлил қилиш жараёни билан бойиган;

Табибий ва Ходим асарлари қиёси орқали Лаффасийнинг ўзбек адабиётида Алишер Навоий томонидан бошлаб берилган тазкира жанрининг давомийлиги, анъанасини давом эттиришдаги асарни туркий тилда яратгани, кўпроқ туркий ижодкорларнинг намуналарини бериши, аёл ижодкорларнинг фаолиятини ёритишни режа қилгани каби ўзига хос ва тазкиранавислик қонуниятларига ўхшаш, тазкира тузиш анъанаси қондаси бўйича муштарак жиҳатлари ҳақидаги фикрларидан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ИТД-1-098 рақамли «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 12 августдаги 02-07-1407/04-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, Алишер Навоий адабий-педагогик қарашлари, тазкиранависликнинг XX аср Хоразм адабий муҳитидаги изчил давомийлигига оид хулосаларга эришилган;

«Тазкираи шуаро» ва Хива адабий муҳитига оид Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий», Бобожон Гарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкираларидаги шоирларнинг сони, уларнинг асарга киритилиши, тазкира тузилиши, шеърый жанрлар, намуна шеърларнинг берилиши ва маълумотлардаги фарқлар қиёси тўғрисидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали ижодкорлари томонидан «Буюк юрт алломалари» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали ДУКнинг 2019 йил 11 сентябрдаги 02-16/384-сон маълумотномаси). Натижада адабиёт

ихлосмандлари бўлган томошабинлар учун янги маълумотлар тақдим этилган, уларда маънавий меросимиздан фахрланиш туйғуларини янада юксалтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, яъни 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 22 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 5 та хорижий журналда, шунингдек, 9 та мақола илмий тўпламларда нашр этилган. «Феруз гулшани» номли қўлланма (5.2 босма табоқ) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 131 саҳифадан иборат.

Г БОБ. ЛАФФАСИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Ҳасанмурод Лаффасий биографиясига оид манбалар тадқиқи

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитининг баравж фаолияти даврида бир қанча шоир ва адиблар, тарихнавис ва тазкиранавислар, олим ва санъаткорлар, муסיқашунос ва гўяндалар (қўшиқ ёзувчилар) етишиб чиқдики, бу ўз навбатида жуда кўп фан соҳалари каби адабиёт ва санъатнинг равнақ топишига сабаб бўлди. Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз номи билан боғлиқ бу давр адабий муҳити ўзига хос адабий анъаналарга эга эди. Феруз атрофида ўзига хос услуби ва тизимли фаолиятига эга бўлган, тараққий этаётган адабий мактаб мавжуд эди. Ана шу адабий муҳитнинг йирик намояндаларидан бири адабиётшунос ва тарихчи Ҳасанмурод Лаффасий ҳисобланади.

Лаффасий ижодини ўрганиш дастлаб адиб вафотидан сал ўтиб, яъни 1960 йиллардан бошланган. Жумладан, Э.Иброҳимова: «Лаффасий – Ҳасанмурод қори Муҳаммадамин ўғли Хиванинг Кўҳна қалъа масжиди яқинидаги Отамурод қори қушбеги маҳалласида ҳунарманд оиласида туғилади. У илк билимини эски мактабда олади, адабиётни севади ва Лаффасий таҳаллуси билан «Комкор ул ушшоқ» номли девон тузади», –деган маълумотни тақдим қилган⁷. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида эса: «Лаффасий – (таҳаллуси, асл исми Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли) (1880-Хива 1945) ўзбек шоири, тарихчи ва тазкиранавис»⁸, –деб ёзилган.

Лаффасий ва унинг отаси ҳақида баъзи адабиётларда чалкашликлар мавжуд. Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул «Феруз» номли китобда қози ва муфтилар ҳақида гапириб, «Шокир Роғибнинг отаси Қози Шокир ўғли Урганчда, шоир ва тарихчи Умидийнинг отаси Абдулла қози Ҳазораспда, шоир ва тазкирачи Муҳаммад Али Лаффасийнинг отаси

⁷ Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент. 1963. – № 6. –Б. 62-64.

⁸ Лаффасий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент. ЎМЭ, 2003. – Б. 238.

Оллоберди охунд Хевада, Йўлбузар охунд Ҳакирийнинг отаси Муҳаммад Карим Хевада қозикалон бўлиб ишлаганлар»⁹, –деб, манбаси кўрсатилмаган маълумотни келтирган.

Лаффасий эса ўзи ҳақида «Гулшани саодат» асарида: «Ҳақир ал-қалил мулло Ҳасанмурод қори бо муллақаб Комкор ул-ушшоқ бин Муҳаммад Амин бин Муҳаммад Назар девон бин Қилич Ниёзбой бин Ниёзмухаммад маҳрам Хевакий», –деб қайд қилган¹⁰. Тарихчи олим О.Жалилов эса шундай ёзади: «Хива шаҳрида Ҳасан бобо номи билан донг чиқарган ўзбек халқининг сеvimли фарзанди, таниқли тарихчи, адабиётшунос олим ва шоир Ҳасанмуроднинг тўла исми шарифи Мулло Ҳасанмурод қори Муҳаммад Амин ўғли бўлиб, адабий таҳаллуси Лаффасийдир»¹¹.

Лаффасий ўзининг «Тазкираи шуаро» асарида таржимаи ҳолини кўйидагича тўлиқ келтиради: «... Аммо Лаффасийким, ул Ҳасанмурод қори номи билан машҳур бўлиб, камбағал оиласидин бўлиб, отаси хунарманд бўлганидин халқларнинг хизмати бирлан авқот кечириб турадир. Аммо Лаффасий 1880 йил, яъни ҳижрий 1299 ҳижрийда моҳи шавволнинг бирланчи намози жума кунининг тулуиндин бир соат муқаддам таваллуд топиб, она тарбиясида камолга етишиб, эски диний мактабларда ўқиб, хат саводли бўлгач, диний мадраса ичра бирон хизматда бўлган ҳолда анчагина хизмат натижасида ул Лаффасий таҳаллус қилиб «Комкор ул-ушшоқ» исмлиқ бир девон асар тасниф қиладур. Сўнграғи вақт Лаффасий тарих илмига ҳаваскор бўлганидан Хоразм мулкига доир ва ҳам умумий дунё тарихларин ўқимокқа бошлаганидек, 1904 йилдан бошлаб тарих илмини ўқиб, 1945 йилга қадарли тарих ўқимокқа ҳаваскор бўлганидин Асфандиёрхоннинг жилусига доир «Гулшани иқбол» номли бир тарих асар ҳам тасниф қиладур.

Аммо Лаффасий шунчалиқ билан умри ичида ҳар йил тааллуқ ихтиёр қилмай умр ўтказиб, бефарзанд бўлганидин ҳамма вақтлар паришонҳол

⁹Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз.–Т.: EXTREMUM PRESS, 2011.–Б. 238.

¹⁰Лаффасий. Гулшани саодат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди. 7771 рақамли қўлёзма 2^а варақ.

¹¹ Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. – Т.: Ўзбекистон, 1983. –Б. 3.

бўлиб дерки, ушбу асарлар дағи фарзанд ҳукмида бўлур деб, ушбу «Тазкираи шуаро»ни тасниф қилиб, ўзидан ёдгор қолдирадур»¹².

А.С.Эркинов, Н.Т.Полвонов ва Ҳ.А.Аминовлар «Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлиги сабабли Баёний, Комёб, Лаффасий, Аваз Ўтар (1884-1919), Мутриб Хонахаробий (1860-1923), Муҳаммад Юсуф Ҳарратов – Чокар (1889-1952), Илёмулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860-1916) каби тарихчи ва таракқийпарвар шоирлар етишиб чиқдилар»¹³,-деб Лаффасийни Феруз даври шоирлари қаторида санаб ўтганлар.

Изланишлар шуни кўрсатдики, Лаффасий фаолиятини уч йўналишда олиб борган: тарихчи, адабиётшунос ва тазкиранавис.

Лаффасий тарихчи сифатида кўплаб асарлар ёзганлиги ҳақидаги маълумотни, аввало, О.Жалилов «Ҳасанмурод тарихчи сифатида қатор тарихий асарлар яратган. Маълумотларга қараганда у 1905 йилдан бошлаб тарих илми билан шуғулланган. Ўрта Осиё тарихига оид жуда кўп қўлёзма, тарихий асарлар ва ҳужжатларни ўрганган»¹⁴, деб ёзади. М.Матёкубованинг «XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи» номли номзодлик диссертациясида эса, «XX аср бошларида Хива хонлиги тарихи бўйича Хоразм тарихчиларидан мулло Ҳасанмуродқори ибн Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Назар девон ибн Қилич Ниёзбой ибн Ниёзмуҳаммад маҳрам, Худойберди ибн Қўшмуҳаммад ибн Ниёз Муҳаммад, Аҳмаджон Табибий, Комёб, Жуманиёз ҳожи Хоразмий ал Хивақий ибн Бобониёз, Абдулла Болтаев, Бобожон Сафаров, Полвонниёз ҳожи Юсуповлар асарлар ёздилар, бу тарихий асарлар биз кўраётган давр тарихини ўрганишда бирламчи манбалар ҳисобланади»¹⁵, дейилади. Адабиётшунос олима С.Самандарова эса, «У Хоразм тарихини акс эттирувчи «Хоразм тарихий материаллари», «Озоднома», «Гулшани иқбол» номли

¹²Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 103^{а,б} варак.

¹³Эркинов А.С., Полвонов Н. Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. –Б.8.

¹⁴Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. –Т.: Ўзбекистон, 1983. –Б.3.

¹⁵Матёкубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи: Тарих фан. номз.... диссер. –Урганч, 2008. –Б.50.

тарихий асарларини, «Хива шоирлари», «Тазкираи шуаро» тазкираларини, «Меҳр-муҳаббат» номли шеърӣй достонини яратди, ўз шеърларини жамлаб «Комкор ул- ушшоқ» девонини тузди»¹⁶, деб ёзган. Лаффасийнинг ўзи эса «Тазкираи шуаро» асарининг 103^a-варағида «Сўнгроғи вақтлар Лаффасий тарих илмига ҳаваскор бўлуб, Хоразм хонлиғ тарихларин ўқуб, жуда ҳам маҳоратлиғ бўлғонидан, умумий дунё тарихларин ҳам ўқуб, анинг ила машғулотлиғ қилиб турадур.»¹⁷, деб ёзган. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Лаффасий тарих илмига жуда қизиққан ва шу туфайли кўплаб тарихий материалларни ўқиб, ўрганиши натижасида ўзининг «*Гулшани саодат*», «*Хива воқеалари*», «*Хоразм тарихий материаллари*», «*Хива осори атиқа тарихлари*», «*Хоразм мамлақати ва ҳудудлари*» номли асарларини ёзиб қолдирган.

Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»да таъкидлаганидек, «*Комкор ул- ушшоқ*» номли девони ва «*Меҳр-муҳаббат*» номли шеърӣй достони ҳам бизга мерос бўлиб қолган. Бироқ бу асарлар қаерда ва кимнинг қўлида эканлиги номаълумлигича қолмоқда. «Тазкираи шуаро»даги шоир шеърларини ўрганар эканмиз, Лаффасийнинг турли жанрларда ижод қилганлигини гувоҳи бўламиз. «Тазкираи шуаро» асарининг 12561 рақамли қўлёзма нусхасида Лаффасийнинг 4 та ғазал, 1 та мухаммас, 5 та рубойиси, 213 рақамли қўлёзма нусхасида 3 та ғазал 1 та мухаммаси, П.Бобожонов нашрида 2 та ғазали, 1 та рубойиси берилган.

Лаффасий маснавий жанрида ҳам баракали ижод қилган. «Тазкираи шуаро» асарида эллиқдан ортиқ шоир ҳақида маснавийлар битган. Маснавийларида ҳар бир шоирнинг насл-насаби, фазилатлари, феъл-атвори, шеърлари ҳақида фикр юритади. Бу эса унинг Аҳмаджон Табибий фаолиятдан таъсирланганини, унинг услубидан фойдаланганини кўрсатади. Масалан, Мунисга атаб қуйидаги маснавийни ёзган:

¹⁶ Самандарова С. XX аср тазкиралари: Филол.фан. номз... дис. автореферати. – Тошкент, 1996. –Б.6.

¹⁷ Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 103^a варақ.

Муниским биринчи аз шуаро,
Наср ва назм баробар анга.
Агар келса форсий, луғати арабий,
Қилур такаллум она тили каби¹⁸.

Ҳасанмурод Лаффасий тазкиранависликда ўзидан бой ижодий мерос қолдирган. Бу ҳақда Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 238-бетида ўқиймиз: «У ўзининг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида халқ орасида машҳур бўлган Мунис Хоразмий, Огаҳий, Роғиб, Феруз ва Чокар каби 51 нафар Хоразмлик ижодкорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот берган. Асарда Лаффасий ўз шеърларидан ҳам намуналар келтирган».

Ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, «Тазкираи шуаро» асари Хива адабий муҳити доирасида ижод қилган олтмишга яқин қаламкашларнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси тўғрисида бошқа ёндош манбаларда мавжуд бўлмаган қимматли маълумотларни қамраб олганлиги ва тазкиранависликнинг давомийлигига қўшган ҳиссаси билан муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, асар бевосита ўша даврда яшаб ижод этган муаллиф томонидан ёзиб қолдирилганлиги билан ҳам илмий-тарихий қийматга эга.

Лаффасий нафақат асарлар ёзиш, балки китоблар йиғишга бўлган қизиқиши кучли олим бўлган. Бу ҳақда, «Муҳаммад Раҳим II–Феруз кутубхонаси феҳристи»ида шундай ёзилади: «Кутубхоналари бор маърифат соҳибларини маҳорат билан тасвирлаган Лаффасийнинг ҳам шахсий кутубхонаси мавжуд бўлган. Унинг кутубхонасига тегишли «Жавоҳир ал-Қуръон» номли тошбосма асар ЎзР ФА ШИ кутубхонасида 7048 тартиб рақами билан сақланади. Унинг 1-варағида «Домла Ҳасанмурод қори мулаққаб ба Комкор», 1314/1896 сана» деган ёзув бор. Яъни у китобни шу йили қўлга киритган. Лекин китобда унинг 1380/1910 йил санаси қўйилган (111-бетида) 180x220 мм ўлчамли, саккиз бурчакли муҳри мавжуд. Демак, у

¹⁸Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 3^{а,б} варақлар.

узоқ йиллар давомида китоб йиғиш билан шуғулланган»¹⁹. Лаффасийнинг 12581 рақамли «Хоразм тарихий материаллари» қўлёзмасининг 1^а ва 32^а, 36^а варақларида лотин ёзувида ўзининг шахсий кутубхонаси муҳри, яъни «Hasan Madaminuf» деб ёзилган муҳр мавжудлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ҳасанмурод Лаффасий 1949 йил август ойида вафот этган. Шу ўринда айтиш жоизки, унинг вафот йили ҳам баъзи адабиётларда нотўғри берилган. Чунончи, «Муҳаммад Раҳимхон II–Феруз кутубхонаси феҳристи» китобининг 8-бетида Лаффасийнинг вафоти 1942 йил деб ёзиб қўйилган бўлса, Ўзбек Миллий энциклопедиясининг 238-бетида 1945 йил вафот этган, деб берилган. Ваҳоланки, тадқиқотимиз объекти бўлган тазкира қўлёзмаларини ўрганишимиз натижасида шунга амин бўлдикки, Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари 213 рақамли қўлёзмасининг 1^а варағида

«خيوه شاعرلارى 1948 نجى يىل 22 نجى ابيون 1367 نجى هجرى شعبان توفلا غوجى خيوه»
«دولت موزىيى تاريخچى ليكتورى حسنموراد محمد امين اوغلى لفسى

«Хива шоирлари. 1948нжи йил 22нжи июнь 1367нжи ҳижрий шаббон, тўфлоғувчи Хива давлат музейи тарихчи лектори Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий». Қўлёзманинг охириги 61^а варағида эса,

1948 نجى يىل 26 نجى ابييل 1367 نجى هجرى 20 نجى رمضان رقيم فقير حسنموراد قارى
محمد امين اوغلى لفسى

«1948нжи йил 26нжи июль – 1367нжи ҳижрий 20нжи рамазон. Рақими фақир Ҳасанмурод қори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий» деб ёзилган. Агар 213 рақамли қўлёзmani Лаффасийнинг ўз дастхати эканини инобатга оладиган бўлсак, адиб тазкирани 1948 йил 26 июлда ёзиб тугатган. Бундан кўриниб турадики, Лаффасий 1948 йил июль охирида ҳам ҳаёт бўлганлиги ойдинлашади. Бунга бошқа ишончли далилни ҳам келтирамиз: Хивада невропатолог Абдушариф Рўзметов билан учрашдик. У киши Лаффасийнинг Аҳмаджон исмли укасининг чевараси экан. Абдушариф Рўзметов бизга

¹⁹Эркинов А.С., Полвонов Н.Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз кутубхонаси феҳристи. –Т.: Янги аср авлоди, 2010. –Б.26.

Ҳасанмурод Лаффасийни 1949 йил 13 августда вафот этганлигини айтди. Бу жихатдан олима Сайёра Самандарованинг қуйидаги тасдиқловчи маълумотлари ҳам эътиборлидир: «Тарихчи олим, тазкиранавис Ҳасанмурод Лаффасий 1949 йилда Хивада вафот этган»²⁰. Булардан ташқари «Тазкираи шуаро»нинг 11499 рақамли нусхаси 24^б варағида асар охирига Абдулла Болтаевнинг «Мазкур Лаффасий 1949 йил август ойида вафот этди», деб ёзиб қўйгани ҳам юқоридаги маълумотларни тасдиқлайди.

Абдушариф Рўзметовнинг гувоҳлик беришича, Ҳасанмурод Лаффасий онадан 4 ўғил бўлишган. Ҳасанмурод, Ҳусанмурод, Салой, Аҳмаджон. Ҳасанмурод Лаффасийдан фарзанд қолмаган. Ҳусанмурод, Салой ва Аҳмаджон исмли укаларининг фарзандлари, неваралари ва чеваралари бор. Улардан Ҳусанмурод ва Аҳмаджон исмли укаларининг фарзандлари ҳозирда Хиванинг Ичан қалъа, Ўзбекистон кўчасида яшашади, биз тадқиқотимиз асносида Ҳасанмуроднинг Ҳусанмурод ва Аҳмаджон исмли укаларининг чевара ва эваралари билан учрашдик. Лаффасийнинг яна бир укаси Салойнинг фарзандлари, невара-чеваралари эса Ҳазораспда туришади, турли касб эгалари экан. Улар ҳам Лаффасийнинг ҳаёти ва ижоди, айниқса, автобиографияси, вафот санасига доир ишончли манба, қимматли маълумотларни тақдим этишди.

Ҳасанмурод Лаффасий асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида ўз ўрнига эга бўлган адибдир. Унинг асарлари Хоразм адабий муҳитини ёритишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Тарихий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Гулшани саодат» асари ҳамда «Хоразм тарихий материаллари» қўлёзмалари ҳақидаги қисман маълумотлар тарихчи О.Жалиловнинг «Ҳасанмурод Лаффасий» номли рисоласида учрайди. Бошқа тарихий асарлари ҳақидаги маълумотлар шу вақтга қадар бирорта адабиётда қайд этилмаган. Ушбу диссертация жараёнида биринчи маротаба уларни тадқиқотга жалб этдик ва тавсифини келтирдик.

²⁰Самандарова С. XX аср тазкиралари: Филол. фан. номз... дис. автореферати. – Тошкент, 1996. –Б. 6.

«Гулишани саодат» қўлёзмаси. Лаффасий ёзган گلشن سعادت («Гулишани саодат») номли асари Хоразм тарихига бағишланган бўлиб, ҳозирги кунда унинг қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг асосий фондида 7771 рақам остида сақланмоқда. У 66 варақдан иборат бўлиб, настаълиқ хатида ёзилган, муковаси қалин кўк картон билан қопланган ва ўлчами 18x11. Асар сифатли дафтарга муаллиф дастхати билан китобат қилинган. Қўлёзмада матн 17-варақчага қизил сиёҳ билан икки чизиқли рамка – жадвал ичига олинган, 17-варақдан сўнг қора сиёҳ билан рамкага олинган. Матн ҳар бир саҳифада 15 ёки 16 сатрдан жойлаштирилган. Муаллифнинг ўзи асар бошланган саҳифадан то асар охиригача ҳар бир саҳифага 1 дан 128 гача бўлган бет рақамини қўйиб чиққан, пойгирлар ҳам берилган.

Қўлёзманинг 1^а-варағида муҳр мавжуд. Унда асарнинг گلشن سعادت («Гулишани саодат») деган сарлавҳаси қўйилган. Кейин муаллиф номи حسن («Хасанмуродқори Комкор Хевақий») дейилган. 1^б варақдан бошлаб асар дебеча билан бошланган. Қўлёзма муаллифининг тўлиқ исми шарифи асарнинг 2^б варағида тўлиқ ҳолатда берилган: «Ҳақирал қалил мулло Ҳасанмуродқори бо муллақаб Комкор ул ушшоқ бин Муҳаммад Амин бин Муҳаммад Назар девон бин Қилич Ниёзбой бин Ниёзмуҳаммад маҳрам Хевақий». Қўлёзманинг 65^б варағида яна муҳр мавжуд. Бироқ асар яқунланмай қолган. Асарнинг 65 варағида Шарқшунослик институти илмий ходими Абдулла Носировнинг 1967 йил 14 мартда ёзиб қолдирган изоҳи ўрин олган: «Эшитилган тўғри хабарларга қараганда шу «Гулишани саодат» номли китоб, муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган асл нусха, деб айтадилар. Буни Хоразмдан келган адабиёт ходимларидан бири айтган эди»²¹.

Ушбу асар ҳақида О.Жалиловнинг «Ҳасанмурод Лаффасий» номли китобининг 5-бетида «...асарда Хива тахтига Асфандиёрхон ўтирган вақтдан бошлаб тарихий воқеалар баён қилинган»²², деб ёзилган. Асарда Лаффасий

²¹Лаффасий. Гулишани саодат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 7771 рақамли қўлёзма 65^а варақ.

²²Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. – Т.:Ўзбекистон, 1983. – Б.5.

Хивадаги мадрасалар, шифохона, боғ ҳовлилар қурилиши билан бирга турли талон-тарожлар, инқилобий ҳаракатлар, кишиларнинг оғир ҳаёти, жабр-зулмлар кабиларни ҳаққоний ёритиб берганки, бу асарнинг қиймати ошишига сабаб бўлган.

«Хоразм тарихий материаллари» қўлёзмаси. Лаффасийнинг биздаги тарихий асарларидан бири *خوارزم تاءرخى مثيريالارى* («Хоразм тарихий материаллари») ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 12581 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма 175 варақдан иборат бўлиб, муқоваси қалин картон билан қопланган, қора сиёҳ билан ёзилган ҳамда 1^а варақ ва охириги варақда «12581» муҳри босилган. Шунингдек, 1^а варақ ва 32^а, 36^а варақларида лотин ёзувида Лаффасий ўзининг «Hasan Madaminuf» деб, шахсий кутубхонаси муҳрини ҳам босган.

Асар, асосан, Хоразм тарихига бағишланган бўлиб²³, унда Хива хони Асфандиёрхоннинг 1917 йил халққа қарата ёзган «аҳду паймон хати», шартнома шартлари, 1912 йили хонликдаги 25 ҳоким ва ноиблик бўйича маълумотлар, суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, бу ерларда ишловчи аҳоли, экиладиган ғаллалар, олинадиган маҳсулотлар ҳамда чорвалар тўғрисида статистик маълумотлар ҳамда 1920 йилларда Хива қалъаси ичида темирчи, мисгар, харрот, чархчи-туникачи, тикувчи, сандикчи ва шу каби 62 та хунармандлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади. Лаффасий яна бу асарнинг «*Билоди Хоразм*» деб номланган бўлимида Хоразмнинг қадимий номи, худуди, пойтахти, қалъалари, дарвозалари ҳақида, шунингдек, Хоразмда 1804-1920 йилларда ҳукмронлик қилган 11 хон ҳақида маълумотларни жадвал асосида берган ва тарихий шахслар тўғрисида ҳам маълумотлар қолдирган. Бу тарихий асарларда Хоразм тарихининг кўплаб ҳаққоний маълумотлари мавжуд.

Асарнинг 1-32 варағигача «Озод нома» асари берилган. Лаффасий бу асарида қуллар ва қул эгалари ўртасидаги муносабатларни ёритиб берган. Бу

²³Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. – Т.: Ўзбекистон, 1983. –Б.9.

асрнинг қўлёзмаси бизнинг қўлимизда ҳам мавжуд бўлиб, баъзи ўринларда шу манбадан ҳам фойдаландик.

«Хива воқеалари» қўлёзмаси. *خيوه واقعه لارى* («Хива воқеалари») ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7797 рақам остида сақланади. Қўлёзма 102 варақдан иборат бўлиб, муқоваси қалин гулли картон билан қопланган, ўлчами 16,5x17. Қўлёзманинг 1^а-варағида муҳр мавжуд. Юқорида эса «1336 ланжи йили мувофиқи илон йилининг охири эрдиким, моҳ жумодуссоний бешида, якшанба кун офтоб тулуғи қилғон вақтда биродарим Муҳаммад Солиҳнинг ҳамхонаси марҳум бўлди» деб ёзилган. 1^б варақдан бошлаб маснавий шаклидаги дебоча берилган. Қўлёзманинг муқовасида асар номи ва муаллифи берилмаган, бироқ асарнинг 3^б варағининг ҳошиясида асарга «Гулшани саодат деб исм қўйдим» деб ёзилган. 4^а варағида эса муаллиф ўз номини араб алифбосидаги ҳарфлар билан келтирган, бу ҳарфларни бир-бирига қўшиб ўқиб чиққанимизда муаллиф номи келиб чиқди (мим, лом, алиф, хо ва син ва нун, мим,ро,алиф, долу баъд қоф, алиф, роу йой, мутахаллус коф, алиф, мим, коф, алиф, ро, ибн, мим, хо, мим, дол, алиф, мим, йо, нун), яъни Мулло Ҳасанмурод қори мутахаллус Комкор ибн Муҳаммад Амин. Ҳеч қандай жадвалларсиз ўн икки қатордан матн берилган. Муаллифнинг ўзи асар бошланган саҳифадан то асар охиригача ҳар бир саҳифага 1 дан 192 гача бўлган бет рақамини қўйиб чиққан, пойгирлар ҳам берилган. 192-бетдан кейин ҳам 10 бет матн мавжуд, бироқ бу 10 бетга рақам ҳам, пойгир ҳам қўйилмаган. Барча матн қора рангли сиёҳ билан настаълиқ хатида ёзилган. Қўлёзма тугалланган ва охириги бетга ҳам муҳр қўйилган. Бу асарда Асфандиёрхон даври воқеалари баён этилган.

«Хива осори атиқа тарихлари» қўлёзмаси. Ҳасанмурод Лаффасийнинг асарларидан яна бири *خيوه آثار عتيقه تاريخ لارى* («Хива осори атиқа тарихлари») дир. Бу қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 12583 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма 17 варақдан иборат бўлиб, муқоваси қалин картон билан қопланган, 1^а варағида муҳр мавжуд, қора рангли сиёҳ билан настаълиқ хатида ёзилган, охириги вараққа ҳам муҳр

босилган. Унда Хоразмда етишиб чикқан валийлар, шайхлар, сўфийлик тариқати намояндалари, уларнинг вафот этган йиллари ва «Кўнғирот сулоласи вакилларидан ҳукмронлик қилган хонлар исмлари, хонлар оила аъзолари рўйхати, вафот йиллари таърихлари берилган. Булардан ташқари кўлэзмада Хивада бунёд этилган жами 13 та мадраса, яъни Шерғозихон мадрасаси, Оллоҳқулихон мадрасаси, Қултуғмурод иноқ мадрасаси, Раҳмонбердибий мадрасаси, Муҳаммадаминхон мадрасаси, Амир Саййид Маҳмуд тўра мадрасаси, Мусо тўра мадрасаси, Муҳаммадниёз девонбеги мадрасаси, Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси, Саййидбой Шоликор мадрасаси, Саййид Аҳмад тўра мадрасаси, Исломуҳжа мадрасаси, Паҳлавон қори мадрасаси ва 2 та масжид: Калон масжиди, Кўҳна Арк масжиди ҳамда мазкур мадраса ва масжидлар жойлашуви, қурилиши тарихи, ҳомийлари ҳақида маълумотлар мавжуд».

Хоразм таърифи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти кўлэзмалар фондида 7700 рақам билан сақланаётган *خوارزم تعریفی و اوندای زیارت گاه جای لار* («Хоразм таърифи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар») деб номланган асари 96 варақдан иборат бўлиб, муқоваси қалин картон билан қопланган, формати 17/22. Асарнинг бошланиши ва яқунланишига муҳр босилган. Ёзилган вақти 1925 йил деб берилган. Хоразм ва ундаги Норимжон Валий, Султон Увайс, Шайхи Жалил зиёратгоҳлари ҳақида маълумот беради.

«Хоразм мамлакати ва ҳудудлари» кўлэзмаси. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида 8448 рақам билан сақланаётган *خوارزم مملکتی و حدود لاری* («Хоразм мамлакати ва ҳудудлари») номли асарни Ҳасанмурод Лаффасий кўчирган. Асарнинг кўчирилганлиги ҳақида кўлэзманинг 1-варағида қуйидагича маълумот мавжуд: «Бир минг икки юз доғи қирқ еттиланжи ҳижрий, яъни бир минг доғи саккиз юз йигирма олти–мелодий Оллоҳқулихон замонида Раҳмонқули иноқнинг фармойиши илан Ҳазораспли мулло Худойберди бин Қўшмуҳаммаднинг тасниф этгон «Дили ғаройиб» номлиғ китобидин Хоразмға доирларин кўчурилди».

Асарда Хоразмнинг қадимий номи, ҳудуди, пойтахти, қалъалари, дарвозалари ҳақида, шунингдек, Хоразмда 1804-1920 йилларда ҳукмронлик қилган 11 та хон ҳақида ва тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1.2. «Тазкираи шуаро» асари қўлёзма нусхалари ва нашри тавсифи

Матн тарихини ўрганишда тарихий ва адабий ёдгорликнинг яратилган ва кўчирилган даврини аниқлаш, манба нусхалари кўп бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ёдгорликлар матни устида текстологик тадқиқотлар олиб боришдан аввал шу ёдгорликнинг мавжуд қўлёзмаларини йиғиш, кўчирилиш даври, матний тўлиқлигига қараб таснифлаш ва шундан кейингина унинг тарихини кузатиш лозим. Чунки ҳар бир қўлёзма биринчи навбатда ўз даврининг тарихий ёдгорлиги сифатида ўзигагина хос бўлган муайян тарихга эга.²⁴ Тадқиқот мақсадига кўра, изланишларни «Тазкираи шуаро» асарининг қўлёзмаларини қидиришдан бошладик. «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмалари нафақат Ватанимизнинг турли қўлёзмалар фондларида, балки баъзи олимлар қўлида сақланиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Тазкиранинг тўртта қўлёзма нусхаси қиёсий аспектда тадқиқ этилди.

«Тазкираи шуаро»нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 9494, 12561, 11499 рақамли, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 213 рақами билан сақланаётган нусхани асосий нусхалар, П.Бобожонов нашри ва У.Долимов уйида сақланаётган нусхани қўшимча манба сифатида тадқиқ этдик.

Асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида Лаффасий «Тазкираи шуаро»нинг 9494 рақамли қўлёзмасининг муқаддимасида қуйидагиларни ёзади: «Хива давлат музейининг директури Кваркиёнким асли озорбайжонлидур. Ул киши бир куни ман фақир шикаста кўнгулни чақириб мурувват ва марҳаматлар қилиб,

²⁴Ҳамидова М. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол. фан. док... диссер. –Тошкент, 1994. –Б. 37.

дедиким,» эй биродар ва дилхаста замона адабиётчиларининг гавҳарисанким, хозирда санинг фаҳму идрок ва фаросатлиғ замиринг хушдур. Чунончи, хонлиғ даврида ўткан адабиётчи шоирларнинг таржимаи ҳолларидин нуқтадонлиғ қилиб, аларнинг ҳолларидин бир тўплам вужудга келтуриб китобат қилсанг, сандин бир ёдгор ва нишона бўлиб қолур эди. Токим замон адабиёт суювчилари манфаатланиб, сани ва мани ёд этиб турурлар», деб маслаҳат бергани сабабли онинг илтимосин рад қила билмай иқтидорим етганча Хивада ўтган шоирларнинг, баъзи бир қардошлари ва қарт кишиларининг ёрдамлари билан ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб ушбу тўпламға «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» деб тасмия бердим»²⁵. Тазкиранинг 12561 рақамли қўлёзмасида эса, «...Аммо Лаффасий шунчалиғ умри ичида ҳар йил тааллуқ ихтиёр қилмай умр ўтказиб, бефарзанд бўлганидан ҳамма вақтлар паришонҳол бўлиб дерки, ушбу асарлар дағи фарзанд ҳукмида бўлур деб ушбу «Тазкираи шуаро»ни тасниф қилиб, ўзидан ёдгор қолдирадур»²⁶, деган маълумотлар берилган. Демак, бизнингча, Лаффасий асосан Хива адабий муҳитида яшаб ижод этган шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда шеърларидан намуналарни беришни ўз олдига мақсад қилган.

Биз қўлёзмаларни тавсифлашда асар номи, муаллифи, бошланиши ва охири, таркибий тузилиши, матннинг тўлиқлиги, нусхани кўчирган котиб, кўчирилган йили ва ўрни каби илмий хусусиятларига, шунингдек, қўлёзма нусханинг ўлчами, варақлар сони, муқоваси, сиёҳи, қоғози, ёзув тури, муҳр ва безаклари, сатрлар сони, пойгирларнинг қўйилиши ва сақланиш ҳолати каби китобат хусусиятларига эътибор қаратдик.

9494 рақамли қўлёзма нусхаси тавсифи. Қўлёзма *خيوه شاعر و ادبياتچيلار يېنىنگ* (Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари)²⁷ деб номланган, муаллифи Лаффасий. Асар настаълиқ хатида,

²⁵Лаффасий.Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 33^{а,б} варақлар.

²⁶Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 103^{а,б} варақлар.

²⁷Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 1- 34 варақлар.

67 бетдан, яъни 34 варақдан иборат, 12-варағигача катакли дафтарга, 13-варақдан 34-вараққача йўл-йўл дафтарга сафсар сиёҳ билан кўчирилган. Муқоваси тўқ зангор рангли картон билан қопланган, муқова ўлчами 17x23. 1951 йил 16 августда машҳур хаттот Абдуқодир Муродов томонидан кўчирилган. Қўлёзмада тартиб рақамлар билан шоирлар ҳақида маълумот ва ижодидан намуналар берилган. Қўлёзманинг 1^а варағида муҳр мавжуд, унинг остида араб ёзувида «*Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари*» деб ёзилиб, *тўпловчи Ҳасанмуродқори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий*, дейилган. 1^б варағидан бошлаб Лаффасийнинг асарнинг ёзилиш сабаби битилган сўз бошиси берилган. Сўнгра шу давр йирик тарихнавис олими ва шоири Шермуҳаммад Мунисдан бошлаб 1. (бир) (ҳозирги араб рақами билан) тартиб рақами қўйилган ва шоир ҳақида бирмунча муфассал маълумот берилган, унинг ижодидан намуналар келтирилган. Қўлёзмада Мунис ҳақидаги фикрдан сўнг 53 та тартиб рақам остида шоиру адиблар номи келтирилган.

Асар Шермуҳаммад Мунис ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардан бошланиб, унинг ғазалидан намуна берилган, сўнгра кейинги шоирлар ҳақидаги маълумотлар давом этган. Қўлёзмада 51 нафар шоир ҳақида маълумот берилган ва 31 нафар шоир ижодидан намуна келтирилган. Тартиб рақамлар ва варақ рақамларининг барчаси ҳозирги араб рақамларида қўйилган. 1, 13, 34-варақларга 9494 рақамли муҳр босилган.

Қўлёзманинг 33^б варағида асар охирига араб ёзувида «Асл нусха 2 август 1944 йил чаҳоршанба кунида 14-шаъбон 1364-ҳижрий йилда ёзилди. Тамом» деган сўзлар ёзилган. Сўнг ушбу сатрлар тагидан қуйидагилар ёзилган: «Асл нусхадан кўчирувчи Муродов. Хива шаҳри. 16/VIII.51.» 34^а варақда эса араб ёзувида А.Муродовнинг 1951 йил 1 сентябрда араб ёзувида, «Шарқшунослик институти томонидан Хива шаҳридаги давлат музейида сақланмоқда бўлган қўлёзма китоб ва ҳужжатларни мазкур институтга олиб келиш учун 1951 йил август ойида командировка билан борганимда шу китобни музей илмий ходими Болтаев Абдулла қўлида кўриб, илтимос

баробарида шу нусхани айнан кўчириб олиб келиб, институтга топширган эдим. Бинобарин, бу асарнинг кўчирилиши, институтга келиш сабаби аниқ бўлсин учун шу изоҳни ёзиб қўйдим. А.Муродов. 1/IX.51й. Тошканд», деб ёзилган изоҳи ўрин олган. Қўлёзма яхши сақланган, талофат етмаган. Асарнинг 11499 қўлёзма нусхасига нисбатан бу асар тўлиқроқ ёзилган.

11499 рақамли қўлёзма нусха тавсифи. Қўлёзма *خيوه شاعر و ادبياتچيلار يېنىنگ ترجمهء حال لارى* («Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари») дея аталган, муаллифи Лаффасий. Асар настаълиқ хатида, 48 бетдан, яъни 24 варақдан иборат, 12-варақча катакли дафтарга, 13-варақдан 24-варақча йўл-йўл дафтарга сафсарранг сиёҳ билан ёзилган, муқова ўлчами 17/21. Ҳар бир варақча 17-18 қатордан матн жойлаштирилган, пойгир кўйилмаган. Қўлёзма 1951 йил 7 сентябрда Хивалик машҳур наққош Абдулла Болтаев томонидан кўчирилган ва 45 нафар шоир ҳақида маълумотлар берилган. 1^а варақча 11499 рақамли муҳр босилган. Манбанинг титул варағига араб ёзувида қуйидагича ёзилган: «*Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари*

Ҳасанмуродқори Қори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий асари

Котиби: Абдулла Болтаев. Хива.²⁸«

Қўлёзманинг 01-варағида яна айни шу ёзувлар қайтарилган, 02^{а,б} варақлардан бошлаб 03^{а,б} варақларда асарнинг мундарижаси берилган. Мундарижада тартиб рақам, шоирнинг исми шарифи, маълумотлар қайси саҳифада жойлашгани ҳамда қайси сатрдан бошлангани кўрсатилган. 1^а варақдан бошлаб эса шоирлар ҳақидаги маълумотлар бошланади: Мунис ҳақида 36 қатор, Огаҳий ҳақида 41 қатор ва ҳ.к. Ҳар бир саҳифага 17-18 қатордан матн жойлаштирилган. Мазкур қўлёзмада фақат шоирларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар бор, бироқ уларнинг шеърларидан намуналар мавжуд эмас. 24^б варақда араб ёзувида «*мазкур Лаффасийни ёзгон Хива шоирлари тўфламидин кўчириб ёздим...Болтаев*». дейилган. Сўнгра

²⁸Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 11499 рақамли қўлёзма 1^а варақ.

Лаффасийнинг ёзган битта рубойиси кўчириб ёзилган ва шу билан асар яқунланган.

Манбанинг дастхат нусха эканлигини асар охиридаги котиб ёзган изоҳ, котибнинг ўз номини киритгани, А.Носировнинг 01^а вараққа 1963 йил араб ёзувида ёзиб қўйган изоҳи исботлайди.

Ушбу қўлёзмада саҳифа, мундарижа ва шоирларнинг номларини тартиб рақамларда беришда ҳозирги араб рақамларидан фойдаланилган. Қўлёзма яхши сақланган, талофат етмаган.

12561 рақамли қўлёзма нусха тавсифи. Қўлёзмага تذکره شعرا خيوه («Тазкира-и шуаро. Хива») деб ном қўйилган, 1945 йил Лаффасий томонидан ёзилган. Асарда 57 нафар шоир ҳақида маълумот ҳамда намуна шеърлар берилган. Фикралар 4^б-107^а варақларга битилган, муқоваси жигарранг гулли картон билан қопланган, ўлчами 21,5/15. Асар сифатли йўл-йўл дафтарга муаллиф дастхати билан китобат қилинган. Қўлёзмада матн 15,5 ёки 16x10 см.лик икки чизиқли рамка – жадвалга олинган, ҳар бир саҳифада 16 ёки 19 сатрдан матн жойлаштирилган. Муаллифнинг ўзи асар бошланган саҳифадан то асар охиригача ҳар бир саҳифага 1 дан 206 гача бўлган бет рақамини (ҳозирги араб рақамларида) қўйиб чиққан. Матн икки хил сиёҳда – қирмизи ва қора рангда настаълиқ хатида ёзилган, 1-54-варақгача сафсарранг қирмизи сиёҳ билан ёзилган, 54-варақдан 97-варақгача қора сиёҳ билан ёзилган.

Қўлёзманинг 1^а варағида 12561 рақамли муҳр мавжуд. Муҳрдан сўнг «Сийар-и шарифдан олинган тарих хабарлари» сарлавҳаси остида Одам Ато – Муҳаммад Мустафо – Нух – Иброҳим – Мусо – Довуд – Искандар Зулқарнайн – Исо – Нўширавон даврлари орасида қанча вақт ўтгани тўғрисидаги маълумот акс этган. 1^б-2^б варақларда мундарижа мавжуд, бироқ 54- тартиб рақамли шоир билан мундарижа тугаган ва охирига етмаган. Мундарижада тартиб рақам, шоирнинг исми шарифи, маълумотлар қайси саҳифада жойлашгани ҳамда нечанчи сатрдан бошлангани аниқ кўрсатилган.

Қўлёманинг 3^а варағида асарнинг «Тазкираи шуаро Хива» деган номи ўртада қўйилган. Юқорида эса: *قال النبي عليه الصلوة و السلام الشعر حسنه حسن* – «Пайгамбар алайҳиссалоту вассалом айтдилар: «Шеърнинг яхшиси яхшидур!²⁹» деган сўзлар араб тилида битилган. Кейин тўпловчининг номи «Ҳасан Муҳаммад Аминўф Лаффасий» деб кўрсатилган. Сарлавҳа тагида эса «1945 инжи йил, Шаҳри Хива, 1365 инжи ҳижрий» деб қайд қилинган ва яна бир марта «Асари Ҳасанмуродқори» дейилган. Қўлёманинг 4^а варағида яна муҳр мавжуд. Марказга асарнинг «Тазкираи шуаро. Хива» деган номи қўйилган, тепасида эса: *کم صلاح او خط له در سنج خط منقوت را بجایش ده* – «Қанчалик салоҳияти (мазмун) ёки хатоси учун кечиринг ва нуқталарни ўрнига қўйиб ўқинг³⁰», деб ёзилган. Сарлавҳа остида яна «1945 инжи йил, Шаҳри Хива, 1365 инжи ҳижрий» деб қайд қилинган. Энг пастида «Асари Мулла Ҳасанмуродқори бин Муҳаммад Амин Хивақий», деб битилган.

4^б варақдан 5^а варақчага дебеча ва «маснавийи сабаби таълиф китоб» берилган ва шу 4^б саҳифадан пойгир қўйилган. 6^а варақдан эса Мунисдан бошлаб шоирлар ҳақида маълумотлар ва улар ижодидан намуналар келтирилган.

Асар 106^б варақда «Таммат Тазкираи шуаро» дейилган ва «1365 инжи ҳижрий йил моҳи ражаб 14 шанба куни. Боқалами мулло Ҳасанмурод қори Лаффасий бин Муҳаммад Амин. 1945 йил 23 июнь», сўзлари ёзилган. Қўлёманинг 107^б ва 108^а варағида ҳеч нарса берилмаган, бироқ 108^б варақ ва 109^а варақда Хива хонлиғидаги маунатлар деб берилган матн мавжуд. 109^б варақда 12561 ёзилган муҳр босилган. Қўлёмза яхши сақланган, талофат етмаган, бошқа қўлёмаларга қараганда тўлиқ ва саводли ёзилган. Қўлёмза У.Ҳамраев ва У.Каримовлар томонидан 1974 йили хивалик Ражаб

²⁹Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёмза 3^{а,в} варақлар.

³⁰Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёмза 4^б варақ.

Аҳмадийнинг кутубхонасидан бошқа китоблар билан бирга сотиб олинган ва институт фондига келтирилган³¹.

213 рақамли қўлёзма нусха тавсифи. Қўлёзма *خيوه شاعرلارى* («Хива шоирлари») деб номланган, муаллифи Лаффасий, у сафсарранг сиёҳ билан майда настаблиқ хатида ёзилган, 120 бетдан, яъни 60 варақдан иборат, Лаффасийнинг ўзи кўчирган. Қўлёзма қалин муқовага олинган ва яхши сақланган. Матн икки чизиқли рамка – жадвал ичига олинган, ҳар бир саҳифада 13 ёки 16 сатрдан матн жойлаштирилган. Муаллифнинг ўзи асар бошланган саҳифадан то асар охиригача ҳар бир саҳифага 1 дан 120 гача бўлган бетни араб рақамларида қўйиб чиққан. Асарда 52 шоир ижодидан намуналар берилган. Намуна шеърлар берилиши жиҳатидан 11499 ва 9494 рақамли қўлёзма нусхаларга қараганда тўлиқроқ ва кўпроқ берилган, бироқ маълумотлар 12561 рақамли нусхага қараганда камроқ берилган. Манбанинг титул варағига қуйидагича ёзилган: «*Хива шоирлари*». 1^а варақда яна марказга асарнинг «*Хива шоирлари*» номи қўйилган, *пастиди эса: «1948 йил 22 июнь 1347 – ҳижрий шаъбон тўфлогувчи Хива Давлат музей тарихчи лектори Ҳасанмуродқори Муҳаммад Амин ўгли Лаффасий»³²*, деб битилган.

Асарда мундарижа берилмаган. Қўлёзма 1^б варақдан бошлаб Лаффасийнинг 28 байтли муқаддимаси билан бошланган:

*Аё, дўсти содиқ, сизга ҳолим,
Ки сизга деюрга йўқ мажолом.
Тушиб бошимга бу кун онча савдо,
Етубон дам-бадам минг турли завго.
Гаҳи ҳушдин кетиб, ақлим фаромуш,
Бўлибон шул сабаб гамларга огуш...³³*

Саҳифалар тартиби икки усулда: юқоридан ўртага рақамлар қўйилиб, саҳифалар остига пойгир орқали берилган. Тартиб рақамлар эса араб

³¹Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. –Тошкент. 1981. –№4. –Б.80.

³²Лаффасий. Хива шоирлари.. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди 213 рақамли қўлёзма 1-60 варақ.

³³Лаффасий. Хива шоирлари. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди 213 рақамли қўлёзма 1^а варақ.

рақамлари билан 1-, 2-, 3-... тарзида қўйилган. Шоирлар номларига қўйилган тартиб рақамлар алоҳида чизиклар орасига ёзилган. Маълумотлар ва ғазалларни бир-биридан ажратиш учун чизиклар тортилган, ғазаллар икки устун қилиб берилган.

2^б варақдан шоирлар ҳақида маълумотлар ва ижодидан намуналар бошланади. Тазкирани С.Самандарова айтганидек, «шоирлар ҳақидаги маълумотларга ва уларнинг шеърларидан келтирилган намуналар»³⁴га ажратиб ўрганиш мумкин: Мунис ҳақида 15 қатор маълумот, 4 та ғазалидан намуна, Огаҳий ҳақида 8 қатор маълумот, 5 та ғазали ва 1 мухаммаси, Аваз Ўтар ҳақида 9 қатор маълумот ва 5 та ғазалидан намуналар тарзида келтирилган.

Шундан сўнг асар 61^а варақда Лаффасий мухаммаси билан яқунланади. 61^а варақнинг остига асар тугалланган вақти қайд қилинган: «1948 йил 26 июль 1347-ҳижрий 20-рамазон, рақими фақир Ҳасанмуродқори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий» ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи муҳри босилган. Бу асарнинг баъзи тавсифини олима С.Самандарованинг филология фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертациясининг 22-бетида ҳам учратамиз, бироқ асар тўлиқ тавсиф этилмаган.

«Тазкирани шуаро»нинг П.Бобожонов нашири. Асар номи «Тазкирани шуаро» деб номланган, муаллифи Лаффасий. Асар 120 бетдан иборат бўлиб, унда 50 нафар шоирнинг ҳаёти ва ижодидан маълумот берилади. Тазкиранинг ҳар бир бетида 41-43 қатордан матн берилган, муқоваси унчалик қаттиқ бўлмаган картондан, кирилл ёзувида, қора сиёҳда ёзилган.

Асар нашрга тайёрловчи П.Бобожонов сўз бошисидан сўнг Шермуҳаммад Мунис ҳаёти ҳақидаги маълумотлар билан бошланган, намуна шеърлар берилган, сўнгра бошқа шоирларнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар билан давом этган. Асарнинг 118-бетида Лаффасийнинг битта рубойиси билан тазкира яқунланган. 119-бетда эса асар мундарижаси берилган.

³⁴ Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. – Т.: Хазиана, 1995. – Б. 24.

«Тазкираи шуаро» асарини журналист П.Бобожоновнинг айтишича, 1950 йилларда отаси хоразмлик адиб ва журналист Матёқуб Бобожонов араб ёзувидан кирилл ёзувига ўгирган. Асарнинг шу вариантыни П.Бобожонов нашрга тайёрлаган ва 1992 йил чоп эттирган³⁵. Бизнингча, бу нашр 11499 ва 9494 рақамли қўлёзмаларга қараганда тўлиқроқ ҳолатда берилган, бироқ асарда кўплаб сўзлар хато берилган ва баъзи ғазаллардаги байтлар яқунланмасдан, сўзлар ўрнига кўп нуқта қўйиб кетилган:

Аё шоҳи чашми.....

Фалак гунбазин бил сув узра ҳубоб.

Бу ҳолатни П.Бобожонов: «Қўлимизда асл нусха бўлмаганлиги сабабли нашрга тайёрлаш ишини жиддий қийинлаштирди. Хатоларни имкон борича бартараф қилдик, мужмал сўзларнинг ўрнини кўп нуқта қўйиб очиқ қолдирдик»³⁶, дея изоҳлаган. Баъзи хатоликларга босмаҳона хатоси, деб қараса ҳам бўлади, бироқ бошқа хатоликларни матнни нотўғри ўқиш натижасида юзага келган, дейиш мумкин. Масалан, 30-бетдаги: «Манга раҳм айлагил, эй ҳусн иқлимнинг яктоси» мисрасидаги «раҳм» сўзи «рам» тарзида ёзилган. Бу сингари хатолар китобда кўплаб топилади, бу эса ўқувчининг матнни тўғри тушунишига халал беради. Бундай хатоликларни йиғма -қиёсий матнда тўғрилашга ҳаракат қилдик.

Асарни ўрганишимиз жараёнида нашрда берилган шоирлар ҳақидаги маълумотлар ва намуна шеърларга эътибор берганимизда, у Шарқшунослик институтида сақланаётган 12561 рақали қўлёзмага яқин эканлиги аниқ бўлди. Бизнингча, П.Бобожонов асарни нашрга тайёрлаш жараёнида мазкур 12561 рақамли қўлёзма мавжуд эканлигидан хабардор бўлмаган ёки иккаласини солиштириб чиқиш имконини топа олмаган.

Улугбек Долимов шахсий кутубхонасидаги нусха. Бу нусха «Хива шоирлари» деб номлаган, муаллифи Лаффасий. Титул варағига *Анвар Отабоевнинг Лаффасийдан кўчирмаси*, деб ёзиб қўйилган. Бу қўлёзма нусха

³⁵ Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. –118 б.

³⁶Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 4.

билан танишиб чиқиш имконини бизга таниқли олим Улуғбек Долимов яратиб бердилар³⁷. Тазкиранинг ҳар бир бетида 27-30 қатордан матн берилган. Муқоваси қаттиқ картон билан қопланган, кирилл ёзувида, қора сиёҳда ёзилган. Қўлёзма 169 бетдан иборат. Унда дебоча ёки сўз боши йўқ. 3-бетдан бошлаб Шермуҳаммад Мунис ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълумотлар ва шоир ижодидан намуна шеърлар берилган. Шу тариқа шоирлар номлари давом этган. Асар 169-бетда Лаффасийнинг 5 та рубоийси билан бирга қуйидаги сўзлар билан яқунланган:

*Котиб фақир ал-ҳақир мулло Ҳасанмуродқори ибн Муҳаммад Амин
Хивақий Лаффасий.*

Таммат.

1945 йил 14 январь, 1345 ҳижрий сафар.

Нусхани ўқиб чиқиш жараёнида шунга амин бўлдики, ушбу нусха ҳам 12561 рақамли нусхага ўхшаш ва П.Бобожонов нашр қилган китобнинг айнан ўзи.

Ушбу нусхада хатолар жуда кўплиги боис, биз бу нусхани қиёсий таҳлилга жалб этмадик. Масалан, асарнинг 9-бетида «Бу манзилни фаҳм этмагил жовидон» мисрасидаги «фаҳм» сўзи «фам», «Вафосиздурур даҳр иқболи бил» мисрасидаги «даҳр»сўзи «дар», «Бақосиздурур мулк ила моли бил» мисрасидаги «бақосиздурур» сўзи «бақасиз дурур», «Мустаҳиқи лутфу эҳсонинг керакмасму санга» мисрасидаги «мустаҳиқи» сўзи «мустаиқи», 23-бетида «Гар олса илгига ул моҳ танбур» мисрасидаги «моҳ» сўзи «мо», «Қилур мутрибвашимнинг фурқатида» мисрасидаги «мутрибвашимнинг» сўзи «мутриб ва шамнинг» тарзида келтирилади ва ҳоказо. Матн маъноларини англашга ҳалал берувчи бундай имловий ва услубий хатоликлар ҳаддан зиёд кўплиги мазкур нусхадан фойдаланишда қийинчилик туғдириши табиий.

³⁷ Асарни У.Долимовнинг шахсий кутубхонасидан 2012 йил 12 апрель куни олганмиз ва бунинг учун устозга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

I боб бўйича хулосалар

1. Ҳасанмурод Лаффасий XIX аср охири XX аср бошлари Хива адабий муҳитида яшаб ижод қилган тарихчи, лирик шоир, тазкиранавис, адабиётшунос сифатида «*Гулиани саодат*», «*Хива воқеалари*», «*Хоразм тарихий материаллари*», «*Хива осори атиқа тарихлари*», «*Хоразм таърифи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар*», «*Хоразм мамлакати ва ҳудудлари*» асарлари, «*Комкор ал-ушшоқ*» номли девон ва «*Меҳр-муҳаббат*» номли шеърӣй дoston муаллифидир.

2. Лаффасий тазкираси Хива адабий муҳити, унда кечган жараёнлар, давр адабий жараёнларида етакчилик қилган мавзу ва жанрлар, қаламкашларнинг ҳаёти ва ижодий мероси тўғрисида маълумот берувчи адабий манба сифатида эътиборга молик.

3. Тазкирада келтирилган маълумотлар ижодкорларнинг илмий биографиясини яратишда қимматли аҳамиятга эга. Шунингдек, тазкирада ижодкорлар асарларидан берилган намуналар уларнинг асарлари мукамал матнини тиклаш, жанр ва мавзу мундарижаси бўйича илмий хулосалар чиқаришда муҳим ўрин тутди.

4. Лаффасий тазкирасининг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инситути асосий фондидаги 12561, 9494, 11499 рақамли ва ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида 213 рақамли қўлёзмаси, П.Бобожонов нашри, У.Долимов шахсий кутубхонасидаги нусхаси мавжуд.

II БОБ. «ТАЗКИРАИ ШУАРО» НИНГ ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚИ

2.1. Тазкира қўлёзма нусхалари ва нашридаги адабий материаллар қиёсий таҳлили

Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари бўйича ҳозирга қадар бир қатор тадқиқотлар³⁸ қилинган бўлса-да, унинг мавжуд қўлёзмалари ва нашри ўртасидаги матний фарқлар, уларнинг юзага келиш сабаблари, асарнинг адабиётшунослик ва тазкиранавислик тарихидаги ўрни, тазкиранавислик анъаналарини ўрганишдаги аҳамияти яхлит тарзда таҳлил этилмаган.

«Тазкираи шуаро»нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 9494, 11499, 12561 рақамли ва ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги 213 рақамли қўлёзма нусхаси турли йилларда кўчирилган.

«Тазкираи шуаро» қўлёзмалари ва нашрини ўрганишимиз жараёнида шоирлар сонининг берилиши, номларининг тартиб рақамларда келтирилиши, тазкирага шоирларнинг киритилиши, шоирлар ижодидан намуна шеърлар сонининг берилиши, тазкира нусхаларининг тузилишида фарқлар мавжудлиги аниқланди.

9494 рақамли қўлёзма 1944 йил 2 августда Лаффасий томонидан ёзилган ва асл нусхадан 1951 йил августда Абдуқодир Муродов томонидан кўчирилган. Олима Э.Иброҳимова мазкур нусхада «53 шоирнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган ва китоб муқовасининг ички томонида мундарижа бор»³⁹, деб қайд этган бўлса, олим Ф.Ғанихўжаев

³⁸Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1963. – № 6. –Б.62-64; Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. – Тошкент. 1981. – №4. Б.-77-80.; Жалилов О. Ҳасанмурод Лаффасий. – Т.: Ўзбекистон, 1983. –Б.14; Самандарова С. XX аср тазкиралари: Филол. фан. номз... диссер. –Тошкент. 1996. –Б. 28-59; Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи: Филол. фан. номз... диссер. – Тошкент. 2012. –Б.40-44; 137-ص. موسسه مطالعات ملی. ایران. 1384 ی. ابراهم خدايار. غریبهای آشنا. ایران. 1384 ی. موسسه مطالعات ملی. ص. 137-1992. –118 б; Лаффасий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: ЎМЭ, 2003. –Б.238.

³⁹Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент. 1963. –№ 6. –Б.62.

«Муҳаммадамин ўғли Ҳасанмуродқори Лаффасий ёзиб қолдирган «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» номли тўплами диққатга сазовордир (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. 9494). Бу асар 1944 йилда хоразмлик халқ наққоши А.Болтаев томонидан кўчирилган. Лаффасий тазкирасида Мунис Хоразмийдан бошлаб 65 шоир ва адибнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган», дейди. У.Хамроев ва У.Каримов эса, мазкур нусхада хивалик 51 шоирнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг асарларидан намуналар берилган, деб ёзади. Бироқ баъзи шоирларнинг номи икки мартадан такрорланганлиги туфайли шоирлар сони 51 ўрнига 53 деб ҳисобланган⁴⁰, дея, изоҳ беришган. Г.Исмоилова Ҳасанмуродқори Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари»и тазкирасида Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлигида яшаб ижод қилган шоирлардан 54 нафарининг номи келтирилади,⁴¹ деб ёзган.

Тадқиқот жараёнида бу нусхани Ф.Ғанихўжаев айтганидек А.Болтаев эмас, балки А.Муродов кўчиргани маълум бўлди. Ушбу нусхада юқоридаги олимларимиз таъкидлаган 53, 65, 54 нафар эмас, балки 51 нафар шоир ҳақида маълумот ва намуна шеърлар мавжуд, мундарижа эса умуман берилмаган, шоирларнинг номлари тартиб рақамлар билан ёзиб қўйилган. Равнақийдан бошқа бирор бир шоир номи икки марта такрор ёзилмаган. Асарда 53 та тартиб рақам мавжуд, бироқ 4-рақамда Равнақий деб ёзилган ва «Равнақий ҳам Хива шоирларидан бири эрди. Анинг адабиётларидин намуна топилмади»,⁴² деб ёзилган бўлса-да, 14-рақамда Равнақий ижодидан намуна берилган. 9-рақам умуман ёзилмасдан 10-рақамга ўтиб кетилган. Бу ҳолат, назаримизда, юқоридаги каби чалкашликларга сабаб бўлган.

Асар дебочадан сўнг Муниснинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълумотлардан бошланган ва шоир ғазалидан намуна берилган, кейинги шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам шу тариқа давом этган.

⁴⁰ Хамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. –Тошкент. 1981. – № 4. – Б.77.

⁴¹Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. –Т.: Истиклол нури, 2014. –Б. 6.

⁴²Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 5⁶ варақ.

11499 рақамли қўлёзма Абдулла Болтаев томонидан 1951 йил август-сентябрь ойларида кўчирилган. Асарнинг 02-1-варақларида 45 нафар шоир ёзилган тартиб рақам остида мундарижа берилган ва айнан 45 нафар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар мавжуд, бироқ уларнинг ижодидан намуналар берилмаган. Бу ҳақда қўлёзманинг 01 варағида 1963 йил Носиров томонидан ёзилган изоҳ мавжуд. Унда келтирилишича, Болтаев шоирларни сайлаб олиб, сўзларни ҳам қисқартириб, 45 нафар шоир ҳақида бўлган маълумотнигина кўчирган⁴³.

12561 рақамли қўлёзма 1945 йил Ҳасанмурод Лаффасий томонидан ёзилган. Олима Г.Исмоилованинг таъкидлашича, «12561 рақамли қўлёзма нусхада 54 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бор»⁴⁴. Эронлик олим Иброҳим Худоёр «Бу тазкирада Лаффасий шеърларидан намуна ва шарҳлари ҳолатидан ташқари шеърларининг кўпи ўзбек тилида бўлган 56 нафар шоир ва олимларнинг биографияси ёритилган»⁴⁵, деса, У.Хамроев ва У.Каримов мазкур нусхада 56 шоир ҳақида баҳс юритилади..., шоир Ғозийнинг бир ғазали асарнинг 21^a-варағида кўзга ташланса, унинг таржимаи ҳоли ва шеърларидан намуналар каби асосий маълумотларни 41^b-42^b варақларида ўқиймиз,⁴⁶ дея ёзишган. У.Хамроев ва У.Каримов тазкирада Ғозий тахаллусли битта шоир берилган, деб ҳисоблашган ва натижада шоирлар сонини 56 та деб янглишишган. Холбуки, қўлёзмани ўрганганимизда асарда Ғозий тахаллусли иккита шоир мавжудлиги, унда олимларимиз айтгандек 54, 56 нафар эмас, балки 57 нафар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар ҳамда ижодидан намуналар берилганлиги, ҳатто 58-шоир сифатида Кишжон бика ҳақида маснавий ёзилганлиги, шоира ғазалини ёзиш учун саҳифада бўш жой ҳам қолдирилганлиги маълум бўлди.

⁴³Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 11499 рақамли қўлёзма 01^b варақ.

⁴⁴Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. –Т.: Истиқлол нури, 2014. –Б. 29.

⁴⁵ابراهیم خدیایار. غریبهای آشنا. ایران. 1384. ی. موسسه مطالعات ملی. ص-137.

⁴⁶У. Хамроев, У. Каримов. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. –Т.: 1981.– № 4. –Б.79.

Бу қўлёзмада аввал асар бошида мундарижа берилган, бироқ унда фақат 54 шоирнинг номи келтирилган, сўнгра асарнинг номи кўрсатилган. Балки олимларимиз шунинг учун ҳам шоирларнинг сонини чалкаштирган.

213 рақамли қўлёзма 1948 йил июнда Лаффасий томонидан ёзилган ва 52 нафар шоирнинг ҳаёти ва ижодидан маълумотлар, намуна шеърлар берилган. Мундарижа мавжуд эмас, шоирлар тартиб рақамлар билан ёзилиб кетилган.

П.Бобожонов нашри ҳақида С.Самандарова «Ушбу китоб Хива хонлиги ҳамда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз саройида ижод қилган 51 нафар хоразмлик шоирлар ҳақида маълумот беради»⁴⁷, деб ёзган. Ваҳоланки, тадқиқ натижаларида бу нашрда 50 нафар шоир ҳаёти ва ижодидан намуналар берилганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, асарнинг 1⁶-бетида «Бешланжи Равнақий» деб ёзилган ва «Равнақий ҳақида маълумот топилмади», дея изоҳ берилган. Шу санок туфайли шоирлар сони англашилган. Бу нашрда асар охирида мундарижа мавжуд ва барча шоирларнинг номлари келтирилган.

Тазкиранинг қўлёзмалари ва нашрида шоирлар номларининг тартиб рақамларда берилишида ҳам муайян фарқлар мавжудлигини кузатдик. 9494, 11499, 213 рақамли қўлёзма нусхалар ва П.Бобожонов нашрида Огаҳий ҳақидаги маълумотлар иккинчи ўринда берилган, 12561 рақамли қўлёзмада эса бешинчи ўринда, 11499, 9494 рақамли қўлёзмада аввал Феруз, кейин Комил Хоразмий ҳақида маълумот берилган. 12561, 213 рақамли қўлёзмалар ва П.Бобожонов нашрида эса Комил Хоразмий аввал, кейин Феруз ижоди берилган ва ҳоказо. Бундай ўзгаришларни бу қўлёзмаларда ва нашрда кўплаб учратиш мумкин.

Тазкирага шоирларнинг киритилиши бўйича ҳам қўлёзма нусхалар ва нашрда тафовутлар борлигини аниқладик. 11499 рақамли қўлёзмада Зийракий, Сўфи, Ғозий, Равнақий, Нишотий, Хўжа, Баҳодирий, Қонёлар ҳақида маълумотлар берилмаган бўлса, П.Бобожонов нашри ва 12561

⁴⁷Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. –Т.: Хази́на,1995. –Б. 5.

рақамли қўлёзда бу шоирлар билан бирга яна Мирзо Масихо Бухорий, Мунший, Диловарий, Вазирий, Хисравий, Баҳодирий, Ғозий каби шоирлар ҳам берилган.

Тазкиранинг қўлёзмалари ва нашрида шоирларнинг тазкирага киритилиши бўйича фарқлар мавжудлиги боис биз, шоирларнинг умумий рўйхатини беришни лозим топдик ва натижада қўлёзма нусхалар ҳамда нашрда қайси шоирлар берилмаганлиги аниқланди:

№	Шоир номи	№12561	№9494	№213	№11499	Нашр
1.	Мунис	+	+	+	+	+
2.	Масихо Бухорий	+	-	-	-	-
3.	Зийракий	+	+	+	-	+
4.	Мунший	+	-	+	-	-
5.	Оғаҳий	+	+	+	+	+
6.	Диловарий	+	-	-	-	-
7.	Вазирий	+	-	-	-	-
8.	Хисравий	+	-	+	-	+
9.	Рожий	+	+	+	+	+
10.	Равнақий	+	+	+	-	-
11.	Хўжа	+	+	+	-	+
12.	Нишотий	+	+	+	+	+
13.	Ғозий Хўқандий	+	-	+	-	+
14.	Холис	+	+	+	+	+
15.	Рожеҳ	+	+	-	+	-
16.	Нозимий	+	+	-	+	-
17.	Комил Хоразмий	+	+	+	+	+
18.	Феруз	+	+	+	+	+
19.	Муродий	+	+	+	+	+

№	Шоир номи	№12561	№9494	№213	№11499	Нашр
20.	Комёб	+	+	+	+	+
21.	Фаррух	+	+	+	+	+
22.	Султоний	+	+	+	+	+
23.	Содикий	+	+	+	+	+
24.	Саъдий	+	+	+	+	+
25.	Оқил	+	+	+	+	+
26.	Баёний	+	+	+	+	+
27.	Асад	+	+	+	+	+
28.	Ғозий	+	+	+	+	+
29.	Мирзо	+	+	+	+	+
30.	Нозирий	+	+	+	+	+
31.	Шиносий	+	+	+	+	+
32.	Ғуломий	+	+	+	+	+
33.	Камолий	+	+	+	+	+
34.	Пур Комил	+	+	+	+	+
35.	Табибий	+	+	+	+	+
36.	Аваз Ўтар	+	+	+	+	+
37.	Девоний	+	+	+	+	+
38.	Умидий	+	+	+	+	+
39.	Хаёлий	+	+	+	+	+
40.	Иноят	+	+	+	+	+
41.	Ходимий	+	+	+	+	+
42.	Надимий	+	+	+	+	+
43.	Чокар	+	+	+	+	+
44.	Мутриб	+	+	+	+	+
45.	Баҳодирий	+	–	+	–	+
46.	Ожиз	+	+	+	+	+
47.	Доий	+	+	+	+	+

№	Шоир номи	№12561	№9494	№213	№11499	Нашр
48.	Ҳақирий	+	+	+	+	+
49.	Юсуфий	+	+	+	+	+
50.	Хокий	+	+	+	+	+
51.	Ниёзий	+	+	+	+	+
52.	Ҳабибий	+	+	+	+	+
53.	Роғиб	+	+	+	+	+
54.	Қонё	+	+	+	–	+
55.	Музниб	+	+	+	+	+
56.	Фақирий	+	+	+	+	+
57.	Лаффасий	+	+	+	+	+
58.	Сўфи	–	+	–	–	–

Булар билан бирга шоирлар ижодидан намуна шеърларнинг сониди ҳам фарқлар учради. 9494 рақамли қўлёзма нусханинг 7^а varaғида Феруз ижодидан битта намуна шеър берилган бўлса, 213 рақамли қўлёзманинг 14^б ва 15-16-варақларида 3 та ғазали ва 1 та Огаҳий ғазалига мухаммаси мавжуд. Тазкиранинг 12561 рақамли қўлёзмасини 28^б varaғида Ферузнинг 3 та ғазали берилган бўлса, П.Бобожонов нашрининг 26-бетида 2 та ғазали берилганини кўрамиз. 9494 рақамли қўлёзма нусхасининг 10^а varaғида Равнақийнинг 1 та наъти берилган, 12561 рақамли қўлёзманинг 19^а varaғида 1 та ғазали, 213 рақамли қўлёзманинг 9^{а,б} варақларида 4 та ғазали берилган. П.Бобожонов нашрининг 16-бетида «Бешланжи. Равнақий Хива шоирларидин бири бўлиб, бу ҳақда маълумот топилмади»⁴⁸, дейилган изоҳ бор холос, намуна шеър берилмаган.

Ушбу тафовутлар сабаб биз, шоирлар ижодидан намуна шеърларнинг қўлёзмаларда ва нашрда берилишини қуйидагича аниқладик:

1. 9494 рақамли қўлёзмада 31 та шеър – 1 та тарих, 30 та ғазал берилган.

⁴⁸Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Урганч: Хоразм, 1993. – Б.16.

2. 12561 рақамли қўлёзмада 139 та шеър – 7 та тарих, 1 та қасида, 1 та мусаддас, 3 та мухаммас, 5 та рубоий, 122 та ғазал берилган. 136 та маснавий ҳам келтирилган.

3. 213 рақамли қўлёзмада 162 та шеър – 18 та мухаммас, 1 та мустаҳзод, 143 та ғазал мавжуд.

4. П.Бобожонов нашрида 105 та шеър – 1 та мусаддас, 2 та тарих, 1 та мухаммас, 1 та рубоий, 100 та ғазал, 98 та маснавий ҳам бор.

5. А.Отабоев нусхасида 109 та шеър – 2 тарих, 1 та мусаддас, 1 та мухаммас, 5 та рубоий, 100 та ғазал берилган.

Қўлёзма нусхалар ва нашрнинг тузилиши бўйича фарқларга кўра, 11499 рақамли қўлёзма нусха фақат маълумотлардан иборат. 9494 рақамли қўлёзмада 18 шоир ҳақида маълумот-шеър, 30 та шоир ҳақида фақат маълумот, 3 та шоирнинг намуна шеъри тарзида берилган. 213 рақамли қўлёзмасида эса 29 та шоир ҳақида маълумот-шеър, 23 та шоирнинг намуна шеъри мавжуд. 12561 рақамли қўлёзма ҳамда П.Бобожонов нашри маснавий-маълумот-маснавий-намуна тарзида тузилган.

«Тазкираи шуаро» асари қўлёзма нусхалари ҳамда нашрида матний тафовутларни яна бошқа ҳолатларда ҳам кўришимиз мумкин, жумладан, «асарнинг ёзилиш сабаби»да фарқлар, келтирилган оят ва ҳикматли сўзлар берилишида ҳам фарқлар аниқланди.

11499 рақамли қўлёзма, П.Бобожонов нашри ва А.Отабоев нусхасида дебоча ёки сўзбоши йуқ. Асар Муниснинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардан бошланган. 12561 ва 9494 рақамли қўлёзма нусхаларда бир хил дебоча (ҳамд) келган. Сўнгра асарнинг ёзилиш сабаби (26 байт) 12561 рақамли қўлёзмада қуйидагича назм орқали баён қилинган:

Тушуб бошимға бир кун онча савдо,
Ёғибон дамбадам минг турли ғавфо...⁴⁹

⁴⁹Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 5^а варақ.

12561 рақамли нусхадаги назмда берилган қўлёзмани ёзишдан мақсад қисми 213 рақамли қўлёзмада (28 байт) ҳам айнан такрорланган бўлса-да, қуйидаги бир байт 12561 рақамли нусхада тушириб қолдирилган:

ايا دوست صادق سيزگه حاليم
كى سيزگه ديورگه يوق مجاليم (213 1⁶ варақ)

Худди шундай муқаддима охирида берилган бир байтдан аввалги байт ҳам 12561 рақамли нусхада учрамайди:

منى محزون كونگل افگار دورمن
غمى كلفت بيله هم ياردورمن (213 2⁶ варақ)

Бу асарнинг назмда берилган ёзилиш сабаби С.Самандарованинг «XX аср ўзбек тазкиралари» номли диссертациясининг 13-15 ва 53-54-бетларида ҳамда «Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари» рисоласининг 26-бетида 213 рақамли нусхадан кирилл ёзувига ўтирилган ҳолатда берилган, бироқ юқоридаги байтлар ҳақида ҳеч бир нарса ёзилмаган. 213 рақамли нусхадан С.Самандарова кирилл ёзувига ўтирганда баъзи сўзлар хато ўқилган.

С. Самандарова:

Бу кун айла китоб онча шеърлар,
Ки, шеърлар санга ёри бўлурлар...(14-54-бетлар)

213, 12561 рақамли қўлёзмалар:

بو كون ايلا كتابت آنچه شيعرلار
كى شعرالار سنكا يارى بولورلار (213 2^a; 12561 5⁶варақлар)

С. Самандарова:

Бу Хоразм ичра ўткан онча шоир,
Ки жаъм айла аларни санга моҳир... (54-бет)

213 ва 12561 рақамли қўлёзмалар:

بو خوارزم ايچرا اوتكان آنچه شاعر
كى جمع ايله آلارنى سنكه ماهر (213 2⁶; 12561 5⁶варақлар)

С. Самандарова:

Аларни бир китоб айла сан...

Бериб равнақ аларга онқадар сан. (54-бет)

213 ва 12561 рақамли қўлёзмалар:

الارنى بر كتابت ايله كيل سن

213 2^б; 12561 5^бварақлар)

С.Самандарова бизнингча, тадқиқотида 213 ва 12561 рақамли қўлёзмалардан етарлича фойдаланмаган. Шу боис баъзи сўзларни ўқишда хатога йўл қўйган.

9494 қўлёзма нусхада эса дебочадан сўнг бу тазкирани ёзишдан мақсад, ёзишни ким таклиф этганлиги ҳақида Лаффасий томонидан битилган қўйидаги эътироф диққатга лойиқдир: «Хоразм диёрининг Хевақ давлат музейининг директури Кваркиянким, асли озарбойжонлидур. Ул киши бир куни ман фақир шикаста кўнгулни чақириб, мурувват ва марҳаматлар қилиб дедик: «Эй биродар ва эй дилхаста, замона адабиётчиларининг гавҳарисанким, ҳозирда санинг фаҳму идрок ва фаросатлиғ замиринг хушдур. Чунончи хонлиғ даврида ўткан адабиётчи шоирларнинг таржимаи ҳолларидин нуктадонлиғ қилиб, аларнинг ҳолларидин бир тўплам вужудга келтуруб китобат қилсанг, сандин бир ёдгор ва нишона бўлуб қолар эди. То ким замон адабиёт суювчилари манфаатланиб сани ва мани ҳам ёд этиб турарлар», деб маслаҳат берган сабабли, гарчи қудратим етмаса ҳам, онинг илтимосин рад қила билмай, иқтидорим етканча Хевада ўткан шоирларнинг баъзи бир қардошлар ва қарт кишиларнинг ёрдамлари билан ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб, ушбу тўпламға Хева шоир ва адабиётчиларининг аҳволлари деб тасмия бердим...»⁵⁰, деб ёзилган ва кузатишимизча, «асарнинг ёзилиш сабаби»даги бу самимий хотира ва маълумотлар бошқа бирорта қўлёзмада йўқлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

213 рақамли қўлёзмада оят ва ҳикматли сўзлар учрамайди. 11499 рақамли қўлёзма фақат маълумотлардан иборат, бироқ асарнинг бирор жойида оят ва ҳикматли сўзлар берилмаган. 9494 рақамли қўлёзма ва

⁵⁰ Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи холи. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 2^{а,б} варақлар

П.Бобожонов нашрида маълумотлар ва намуна шеърлар берилган бўлса-да, оят ва ҳикматли сўзлар қайд этилмаган. 12561 рақамли қўлёзмада эса оят ва ҳикматли сўзлар берилганлигини кўрдик.

Оятлар:

А). 6^б, 16^б, 49^а, 66^б, 98^б-варақда: وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ

Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди (Юнус сураси, 25-оятдан)

Б). 6^б, 8^б, 16^б, 29^б, 49^а, 57^а, 99^а-варақда: كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ

Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир! (Анкабут, 57-оятдан).

В) 8^б-варақда: إِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ فَلَا يَسْتَأْذِرُونَ سَاعَةً

Ажаллари етганда, бирор соат кечиктира олмайдилар ҳам... (Юнус, 49-оятдан)

Г) 99^а-варақда: ارْجِعِي إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً

(Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ таоло томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда, Раббинг (ҳузури)га қайтгин! (Фажр, 28-оят)

Д) 99^а-варақда: فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِكٍ مُّقْتَدِرٍ

Қодир Подшоҳ ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар (Қамар, 55-оят).

Е) 59^б-варақда: لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

У золимларни севмас. (Шўро, 40-оятдан)

Ҳикматли сўзлар:

А) 16^б, 66^б, 78^а, 81^а-варақда: كل شيء يرجع الى اصله – Ҳар бир нарса аслига қайтади.

Б) 55^б-варақда: حبيبك ديدى لا احدى ثنا حمدىك نى آيتورده – Ҳабибинг деди: Ло уҳсий, санойи ҳамдингни айтурда.

В) 3^а-варақда: قال النبى عليه الصلوت و السلام الشعر حسنه حسن – Пайғамбаримиз алайҳиссалом дейди: Шеърнинг яхшиси – яхшидир.

Г) 4^а-варақда: كم صلاح او خط له در سنج خط منقوت را بجائشده – Қанчалик салоҳияти (мазмун) ёки хатоси учун кечиринг ва нуқталарни ўрнига қўйиб ўқинг.

2.2. Қўлёмалар ва нашрдаги шеърый парчаларнинг матний тадқиқи

Ғазаллардаги матний фарқлар

«Тазкираи шуаро»нинг қўлёмалари ва нашрида шоирларнинг намуна тарзида берилган баъзи ғазаллари матнидаги тафовутлар қуйидагича қиёсий таҳлил этилди:

- 1) қисқартирилган байтлар;
- 2) ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши;
- 3) нашрда кўп нуқта қўйилган қаторлар.

Қисқартирилган байтлар. «Тазкираи шуаро»нинг қўлёмма нусхалари ва нашрида берилган ғазалларни бир-бири билан солиштириб чиққанимизда, туширилиб қолдирилган, қисқартирилган байтларни аниқладик. Натижада, ушбу ғазалларни шоирлар девони, танқидий матн ва бошқа манбалар билан қиёсланган ҳолда йиғма- қиёсий матнда тўлиқ ҳолатда берилди.

Муносибнинг «Ғизонким чархи кажрав, домӣ зулфидин эмас озод...» мисрали тарихи Лаффасий тазкирасининг 12561 рақамли қўлёммасида 7^а-варақ (6-бет), 9494 рақамли қўлёммада 3^б варақ ва П.Бобожонов нашрининг 7-бетида берилган. Уччаласини қиёслаганимизда 12561 ва 9494 рақамли қўлёммалардаги бир байт, яъни охириги икки байтдан олдинги қуйидаги байт П.Бобожонов нусхасида қисқартириб кетилган:

بهاری سبز خورم لیغ بیله باش چیکسا شمشاد

خزان ساوق شمالی برلا دور بی تاب

Оғаҳийнинг «Дарди дилим онга дедим, дема они манга деди...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёммада 20^б варақ (33-бет), 213 рақамли қўлёммада 6^а варақ (10-бет)да жойлашган. Қўлёммалар бир-бирига солиштирилиб, (Ф.Ғанихўжаев) танқидий матни билан қиёсланганида охириги байтдан олдинги қуйидаги икки байт 213 рақамли қўлёммада берилмаган:

وه نیدین ایرکان ایتماکونک هیچ وفا منکا دیدیم

طاهر اولوبدورور قچان حسن ایلیدین وفا دیدی

خسته کونکلکا قیلماسن مونچه جفا دیدیم

دیما جفا آنی سنینک در دینکادور دوا دیدی

Ғозийнинг «Кўнгул кўргач юзингни майл гулзори эрам қилмас...» радифли ғазали «Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёмасида 21^а варақ, 213 рақамли нусхада 12^а варақ ва П.Бобожонов нашрида 17-бетда ёзилган. У.Ҳамроев ва У.Каримовлар тазкиранинг баъзи қўлёмаларини ўрганиш жараёнида Ғозийнинг ушбу ғазалини Ферузнинг иниси Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозийники⁵¹, деган фикрни айтишган. Бироқ ушбу ғазал Мавлоно Ғозий Ҳўқандий номи билан Тазкираи Қаюмийнинг 1-дафтари 93-бетида берилган ва у 7 байтдан иборат. Ғазал Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозийга ёки Ғозий Ҳўқандийга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида уларнинг бир неча девонларини кўриб чиқдик. Отажон тўра Комроннинг ўғли Ғозий девони қўлёмаларида бу ғазал учрамади. Пўлатжон Қаюмийнинг асари «Тазкираи Қаюмий» асарида ғазал Ғозий Ҳўқандийга тегишли деб кўрсатилган. «Тазкираи Қаюмий»да Мавлоно Ғозий Ҳўқандий ҳақида яна қуйидаги маълумотлар ҳам берилган: «Бу киши асли туғилмиш ери Яйпан қишлоғида бўлуб, шу томонга оз вақт қози бўлуб тургани ҳам сўзланадур. Норбўтахон саройига яқин аёнлар ва сипоҳлар қаторида бўлмиш эса-да, Умархон даврида саройдан йироқлашган. Кучли шоир ва олим, фозилларидан бири бўлуб, номи Муҳаммад Ғозийдир. Кўп шеърлари диний кучга эга бўлуб Навоийга эргашувчи шоирдур. Вафоти Умархон даврида 1817 йилга тўғри келадур», дейилган ва 5 та намуна шеъри берилган.

Ғозийнинг «Кўнгул кўргач юзингни майл гулзори эрам қилмас...» радифли ғазалининг «Тазкираи шуаро» қўлёмасида нусхалари ва нашрдаги матнини «Тазкираи Қаюмий»нинг биринчи китоби 93-бетида берилгани билан қиёслаганимизда, баъзи фарқлар мавжудлиги аниқланди.

12561 ва 9494 рақамли қўлёмасида берилган:

سرشکیم کوی نینک توفراغی نی بهوده نم قیلماس

мисраси «Тазкираи Қаюмий»да қуйидагича:

⁵¹Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. –Т.. 1981. – № 4. –Б.77-80.

كوزيم ياشى كويين توفراغىنى بيهوده نم قيلماز

Ушбу мисрадан сўнг икки байт 12561, 213 рақамли нусхалар ҳамда П.Бобожонов нашрида ҳам йўқ, мисрани тўлиқ келтириб ўтамиз:

خداکه شوکورکیم درد جفايو جورين اول مهوش

قىلور کوندين کون آرتوق جانيمه بر ذره کم قيلماز

Юқорида берилган ғазаллардаги туширилиб қолдирилган, қисқартирилган байтлар, бизнингча, котибларнинг хатоси ва бу каби хатолар баъзан матндаги маънога путур етказган.

Ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши. «Тазкираи шуаро» қўлёзмаларида намуна тарзида берилган баъзи шеърларни нашр билан солиштирганимизда, сўзларда фарқлар ва хатоликлар борлиги ҳам аниқланди. Нашр қилиш жараёнида кўп сўзларнинг ўзгарган ҳолатда берилганига дуч келдик. Сўзлардаги хатоликларни аниқлаштириш мақсадида шоирларнинг девонларига мурожаат қилинди ва бу хатоликларни тузатдик.

Муносибнинг «*Фигонким чархи кажрав, доми зулфидин эмас озод...*» радифли тарихи Лаффасий тазкирасининг 12561 рақамли қўлёзма 7^a варағи (6-бет), 9494 рақамли қўлёзманинг 3^b варағи ва П.Бобожонов нашри 7-бетида берилган. Учаласи қиёсланганда қуйидаги фарқлар келиб чиқди:

12561	9494	Нашр
(дом) دام	(дом) دام	доми
(асбоб) اسباب	(асбоб) اسباب	асҳоб
(чекиб) چىكىب	(чекиб) چىكىب	чекиб
(уза) اوزه	(уза) اوزه	узра
(зоҳир) ظاهر	(зоҳир) ظاهر	моҳир
(тош) تاش	(тош) تاش	тоғ
(лаълию ноб) لعلى يو ناب	(лаъли ноб) لعلى ناب	лаъли ноб (тоза лаъл(ноб форсча «соф, тоза,»))

(золим жафосидин) ظالم جفاسى دین	(золим жафосидин) ظالم جفاسیدین	золи жафосида
(туфроқиға ноёб) توفر اقعہ نایاب	(туфроқиға тоёб) تفر اقیغہ تایاب	туфроқи-ки ноёб
(дедим бир) دیدیم بر	(дедим бир) دیدم پر	дедимки бир

Бизнингча, бу ерда баъзи сўзлардаги ўзгаришлар моҳиятга зид ҳолда келган: «асҳоб» ва «асбоб», «моҳир ва зоҳир», «тоғ» ва «тош» сўзлари бир-бирининг ўрнига ишлатилиши мумкин эмас. Қўлёмалардаги ғазалда бу сўзлар «асбоб», «зоҳир», «тош», «золим жафосидин» деб тўғри ёзилган.

Фаррухнинг «Эй кўнгул ҳар ёр васлига хумор ўлмоқ абас...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёмза 33^{а,б} варақ, 9494 рақамли қўлёманинг 11^а варағи ва нашрнинг 31-бетида ёзилган. Улар солиштирилганда қуйидаги ўзгаришлар борлиги аниқланди:

12561	9494	Нашр
(-нинг йўқ)(ёр) یار	(-нинг йўқ)(ёр) یار	ёрнинг
(зор) زار	(зор) زار	хор
(чун сўзи йўқ)(қадам) قدم	(чун сўзи йўқ)(қадам) قدم	чун қадам
(дилафкор) دل افکار (форсчада юраги чарчаган, ғамгин, юраги хаста)	(дилафкор) دلافکار	дирфикор
(қони ашкинг) قان اشکینک	(ашки қонинг) اشک قانین	қони ашкинг
(ҳижрон ўтиға) هجران اوتیغہ	(ҳажр ўтиға) هجر اوتیغہ	ҳажр ўтиға
(қуллуқ) قوللوق	(қуллуқ) قول لوق	қуллик

Юқоридаги жадвалдаги «хор» ва «зор», «дирфикор» ва «дилафкор», «қуллик» ва «қуллуқ» сўзлари бирининг ўрнига бири ишлатилиши мумкин эмас. Нашрдаги бундай хатоликлар натижасида матндаги маънога путур етган. Фаррух девони берилган 906 қўлёмза нусхада ва «Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёмасида ушбу сўзлар бир хил, яъни «хор»

эмас «зор», «дирфиқор» эмас «дилафкор», «куллик» эмас «куллуқ», «хажр ўтиға» эмас «ҳижрон ўтиға» деб ёзилган ва бу тўғридир.

Султонийнинг «Бўлиб сунъинг насимидин азал бирла абад пайдо...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзма 43^a варақ ва Бобожонов нашрининг 33–бетида берилган. Иккаласи солиштирилганда қуйидаги фарқлар келиб чиқди:

12561	Нашр
(сунъинг) صنعينک	сунъий
(хирадға) خردغه	хирад
(кунҳи зотининг) کنه ذاتينکзотинг (сўз ўрнида кўп нуқта қўйилган)
(ё раб, не ҳад пайдо يارب نى حد پيدا	ёрабки ҳад пайдо
(кунглида бийминг беҳисоб асру) کونکليده بيمينک بيحساب اسرو	кўнглида.....(сўзлар ўрнида кўп нуқта қўйилган)
(бурҳон эрур ашё) برهان ايورر اشيا	барбод эрур ашё
(беамад пайдо) بي عمد پيدا (арабчада умуднинг бирлиги(устун)дегани)	беадад пайдо (арабчада ҳаддан ташқари кўп дегани)
(дахри дун ичра) دهردون ايچرا	гардун ичра

Ушбу ғазал 909 рақамли Султоний девонининг 2^a варағида ҳам берилган. Ғазалда берилган юқоридаги сўзларни Султоний девонида берилганига солиштирганимизда 12561 рақамли қўлёзма билан бир хил, фақат бир байтда фарқ мавжуд:

12561 рақамли қўлёзмада 7-байт:

بشر عاجز ايورر سلطانی آنينک وصفی فکريدا

زهى ايرماس ظهورينک غه ازل برله ابد پيدا

909 рақамли қўлёзмада 7-байт:

خرد عاجز ايورر سلطانی آنينک ذاتی فکريدا

زهی ایرماس ظهورینک غه ازل برله ابد پیدا

Бобожонов нашри 7-байт:

Башарга кўз эрур Султоний онинг васфи фикрида,
Сенинг зикри зуҳурингга азал бирла абад пайдо.

Бунда ғазалдаги «башар» ва «хирад», «васфи» ва «зоти» сўзлари бири-бирига мос тушмаган. Нашрда сўзлар хато ёзилганлиги сабабли матнга путур етган.

Ғулумийнинг «Сихҳат равон қилсам, нетонг гар лаъли дилбардин таъма...» радифли ғазали 12561 рақамли қўлёзма нусха 52^a варақ, 213 рақамли қўлёзманинг 34^b варағи ва Бобожонов нашрининг 57-бетиде берилган. Учаласи солиштирилганда қуйидаги фарқлар аниқланди:

12561 қўлёзма	213	Нашр
(умидин) اوميدين	(умидин) اميدين	уммидин
(хумор шакардин таъма) شمار شکردين طمع	(хумор шаккардин таъма) شمار شکردين طمع	бемор...(сўзидан сўнг кўп нуқта қўйилган)
(соқий мавзун) ساقى موزون	(соқий мавзун) ساقى موزون	соқий(сўзидан сўнг бир сўз ўрнига кўп нуқта қўйилган)
(қарорғон) قرارغان	(қарорғон) قرارغان	қорайган
(жазо) جزا	(журм) جرم	жуз
(бас ситам кавсардин) بس ستم کوثردين طمع	(бас ситам кавсардин) بس ستم کوثردين طمع	бас оби кавсардин

Ушбу ғазал Содиқ, Ғулумий ва Ҳақирий девони берилган 1145/2 рақамли қўлёзманинг 160^b варағида ҳам берилган. «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмалари ва нашрини девон билан солиштириб чиққанимизда 1-байтнинг иккинчи қаторида фарқ борлиги аниқланди.

1145/2 қўлёзмада:

كيم مهيدين قيلور خمار بيشكردين طمع

12561 қўлёзмада:

كيم قوت اوميدين قيلور خمار شكردين طمع

Юқоридаги ғазаллардаги бир-бирининг ўрнига ишлатиш мумкин бўлмаган сўзлар нашрга тайёрловчининг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги натижасидир.

Нашрда кўп нуқта қўйилиб кетилган қаторлар. Биз «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзмаларини нашр билан қиёслаб ўрганиш жараёнида нашрда шоирларнинг ижодидан намуна шеърларни беришда баъзан мисралар ўрнига кўп нуқталар қўйиб кетилганлигини кўрдик. Бу ҳолатни нашрга тайёрловчи П.Бобожонов: «Ушбу манбалар кирилл алифбосига кўчирилаётганда имло хатоларга йўл қўйилган. Хатоларни имкони борича бартараф қилдик, мужмал сўзларнинг ўрнини кўп нуқта қўйиб очиқ қолдирдик»⁵², дея изоҳлаган. Бизнингча, нашрга тайёрловчи араб ёзувидаги матнни ўқишда қийинчиликларга дуч келган ва мисрани очиқ қолдирган ҳолда кўп нуқта қўйиб кетаверган. Асарни нашрга тайёрлаш жараёнида П.Бобожонов 12561 рақамли қўлёзмани кўрмаган ёки кўришининг имкони бўлмаган бўлиши мумкин. Қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида нашрдаги ушбу кўп нуқта қўйилган қаторларни таянч нусха ва шоирларнинг девони билан солиштириб чиқдик ҳамда кўп нуқта қўйилган қаторларни тўлдирдик.

Ферузнинг «Ҳолима раҳм айламас, шўҳи паризодим манинг...» радифли ғазалининг бешинчи байти биринчи мисраси П.Бобожонов нашрида «Чун» сўзи ёзилиб, кўп нуқта қўйилган. Бу ғазал 12561 рақамли қўлёзманинг 29^a варағида қўйидагича учрайди:

چون منكا بيداد رسمين توتميش اول سلطان حسن

كيم ايشتكاي ايمدى هجران ايلكيدين داديم منينك

Бу каби кўп нуқта қўйилган мисраларга нашрдаги ғазалларда 37 марта ва мусаддасда 2 марта дуч келдик.

⁵²Лаффасий. Тазкираи шуаро. (нашрга тайёрловчи П. Бобожонов) // Урганч: Хоразм. 1992. -Б.2.

Тадқиқотимиздан шу нарса аниқ бўлдики, бизнингча, матнни нашрга тайёрлашда битта эмас, балки бир неча қўлёзма нусхани ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Шундай қилинса, адабиёт тарихида манбалар мукамаллиги ва ишончилиги ортади.

Маъноси ўзгарган сўзларни қуйидаги жадвал асосида беришни маъқул кўрдик:

№	Шоир номи	№12561	№9494	№213	№11499	Нашр
1.	Ҳақирӣ			مه لقا (маҳлиқо)		малика
				هجرانيدا (ҳижронида)		ҳижрида
				دلغه (дилға)		кулға
				من كيم (ман ким)		манки
		بُرُعد (баръуд)				беадад
		كد (кад)				қад
2.	Мунис	اسباب (асбоб)	اسباب (асбоб)			асҳоб
		ظاهر (зоҳир)	ظاهر (зоҳир)			моҳир
		تاش (тош)	تاش (тош)			тоғ
		ظالم (золим)	ظالم (золим)			золи
		ناياب (ноёб)	تاياب (тоёб)			ноёб

		دېدیم (дедим)	دېدیم (дедим)			дедимки
		قېل كېم (қилким)	قېل كى (қилки)			қилдиким
		ھەر نچە (ҳар неча)	عسر يچە (асрича)			ҳар неча
3.	Хисравий	نار ايله بزم (ноз ила базм)		ناز ايله بزم (ноз ила базм)		ёр базм
		غم خور (ғамхўр)		غمخوار (ғамхор)		ғамхор
		خسرو		خسرو		Хисравий
		سالار (солар)		سالار (солар)		ғаддор

Барча шоирларнинг ғазалларидаги ўзгарган сўзларни шу ҳолатда бердик ва йиғма-қиёсий матнда тўғриладик.

Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида аниқ система йўқлиги сабабли қуйидагича орфографик фарқларга ҳам дуч келдик:

№	шоир номи	12561	9494	213	11499	Нашр
1.	Мунис	دام (дом)	دام (дом)			доми
		اوزه (уза)	اوزه (уза)			узра
		چېكب (чекиб)	چېكيب (чекиб)			чекиб
		آستېده (остида)	آستېده (остида)			остинда
		باسكه (баски)	بس كه (баски)			баски
2.	Хисрав	خسرو (Хисрав)		خسرو (Хисрав)		Хисравий

Маснавийлардаги матний фарқлар. «Тазкираи шуаро» асарининг қўлёзма нусхалари ва нашрини қиёслашда Лаффасийнинг ўзи томонидан

асарда ёзилган маснавийларида тафовутлар борлиги аниқланди. Ўрганишлар натижасида, асарнинг 9494 ва 11499, 213 рақамли қўлёзма нусхаларида маснавийлар берилмаганлигини, 12561 рақамли қўлёзма ва П.Бобожонов нашрида эса маснавийлар мавжудлигининг гувоҳи бўлди. У.Хамроев ва У.Каримовлар 12561 рақамли қўлёзма ҳақида «Имтиёзли нусханинг яна бир фазилати шундаки, муаллиф бирор шоир ҳақида сўз юритишдан аввал, шоирнинг характериға тааллуқли тавсифни ифодаловчи маснавий илова қилган»⁵³, деб ёзади. Дарҳақиқат, 12561 қўлёзма нусха ва П.Бобожонов нашрида ҳар бир шоир ҳақида битта ёки икки-учтадан маснавийлар берилган. Маснавийларда ҳар бир шоирнинг насл-насаби, фазилатлари, феъл-атвори, шеърлари, асарлари ҳақида фикр юритилади. 12561 рақамли қўлёзмада маснавийлар сони 145 та бўлса, П.Бобожонов нашрида 110 та маснавийлар берилган. Қўлёзмаларда ва нашрда берилган баъзи маснавийлар матнидаги тафовутларни биз қуйидагича қиёсий таҳлил қилдик:

- 1) маснавийдаги қисқарган байтлар;
- 2) маснавий сўзларидаги ўзгаришлар;
- 3) нашрда берилмаган маснавийлар.

Маснавийдаги қисқарган байтлар. 12561 рақамли қўлёзма нусханинг 5^б варағида Мунис ҳақида 3 байтли маснавий берилган, шу маснавий нашрда ҳам мавжуд, бироқ маснавийнинг охириги бир байти П.Бобожонов нашрида учрамайди:

فلکدین کوریان آنچه ستملار بسی

جگر خون بغیر بریانلار بسی

Маснавий сўзларидаги ўзгаришлар. 12561 рақамли қўлёзманинг 10^б ва 11^а варақларида *Зийракий* ҳақида маснавий берилган. Маснавий 4 байтдан иборат. Биринчи байт:

زیرک وطنی خوارزم دیاری

اول بر غریب دهقان باله سی

⁵³Хамроев У., У.Каримов. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари. // Адабий мерос. – Тошкент. - № 4 1981. – Б.79

Ушбу байт П.Бобожонов нашрининг 17-бетида қуйидагича берилган:

Зийрак ватани Гурлан қалъаси,

Ул бир ғариб деҳқон боласи...

Бу байтларнинг биринчисида Зийракни «Хоразм диёри»дан дейилса, П.Бобожонов нашрида «Гурлан қалъаси»дан эканлиги айtilган. Ҳар иккаласида айtilган жойни ҳам тўғри деса бўлади, чунки Зийрак Хоразм диёри Гурлан қалъасида туғилган. Бироқ Бобожонов нашрида 12561 рақамли қўлёзмага қараганда аниқроқ қилиб, Хоразмнинг Гурлан қалъасидан эканлиги айtilган. Аммо юқоридаги маснавийнинг охириги тўртинчи байти П.Бобожонов нашрида берилмаган:

شيعرى كى عجب لطافت

عشق ديدى عجب بلاغت

Наширда берилмаган маснавийлар. Фаррух ҳақида 12561 рақамли қўлёзманинг 33^a варағидаги маснавий П.Бобожонов нашрида берилмаган:

ای كى كورمايسن وفا ظالم فلكنى چرخيدىن

دونى حمّت بولمغىل يتسه ستم دلدارى دين

ای كى كور ميسن فلک قلدی نيچه شاه نيچه كدا

نيچه مُرسل انبيا نى قیلدى يير قوينى كا جا

قويمادى هرگيز قولاق فریادی غه

Лаффасийнинг ижодий меросини ўрганиш борасида баъзи ишлар қилинган бўлса-да, унинг йиғма-қиёсий матни яратилмаган. Йиғма-қиёсий матни яратишда «Тазкираи шуаро»нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 9494, 12561, 11499 рақамлари остида сақланаётган нусхалари, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 213 рақам билан сақланаётган нусха ва П.Бобожонов нашри асос қилиб олинди. Қўлёзмалар Тошкентда сақланаётганлиги сабабли биз, ҳар бир нусхани кўчирган котибнинг номини ва нашр қилдирган кишининг номини бош ҳарфи тартибида белгиладик:

1. 12561 рақамли қўлёзма нусха –L (Лаффасий дастхати)

2. 4949 рақамли нусха –М (Муродов кўчирган)
3. 11499 рақамли нусха- В (Болтаев кўчирган)
4. 213 рақамли нусха – L1 (Лаффасий дастхати)
5. Бобожонов нашри – В1

«Йиғма-қиёсий матнни тузишда мазкур қўлёзмалардан таянч нусха танлаш катта аҳамиятга эга. Таянч нусха сифатида имкон қадар тўлиқ, бошқаларига қараганда ташқи нуқсонлари кам, хатолари, ноаниқ жойлари оз нусха танланади»⁵⁴. Таянч нусхани танлагуниimizча биз, барча қўлёзма нусхаларни ўқиб чиқдик. Уларнинг барчасидаги камчиликлар аниқланди, сўзларнинг ёзилишига эътибор қаратилди, ҳарфларнинг хатосиз ёзилганига аҳамият берилди. Қўлёзмаларнинг тўлиқлигидан тортиб, сақланишигача кўриб чиқиб, сўнгра уларнинг барчасини нашр билан ҳам қиёсладик. Юқоридаги фаслларда ҳам булар акс этган.

Шунга кўра айтиш мумкинки, барча қўлёзмаларнинг сақланиши яхши, бироқ баъзи қўлёзмалар камчиликлардан холи эмаслигини кўрдик. «М» нусхада қуйидаги камчиликларга йўл қўйилган: 9494 рақамли қўлёзмада 14^б варақда шоир Асаднинг укаси Ғозийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилгач, «Ғозийнинг Ферузға ёзгон ғазалларидан бири», дейилган. Бироқ саҳифада шу жой очиқ қолган. 15^а варақда эса шоирнинг иккита ғазалидан намуна берилган. Қўлёзманинг бошқа бирор саҳифасида бундай ҳолат такрорланмаган. Қўлёзмада ёзилиб, устидан ўчирилган жойлар жуда кўп кўзга ташланади. Масалан, 9^а варақда ўша даврнинг энг машҳур шоирларидан бири Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотда «жуда ҳам» ибораси, «Муҳаммад Раҳимхон» сўзлари ёзилиб, сўнг ўчирилган. Бундай ҳолатларни Пир Комил, Девоний, Ходимий, Фақирий ҳақидаги маълумотларда ҳам учратамиз. Ушбу сўзларнинг аксарияти икки марта ёзилиб, биттаси ўчирилган.

Бу қўлёзма нусха ҳақида Эрон олими Иброҳим Худоёр ўзининг «Ғарибаҳои ошно» асарида «9494 рақамли нусха 1951 йилда Муродов

⁵⁴Сирождидинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. –Т.: Akademnashr, 2015. – Б.18.

томонидан асл нусхадан кўчириб, китобат қилинган, 66 варақдан иборат. Унда Хоразмнинг 51 нафар шоири ва олими ҳақида шарҳлар берилиб, ёзувлар қайд этилган. Мазкур нусха 1992 йилда П.Бобожонов томонидан бирорта нусха ҳақида айтилмасдан ёки бирон нусхадан фойдаланмасдан, илмий тузатишларсиз, асл китобдан изоҳлар ва тушунтиришларсиз Хоразмда сириллик хати билан, «Лаффасий шоирлари тазкираси» номи остида чоп этилди. Чоп этилган тазкирадаги мавжуд шоирлар рўйхати ва учта қўлёзма нусхалар ўртасида тафовут бор ва яна шу нарса аниқландики, 9494 рақамли нусха кўп жузъий ўзгаришлар билан ёзилган»⁵⁵, деган фикрларни ёзган. Э.Иброҳимова эса, «бу тазкирани ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг кекса илмий ходими А.Муродов 1951 йилда настаълиқ хатида шошилиброк кўчириб ёзган»⁵⁶, дейди.

«В» нусха ҳам камчиликлардан холи эмас: Қўлёзмада бошқа қўлёзма нусхаларга қараганда маълумотлар кам ва жуда қисқа кўчирилган, намуна шеърлар умуман берилмаган. Иброҳим Худоёр бу нусха ҳақида: «Бу нусха 24 варақдан иборатдир. 1951 йилда Болтаев томонидан асл нусхадан матнга ўзбошимчалик билан аралашиб, шеърлар намунасида қолдириб кетган ҳолда кўчирилган, 45 та шоир ҳақида шарҳлар келтирилган»⁵⁷, деб ёзган.

«L1» нусха ҳам Лаффасийнинг дастхати билан ёзилган. Бироқ унда Лаффасий асосий эътиборни шоирларнинг намуна шеърларини беришга қаратганлиги боис 52 шоирдан 25 та шоир ҳақида маълумот берган, қолган шоирлар ҳақидаги маълумотларни тушириб қолдирган. Бу манбанинг айрим матн хусусиятлари ҳақида Ж.Жўраевнинг филология фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертациясининг 45-бетида қуйидагича ёзилган: «...котиб кўпгина ҳолларда пе, те, ё ҳарфларини битта нуқта билан ифодалаган. Шунингдек, ё ва алиф ҳарфлари сўз охирида аввал алиф сўнгра ё келган ҳолларда кўпинча иккала ҳарф кўшиб юборилган. Яна қисқа «а» товуши сўз охирида келганда, бу товушни ифодалайдиган ҳо ҳарфи тушириб

ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران. 1384. ی. موسسه مطالعات ملی. 137-136 ص 55

⁵⁶Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – №6. 1963. – Б. 62.

ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران. 1384. ی. موسسه مطالعات ملی. 137-ص 57

қолдирилган. Масалан: *اندو* эса *اندوه*, *ناکا* сўзи *ناکاه* шаклида учрайди. Гоф харфи бошқа манбаларда бўлгани каби коф ёрдамида ёзилган.»⁵⁸ Дарҳақиқат, қўлёзмани ўқиш жараёнида бундай ҳолатлар кузатилди.

Шу ўринда «L» нусханинг ҳам айрим хусусиятларини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур қўлёзмада ҳам айрим сўзлар ўчирилиб, устига ёзилган ва намуна шеърларга жой қолдириб кетилган ҳолатлар учрайди. Масалан, 20^a варақда Хўжанинг бир ғазали ва маснавийсига жой ажратилиб жадвал қилинган, бироқ ёзилмай кетилган. 22^a варақда Холиснинг адабиётидан намуна дейилган, бироқ намуна ёзилмаган.

Қўлёзманинг нусха эканлигини асар охиридаги хотима – охири (колофон)даги муаллифнинг ўз номини киритгани, матн хошияларидаги изоҳлар, асосий матнни тўғрилашлар, шунингдек, 42^a варақдаги маснавий ёзилиб, унинг устидан бошқа варақ ёпиштирилиб, унга бошқа маснавийнинг ёзилиши ҳолатлари ҳам исботлайди.

Бизнингча, Лаффасий асарни уч қисмга бўлишни ният қилган кўринади. Биринчи қисм 4^b-79^b варақчага бўлиб, унда Хиванинг саройга мансуб шоирлари, иккинчи қисмдаги 80^b-106^b варақлар эса Хиванинг шоир уламо ва диндорларига бағишланган. Учинчи қисмда Лаффасий, 107^a варақдан аён бўлишича, Хива хонлиги аёлларига бағишламоқчи бўлган. Улардан фақат Хўжаева Кишжон бика тўғрисида маълумот беришни бошлаган жойда асар тўхтаб қолган. 107^a варақда Кишжон бека ҳақида маснавий берилган ва унинг ғазалини ёзиш учун жадвал қилинган, бироқ у бўш ҳолда қолган. Кўриниб турибдики, Лаффасий 1945 йилга келиб, асарига ушбу учинчи бўлимни қўшишни ният қилган, бироқ уни охирига етказа олмаган кўринади. Мазкур нусха ҳақида Иброҳим Худоёр: «Бу нусха бошқа нусхалардан анча яхшироқ»⁵⁹, деб ёзган.

Шу ўринда айтиш лозимки, «таянч нусхани танлаб олишда, биринчидан, асар қўлёзмасининг бошқа нусхаларга қараганда тўлиқлиги, қандай

⁵⁸Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи: Филол.фан.номз... диссер. – Тошкент. 2012. -Б.45.

⁵⁹ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران.1384.ى. موسسه مطالعات ملی.136-137ص

сақланганлиги инобатга олинади»⁶⁰. Қўлёзмалар ва нашр ўзаро солиштирилгач, «L» нусха маълумотлар ҳамда намуна шеърларнинг берилиши жихатдан тўлароқ ва айниқса муаллиф дастхати эканлиги, хатоликлар кам эканлиги аниқланди. Ана шу сабабларга кўра биз «L» нусхани келгусида илмий-танқидий матн учун таянч манба сифатида қабул қилиш мумкин деган хулосага келдик ва йиғма қиёсий матн учун таянч нусха сифатида танладик.

«Йиғма матн – бирор асарнинг турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзмаси ўз ичига олинади. Улардан энг эътиборли ва мукаммали таянч нусха қилиб танланади. Шу таянч нусхада тушиб қолган энг муҳим парчалар бошқа нусхалардан олиб тўлдирилади. Тайёр бўлган нусха йиғма матн деб аталади»⁶¹. Демак, «Тазкираи шуаро» асарининг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган 12561 рақамли «L» қўлёзма нусха йиғма-қиёсий матн учун таянч манба ва учта қўлёзма нусха ҳамда нашр ёрдамчи манба ҳисобланади. Буларни сатрма-сатр солиштирилиб, асосий ва муҳим фарқлари кўрсатиб борилди.

«Асосий матн тузишда йиғма-қиёсий матн билан илмий-танқидий ёндашув фарқланади. Йиғма-қиёсий матн асарнинг асосий матни ҳисобланади, лекин илмий-танқидий матн тузиш талабларига жавоб бермайди. Матншунос йиғма-қиёсий матнни тайёрлашда ўзи қўлга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланади. Йиғма-қиёсий матн тузишнинг муҳим тамойили асарнинг дастлабки тўлиқ матнини тиклашдир. Йиғма-қиёсий матнлар асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш учун замин яратади»⁶². Юқоридаги назарий маълумотлардан келиб чиқиб, тадқиқот объекти бўлган барча қўлёзма нусхалар ва нашрнинг тавсифий ва матний хусусиятларини қиёслаган ҳолда ўрганиб чиқиб, йиғма-қиёсий матн тузиш ўринлидир, деган хулосага келдик.

⁶⁰Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Тошкент. 2017. –Б. 169.

⁶¹Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: Davr press НМУ, 2013. –Б.123.

⁶²Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. –Т.: Akademnashr, 2015. – Б.18-19.

Бунда аниқлаганимиз қўлёзма нусхаларнинг барчаси Тошкентда бўлганлиги боис йиғма-қиёсий матн учун асос бўлиб хизмат қилаётган қўлёзмаларни кўрсатиш мақсадида асарни ёзган, кўчирган ва нашр қилдирган инсонларнинг фамилиялари бош ҳарфлари олинди: Муродов нусхаси –М.

Бирор нусхада қайсидир бир сўз тушиб қолган бўлса, матнда ўша сўз устига рақам қўйилиб, аппаратда нусханинг шартли номи ёзилиб, рақам ва чизиқча (-) қўйилди: М² -.

Сўзнинг ўрин алмашган ҳолатида * белгиси қўйилиб, аппаратда бошқа нусхалардаги алмашган сўзлар кўрсатилди: L таянч нусхадаги اسباب сўзи M нусхада اسباب, B1 нашрда асҳоб тарзда берилган. Ушбуни 23*M اسباب; B1 асҳоб.

Сўзнинг бошқа бир сўз билан ишлатилгани битилган бўлса, тўғри сўз матнда берилиб, хато сўз аппаратда берилди.

Бирор сўз бир неча манбада бир хил берилган бўлса, аппаратда манба кетма-кет ҳолатда сўнгра сўз кўрсатилди: B.M. اسباب.

Ҳошияда берилган сўзлар ҳам аппаратда ёзиб борилди.

غزل حسروى⁶³

بولدى كىچە ميسر منكه دلدار ايله بزم

ذره غم قالمادى كونكلوم ده قيليب ناز ايله بزم⁶⁴

دم بدم عيش طرب بزم ارا افزون⁶⁵ايردى

چون⁶⁶ مكدّر ايماس ايردى رح اغيار ايله بزم

تانك غه چه مست هم آغوش ايردوك كلشن ارا

ايردى جان بخش⁶⁸مى غم چكسه تار ايله بزم

حسرت اوتىغه يانيب چرخ يفا چاك ايندى

كوردى چونكىم قيلورام يار وفادار ايله بزم

يوز كرشمه بيله غمخوارليغ⁶⁹ايلار ايردى⁷⁰

⁶³9494да йўқ.

⁶⁴B1-килиб ёр базм

⁶⁵B1- афсун

⁶⁶B1- чунки

⁶⁷L1 - базм сўзи йўқ

⁶⁸L1بخشى

II боб бўйича хулосалар

1. «Тазкираи шуаро»нинг ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондидаги 12561 рақамли ва ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги 213 рақамли қўлёзма муаллифнинг ўз дастхати билан кўчирилган нусхалардир.

2. Тазкира қўлёзмалари ҳамда нашри турли давр, турли мақсадда тайёрлангани боис шоирлар сонини, уларнинг номларининг тартиб рақамларда кўрсатилиши, ижодидан намуналарнинг берилиши, асарнинг сўз бошиси ва тузилишида тафовутлар юзага келган.

3. Қўлёзмаларда берилган маълумотлар Султоний, Ҳақирий, Саъдий сингари шоирлар шахсияти юзасидан муаллиф берган хулоса, уларнинг асарларидан келтирилган намуналар мазкур ижодкорлар илмий биографиясини яратиш ва асарларининг мукамал матнини тиклашда муҳим манбадир.

4. Тазкира қўлёзмалари ва нашридаги матний тафовутлар муаллифнинг турли талаб ва эҳтиёжларга кўра матнни мукамаллаштириш ёки ихчамлаштириш учун амалга оширган таҳрири, котиб ва ноширларнинг матнни нотўғри талқини натижасида юзага келган.

⁶⁹L1-غم خورلى

⁷⁰B1-эрди

⁷¹B1 -Хисравий ғаддор ила базм

III БОБ. «ТАЗКИРАИ ШУАРО»НИНГ УНГА ЁНДОШ МАНБАЛАР БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1. Тазкирада зикр этилган шоирлар ҳақидаги маълумотлар тасҳихи

«Тазкираи шуаро»да номлари келтирилган муаллифларнинг ҳаёти ва вафоти йиллари, асарларининг берилиш тартиби, адабиётда номаълум бўлган шоирлар тазкиранинг қўлёзма нусхалари ҳамда нашри билан солиштирилиб, тарихий ва адабий манбалар, муаллифнинг шеърояти жамланган девон ёки бошқа алоҳида манба матни билан қиёсланиб, аниқланди.

Шоирларнинг вафот ёшлари. Тазкиранинг қўлёзма нусхалари ва нашри қиёсланганда 16 та шоирнинг вафоти саналарида фарқлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик:

*Мунис Хоразмий*нинг вафот этган йили ва ёши 12561 рақамли қўлёзманинг 8 б варағи ва П.Бобожонов нашрининг 7- бетида 1244 йил 55 ёш деб берилган бўлса, 9494 рақамли қўлёзманинг 4^а варағи ва 11499 рақамли қўлёзманинг 2^б варағида 1238 йил 48 ёш деб ёзилган. Баёнийнинг «Тарихи Хоразмшоҳий» асарининг 14-бетида «...хони мазбур онга «Равзат ус-сафо»нинг таржимасини буюрдилар. Мунис мироб Оллоҳқулихоннинг замониғача бу хизматга иштиғол кўргузуб, санаи минг икки юз қирқ тўртда бақо оламига хиром этди», дейилган. Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» номли китобининг 30-бетида Огаҳийнинг «Равзатус сафо» таржимаси ҳақида асар охирида «Бу китобни ўқувчи кишиларга маълум бўлсинким, Шермуҳаммад Мунис Муҳаммад б. Ховандшоҳнинг «Равзатус сафо» асарининг 1-дафтарини ўзбек тилига таржима этиб, иккинчи дафтарини ярмини тамомлаганда 1244 йили вафот этади,»⁷² деган маълумот берилган.

Муниснинг вафоти ҳақида Диловарийнинг таърих ёзганлиги тўғрисида 12561 рақамли қўлёзманинг 9^а варағида, «Аммо Диловарийким, Ҳуббийқули

⁷²Мирхонд.Равзатус сафо. Огаҳий таржимаси. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фонди 7307 рақамли қўлёзма 288^{а,б} варақлар.

хўжа Муниснинг вафотига бул тариқада, тарих ёзибдур. Тарихи вафоти Мунис:

بيک مونس کزشت در غربت

«گشت تاريخ «فوت بيک غريب

Бек Мунис гузашт дар ғурбат,

Гашт таърих: «Фавт беки ғариб».

Бек Мунис ўтди ғурбатда

Тарихи бўлди: «Ғариб бек ўлди».

Ушбу таърихни абжад ҳисоби бўйича ҳисоблаб чиқдик ва у қуйидагича сана маълум бўлади:

80- ف, 6- و 400- ت 2 ب- 10- ی, 20- ک غ 1000 ر 200 10- ی, 2- ب

Муниснинг туғилган йили 12561 рақамли қўлёзманинг 6^a варағида, «Мунис мироб тарихи ҳижрий бир минг доғи бир юз саксон тўққизда мувофиқи 1189 йили, офтоб ҳамал буржига таҳвил қилғон вақт наврўзи олам панжшанба куни офтоб тулуидин бир соат муқаддам ано батнидин вужуди оламға келодур», дейилган. Биз бу қайдни инобатга оладиган бўлсак ва 1244 йилдан 1189 йилни айириб ташласак, 9494 ва 11499 рақамли қўлёзма нусхаларда ёзилганидек, 1238 йил 48 ёшда эмас, балки 12561 қўлёзма ва Бобожонов нашрида ҳамда «Тарихи Хоразмшоҳий»да айтилганидек, 1244 йил 55 ёшда вафот этганлиги аён бўлади.

«Тазкираи шуаро»нинг 213 рақамли қўлёзмасининг 4^b варағи ва 12561 рақамли қўлёзманинг 14^a варағида *Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг* вафоти йили кўрсатилмаган ҳолда «Огаҳий тахминан саксон саккиз ёшларда бўлуб, доимий деҳқончилик билан машғул бўлғон ҳолида, юз минг ҳасрат-надоматлар билан бу золим чархи фалақдин додлар қилиб, кўнгул мақсудиға восил бўла олмай, беҳишт-и жонидоғиға бориб, манзил-у маъво қиладур», деб ёзилган, тазкиранинг 9494 рақамли қўлёзмасининг 5^a варағи ва 11499 рақамли қўлёзманинг 3^b варағида «Аммо Огаҳий шунчалиғ бирлан ҳамма вақт Хива хонлиқидин додланиб, шикоятлар қилғон ҳолда шеърларини доимо ёзмоқға машғул эрди. Огаҳий бир оёқи оқсоқ бўлуб, таёк

бирлан бемалол юрур эрди. Тахминан саксон тўрт ёшинда вафот этгандур», кайд этилган, шунингдек, Бобожонов нашрининг 10-бетида «Ферузнинг кўпчилик ғазаллари Огаҳийнинг таълимотларидандир. Аммо Огаҳий бир оёғи чўлоқ, ёшлик замони йигитлик ғурури билан отдан йиқилиб, бир оёғи мажруҳ бўлиб, асо бирлан бемалол юради. Огаҳий тахминан саксон тўрт ёшларида бўлиб доимий деҳқончилик билан машғул бўлган ҳолида, юз минг ҳасрат-надоматлар бирлан, бу золим ёлғончи фалақдин кўнгул мақсудига етиша билмай, беҳишти жовидонига сафар қиладур», кўрсатилган. Огаҳийнинг вафот ёши «Газкираи шуаро»нинг кўлёзма нусхалари ва нашрида ҳар хил берилганлиги сабабли манбаларни ўрганиб чиқамиз.

А.Отамуродова, О.Абдурахимовларнинг «Маоний арсаси» китоби 41-бетида, шоир Ниёзий ҳақида маълумот берилар экан: «Гап шундаки, Ниёзий 1873 йилда Хоразмга тўрт томондан бостириб келган рус мустамлакачиларининг ёвузликларини ўз кўзи билан кўрган. Ўшанда у 23 яшар йигит эди. Босқинчи генераль Кауфман 28-29 май кунлари Хивани тўпга тутганида ёш шоир Хивада истиқомат қилар эди. Мадрасани эндигина тугатган ёш шоир Ниёзий босқинчилар ғалабасини, Хива кўчаларида қора қонга беланиб ётган ватан ҳимоячиларини кўрган. Ўша йили Огаҳий ҳам ҳаёт эди. Мустамлакачилар унинг Қиёт қишлоғини ҳам бомбардимон қилишади. Халқ бошига тушган мисли кўрилмаган кулфатни кекса Огаҳий кўтара олмай, оламдан ўтади», дейилган. Булардан ташқари шу китобнинг ўзида «Огаҳий 1809 йил 17 декабрда туғилган. Унинг отаси Эрнийезбек Хива хонлигида нуфузли Авазбий миробнинг ўғли эди. Авазбий миробнинг Шермуҳаммад шоир Мунис Хоразмий ва Иброҳимбек мироб деган ўғиллари ҳам бор эди»⁷³, деб айтилган, 10-бетида «Огаҳий 1874 йилда олтмиш беш ёшида вафот этган»лиги ёзилган.

«Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси»нинг 12-бетида 1874 йил 14 декабрда Огаҳий 65 ёшида вафот этади. Шоирнинг қабри Хиванинг Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлонбобо қабристонига бўлиб, ҳозирги кунда

⁷³Отамуродова А. Абдурахимов О. Маоний арсаси. – Т.: Taffakkur qanoti. 2012. –Б.6.

зиёратгоҳга айлантирилган»⁷⁴, дейилган. Бу маълумотлардан ташқари айтиш мумкинки, Мунис Хоразмий: «Бу йил 1224 (1809м.) моҳи мазкур, яъни зулқаъданинг ўнида, шанба куни (17 декабр) Эрнийезбекка ким, фақирнинг инисидур, ҳазрати ваҳибал атоёт бир фарзанди аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ул муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди», деб туғилган йилини аниқ кўрсатган.

Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарининг 15-бетида: «...санаи минг икки юз тўқсонда товук йили ва жавзонинг охири эрди, Каупмон (Кауфман) отлиғ губурнатур рус лашкари била келиб, Хоразмни сулҳ била олди... Бу воқеотдин бир йил миқдори ўтгандин сўнг (демак, 1291) Огаҳий ҳам раҳили олами бақо бўлди», деб айтиб ўтилган. Бу маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бизнингча, Мунис Хоразмий Огаҳийнинг туғилган йилини 1224 йил деб тўғри берган, чунки у Огаҳийнинг амакиси эди. «Шажараи Хоразмшоҳий»да Огаҳийнинг вафоти йили 1291 йилга тўғри келганлигини инобатга олсак ва бу йилларни милодий йилга айлантирсак, 65 ёш келиб чиқади:

$$\text{ХҚ-ХҚ:}33+622=\text{М. }1224-1224:33+622=1809.$$

$$1291-1291:33+622=1874. 1874-1809=65$$

Демак, Огаҳий Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асарининг қўлёзма нусхалари ва нашрида ёзилганидек 84 ёки 88 ёшда эмас, балки 1874 йил 65 ёшида вафот этган деган хулосага келиш тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлади.

«Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёзма нусхасининг 2^а варағида *Комил Хоразмийнинг* вафоти ҳақида: «Комил кўзининг аламига тоқат қила билмай, Феруз Муҳаммад Раҳимхондин руҳсат ҳосил қилиб, Тошканд бориб ончакли дўхтурларга олтун, лаъли жавоҳирлар сарф этиб қаратадур. Ҳеч бир имконият манфаат ҳосил бўлмай, балки алами шиддатлиғ бўлғони ҳолида Комил Хивага қайтиб келадур. Аммо Комилнинг аввалғи ҳоли бўлмай, исҳол

⁷⁴ Сафарбоев М, Аҳмедов А. Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 3 -12- бетлар.

касалиға дучор бўлуб, натижада Комил исхोल хасталиғи билан таърихи хижрий бир минг уч юз ўн бешланжи йили минг хасрату ғам чекиб, етмиш икки ёшларида мувофиқи ит йили охират сафари қилиб жаннат бўстонида манзил қиладур»⁷⁵. Худди шу маълумотлар тазкиранинг бошқа қўлёзмалари ва нашрида ҳам (1897-98(1315) йил 72 ёш деб) берилган. Маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида манбаларни ўрганиб чиқдик.

«Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида ёзилишича: «Паҳлавон Мирзабоши... Муҳаммад Раҳимхон замони хижрий 1317 йил шабон ойининг 27 куни озонида вафот бўлди...»⁷⁶ «Маоний арсаси» китобининг 29- бетида «Бизнинг фикримизча, Комил Хоразмий 1899 йил 31 декабрь тонгида вафот этган»⁷⁷, дейилади. Азиз Қаюмов эса, «Комил Хоразмий XIX асрнинг охириги йили 1899 йил 74 ёшида дунёдан ўтган»⁷⁸, дейди.

А.Муродовнинг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» китобининг 113-бетида Комил Хоразмий ҳақида: «Кўзи ожиз бўлиб қолган Комил хондан рухсат олиб, Тошкентга келиб, кўзини докторларга кўрсатади. Даво топмагач, Хивага қайтиб келади. Хон Комилнинг мирзабоши мансабини ўғли Муҳаммад Расулга беради. Хон марҳаматидан маҳрум бўлган Комил 1899 йил 72 ёшида вафот этади»⁷⁹, дейилган. 1975 йил Комил Хоразмий девонини нашрга тайёрлаган А.Ҳайитметов ва В. Мўминовалар, «Комил 1899 йили 74 ёшида Хивада вафот этган»⁸⁰, деб ёзганлар.

Мусиқашунос олим Матниёз Юсупов: «Комил вафоти (1897) дан кейин Хоразм санъат ва музика билан шуғулланиш ишлари сусайиб кетди»⁸¹ деб айтган, Пўлатжон Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий»сини 1 дафтари 191 бети (170 саҳифаси)да Комилнинг «...кўзи ожиз бўлиб қолган ҳолда ҳам ўз ижодий

⁷⁵ Лафасий. Тазкираи шуаро. ЎзРФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 2^а варақ.

⁷⁶ Хоразм мусиқий тарихчаси. –Т.: Ёзувчи, 1998. –Б. 34.

⁷⁷ Отамуродова А. Абдураҳимов О. Маоний арсаси. –Т.: Tafakkur qanoti, 2012. –Б. 29.

⁷⁸ Қаюмов А. Асарлар 8-жилд. –Т.: Mumtoz so'z, 2009. –Б. 104.

⁷⁹ Муродов А.Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т.: Фан, 1974. –Б. 114.

⁸⁰ Комил. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. –Б. 6.

⁸¹ Юнусов М. Хоразм мақомлари. 1-жилд. –Т.: 1980. –Б. 9.

фаолятини тўхтатмади. Танқидий шеърлар ёзиб турарди. Ниҳоят 1899 йилда вафот этди»⁸², деб қайд этган.

Комил Авазнинг «Олис оҳанглар» китобини 29- бетида, «Ҳасанмурод қори Лаффасийнинг бизда сақланаётган қўлёзмасида: «Комил исхол касалига дучор бўлиб, уч кунга қадарли исхоли кучайиб, шу хасталиғ билан хижрий бир минг уч юз ўн бешланжида (1897й.) 72 ёшида охират сафари қилиб, жаннат бўстониға манзил қиладур»⁸³, деган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти китобининг 54-бетида «Чиндан ҳам умрининг охирларида қаттиқ кўз касалига йўлиқиб, дардига даво истаб келган Комилга мустамлака маъмурлари қанчалар лоқайд муносабатда бўлганликлари, йиғлай-йиғлай ўз юртига қайтиб, тез орада ҳаёт билан видолашганлиги ўша давр тарихий манбаларида қайд этилган. Комил 72 ёшида, 1897 йил вафот этади»⁸⁴, дейилган ва Лаффасий тазкирасидаги Комил вафоти ҳақидаги парчани далил тариқасида айнан келтирган: «Синхроник жадвалга кўра 1315 хижрий йили мелодий 1897 йил 2 июнидан 1898 йил 21 майгача бўлган муддатни ўз ичига олади Мучал ҳисобича ит йили 1897 йил 21 мартдан бошланган», дейилади. Бизнингча, юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобининг муаллифи Чокар Комил Хоразмийни яқиндан билган инсон бўлганлигини инобатга олсак ва олимлар А.Қаюмов, А.Ҳайитметов ва В.Мўминовалар фикрига таянсак, Комил Хоразмий Лаффасий тазкирасида айтилганидек, 1315 (1897) 72 ёшида эмас, балки 1899 йил 74 ёшида вафот этганлиги келиб чиқади.

Тўрамурод тўра Муродийнинг вафоти барча қўлёзмалар ва нашрда 1324 йил дейилган, бироқ унинг ёши 9494 рақамли қўлёзманинг 7^б варағи ва П.Бобожонов нашрининг 28-бетида 52 ёш, 12561 рақамли қўлёзманинг 30^а варағида 58 ёш, деб берилган.

⁸² Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 1-дафтар. – Тошкент, Қўлёзмалар институти, 1998. –Б. 191.

⁸³ Комил Аваз. Олис оҳанглар. –Тошкент.: Адабиёт ва санъат, 1997. –Б. 29.

⁸⁴ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият, 2004. –Б. 54.

Д.Раҳим, Ш.Матрасул томонидан 2011 йил нашр этилган «Феруз -шоҳ ва шоир қисмати» номли китобнинг 95-бетида, «Муродий 1906 йилда Хивада вафот этади», дейилса, шу китобнинг 164-бетида, «Муродий Хивада 54 ёшида вафот этган», дейилган.

«Шажараи Хоразмшоҳий»нинг 92-бетида, «Ҳижратнинг минг уч юз йигирма олтиланчисида мувофиқи бижин йили сунбуланинг йигирма бешланчисида ва шаъбони муаззамнинг йигирмасида Тўрамурод тўраким, хон ҳазратларининг биродарлари эрдилар, эллик тўрт ёшларида олами фонийдин саройи боқийға рихлат кўргуздилар. Ул ҳазратдин икки ўғул ёдгор қолди. Бири Раҳмонқули тўра ва бири Худойқули тўрадурлар», деб ёзилган. Булардан маълум бўладики, Тўрамурод тўра Муродий тазкира қўлёзма нусхаларида ёзилганидек, 52-58 ёшда эмас, балки 1326 йил 54 ёшда вафот этган.

Раҳмонқули тўра Содиқийнинг вафоти барча қўлёзмаларида ва нашрида 1942 йил (1361) дейилган, бироқ ёши 213 рақамли қўлёзманинг 23^a варағида 65 ёш, 12561 рақамли қўлёзманинг 35^a варағида 62 ёш деб кўрсатилган.

«Феруз» китобининг 99-бетида ёзилишича, «Раҳмонқули тўра Ферузнинг иниси Тўрамурод тўранинг фарзанди бўлиб, 1867 йил Кўҳна Аркда дунёга келган», дейилса, 100-бетида «Содиқ Хоразмдаги 1920 йилги тўнтаришдан сўнг бошқа тўралар қаторида сургун этилмади. У Жангишайх (Чонашиқ) қишлоғига кўчиб бориб, шу ерда масжидда имомлик қилди ва 1942 йилда вафот этди», дейилган.

Бобожон Тарроҳ-Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» китобининг 49-50 бетларида, Раҳмонқули тўранинг «...Жонак шайх деган қишлоқда бир неча таноб ери бўлиб, дехқончилик қилиб юрган вақтда Жонак шайхда, ўз ерининг устида юрган вақтда 60 ёшга яқинлашган вақтда 1937 йилда вафот этган. Локин вафоти Хива шаҳрида туғулган жойида бўлгон эмас»⁸⁵, деб ёзилган.

⁸⁵Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. –Б.49-50.

Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг вафоти 12561 рақамли қўлёзманинг 39^б варағида 1922 йил, 9494 рақамли қўлёзманинг 14^а варағи, 11499 рақамли қўлёзманинг 10^а варағи ва П.Бобожонов нашрининг 41-бетида 1923 йил деб берилган.

Юнус Юсупов «Хоразм шоирлари» китобида, «Баёний 1859 йил Хивада туғилди»⁸⁶, деб ёзади. «Аёмий домла андак янглишган кўринадилар, Баёний 1859 йил туғилиши мумкин эмас, яна худо билади. Балки Ю.Юсупов Баёнийни «64 ёшда вафот этди», деганида унинг отаси билан чалкаштиргандир»⁸⁷, дейди Комил Аваз.

«Маоний арсаси» китобининг 31-бетида Баёнийнинг «Битсин аҳли разолат» шеъри берилган:

Эшит сўзим фарзандлар,
Кўп меҳрибон дилбандлар.
Ошди ёшим саксондан
Ўзим ҳам чиқдим сондан.
Қани, энди кўзда нур,
Белда қувват ҳам путур
Бўлса-ю сафда турсам...

«Бу шеър 1919 йил ёзилган бўлиб, кейинчалик 1921 йил март ойида «Хоразм хабарлари» газетасида чоп этилган», дейилган. Демак, 1919 йилдан 80 йилни олиб ташласак, Баёнийнинг туғилган йили 1839 йилга тўғри келади. Шу китобнинг 38-бетида: «Баёний узоқ ва самарали ҳаёт кечирди. У замондошларининг хотирлашича, 1923 йил 26 апрелда 83 ёшдан ошиб Хивада оламдан ўтди»⁸⁸, дейилади.

«Феруз шоҳ ва шоир қисмати» китобининг 221-бетида, Баёнийнинг невараси бўлган Зулайхо опага Абдулла Болтаев, «Баёний 1923 йил 23 апрелда ойлик маош олганлигини айтиб, рўйхатни кўрсатганлиги»,

⁸⁶Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967. – Б.91

⁸⁷Комил Аваз. Олис оҳанглар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1997. –Б.36.

⁸⁸Отамуродова А. Абдурахимов О. Маоний арсаси. –Т.: Tafakkur qanoti, 2012. –Б.38.

эслатилган ва Абдулла Болтаевнинг айтишича, «Баёний 1923 йил 26 апрелда вафот этган», экан.

Нусратулла Жумахўжа ва Иқболой Адизованинг «Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур» китобининг 8-бетида «Муҳаммад Юсуф Баёний 1840 йил Хивада амалдор оиласида туғилди»⁸⁹, дейилган. Шу китобнинг 12-бетида яна «Баёний 1923 йил январь ойида 83 ёшида вафот этган», деб ёзилган. Агар Баёнийнинг туғилган йили 1839 йил эканлигини инобатга олсак, Баёний 1923 йил 84 ёшида вафот этган бўлиб чиқади. Демак, 11499 рақамли қўлёзма ва Бобожонов нашрида бу сана тўғри ёзилганлигини гувоҳи бўламиз.

Пури Комилнинг вафоти 213 рақамли қўлёзманинг 36^а варағида 1924 йил, қолган барча нусхаларда ва нашрда 1926 йил деб берилган.

Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари китобининг 88-бетида: «Шоир Пури Комилнинг Амударёнинг орқасида Сорибий деган жойда бир неча таноб ери бўлғон. Шу ерға бориб, ўзини ерини устида ёримчиларни жойида вафот этган. Шу вақт 1936нжи йилларда бўлса эҳтимол. Пури Комил шу вақтда 75 ёшларда бўлса эҳтимол»⁹⁰, дейилган.

2011 йил Д.Раҳим ва Ш. Матрасул томонидан нашр қилинган «Феруз» китобининг 65-бетида «Пур Комил 1926 йилда Урганчда вафот этган», дейилади.

Аҳмаджон Табибийнинг вафоти барча қўлёзмаларда 1910 (1328) деб берилган, бироқ ёши 213 рақамли қўлёзмада 32 ёш, П.Бобожонов нашри 62-бетда 42 ёш, деб ёзилган.

«Маоний арсаси» китобининг 54-бетида: «1869 йил туғилган бўлиб, Аваздан 15 ёшларча каттадир. Аҳмаджон Табибий Аваз Ўтар билан садоқатли дўст, устоз бўлди. У ҳам қисқа умр кўрди, 1911 йил 42 ёшида вафот этган», дейилади.

⁸⁹ Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 8.

⁹⁰Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Т.: Tafakkur qanoti, 2011. –Б.88.

1994 йил нашрдан чиққан «Хоразм навозандалари» китобининг 145-147-бетларида «Табибий 1911 йил 45 ёшларида оламдан ўтган», деб ёзилган. Ф.Фанихўжаев 1968 йилги Табибий китобида, «Лаффасий тазкирасида Табибийни 1328 йил 42 ёшида (мелодий 1911) вафот этган дейилади», деб ёзган. Бироқ кузатишимизча, Лаффасийнинг бирорта тазкирасида 1911 йил рақами ишлатилмаган.

Аваз Ўтарнинг вафоти ҳам барча қўлёзмаларда 1919 (1337) йил деб кўрсатилган, бироқ ёши 12561 рақамли қўлёзманинг 59^а варағи ва 11499 рақамли қўлёзми 15^а варағида 32 ёш, 213 рақамли қўлёзманинг 39^б варағида ва П.Бобожонов нашри (65-бет) да 35 ёш, деб ёзилган.

«Улар бир ойда – август ойида туғилган эдилар. Шоир Аваз Ўтар 1884 йил 15 августда, Ферузшоҳнинг хос хаттоти, сарой шоири Бобожон Тарроҳ – Ходим эса 1878 йил 5 августда туғилган бўлиб, Аваз Ўтардан 6 ёш катта эдилар. Улар бир қалъада: Ходим қадимий Хиванинг «Ичон» қалъасининг Худоёр қушбеги қавмида, Аваз Ўтар эса «Дешон» қалъанинг Гадик бўйи маҳалласида таваллуд топганлар», дейилади «Маоний арсаси» китобининг 52-бетида. Шу китобнинг 78-бетида «Аваз Ўтар 1919 йил 35 ёшида оламдан ўтган», дейилган. Бу маълумотларни тўғри десак бўлади.

Муҳаммад Комил Девонийнинг вафоти 213 рақамли қўлёзманинг 41^а варағида 1937 йил 42 ёш, 12561 рақамли қўлёзма 61^а варағи ва П.Бобожонов нашри (68 –бет)да 1938 йил деб берилган.

Маоний арсаси китобининг 44-бетида Анвара Отамуродованинг, «Қатағон қурбонлари хотираси» уй музейининг жонкуярларидан бири, таниқли адиб, профессор Наим Каримов билан учрашиб, Комилжон Девоний «дело»си, ундаги маълумотлар ҳақида сўраганликларини ёзган ва «Комилжон Девоний Хоразм тарихида машҳур бўлган муҳрканлар оиласида 1887 йилда Хиванинг Сангар қишлоғида туғилган. У Исмоил девоннинг ўғли бўлган. Исмоил девоннинг акаси Худойберган муҳркан Муҳаммад Раҳимхон иккинчи – Феруз саройида юқори мартабали девонлардан саналган», дея фикр билдирган. Наим Каримовнинг фикрларига қараганда, «Комилжон

Девоний «дело»сида унинг хаёти ва ижодий фаолиятининг муҳим саҳифаларини ёритадиган маълумотлар йўқ эмас. Шу маълумотларга караганда, у 1887 йил Хивада туғилган. Хон девонида мирзо бўлиб ишлаган. Қамокқа олинган вақтда Тошкентнинг 1-Қоратош маҳалласидаги 8-уйда яшаб, ўймакорлик билан машҳур бўлган. Унинг 1928 йили ёзган шеъри 1937 йили қамокқа олинишига асос бўлган. Бу шеър НКВД ходимлари назарида совет давлати сиёсатидан норозилик кайфияти билан суғорилган экан. Хуллас, Комилжон Девоний шунга ўхшаш айблар билан 1938 йил 10 февралда ўлим жазосига ҳукм қилинган, Аммо ҳукм чиққанидан кейин кўп ўтмай, 5-май куни кундуз соат бирда Тошкент қамокхонасида вафот этган. 1958 йил 19 сентябрда оқланган». Демак, П.Бобожонов нашрида 1938 йил вафот этганлиги тўғри берилган.

Юсуфхोजи охунд Доийнинг вафоти 12561 рақамли қўлёзма (83^б варақ)да 85 ёш, 9494 рақамли қўлёзма (27^б варақ) ва 11499 рақамли қўлёзманинг 20^б варағида 82 ёш, П.Бобожонов нашрида эса 80 ёш деб берилган.

Э.Иброҳимованинг «Халқпарвар шоир» китобининг 65-бетида, «Доий 85 ёшида 1327 ҳижрий (1909) да Хивада вафот этган», деб ёзилган бўлса, 1994 йил нашрдан чиққан «Хоразм навозандалари» китобчасининг 102-бетида, «Доий 80 ёш ўртасида вафот этган бўлса эҳтимол», дейилган.

Д.Раҳим ва Ш.Матрасул томонидан нашр қилинган «Феруз» номли китобнинг 111-бетида, «Доий 1824 йил туғилган, 1909 йил 85 ёшида вафот этган», дейилади. Демак, Доийнинг вафоти ёши Лаффасийнинг 12561 қўлёзма нусхасида 85 ёш деб тўғри берилган.

Муҳаммад Раҳим махзум Роғибнинг вафоти 12561 рақамли қўлёзма (95^б варақ) ва П.Бобожонов нашри (108–бет)да 1938 йил, 9494 рақамли қўлёзм (29^б варақ) ва 11499 рақамли қўлёзма (22^б варақ)да 1918 йил 48 ёш деб берилган.

«Маоний арсаи» китобининг 67-бетида, «Роғиб 1865 йилда туғилган», деб ёзилган. «Аср нидоси» (Тошкент Ғ.Ғулом 1982 йил) тўпламида эса, Роғиб 1865 йил туғилган, 1934 йил 69 ёшида вафот этган», дейилган.

«Хоразм навозандалари»да» Роғиб 60 ёшларида вафот этган», деган маълумот берилган.

Комёбнинг вафоти 12561 рақамли қўлёзма нусхада, «Комёбким, Сайид Ҳомид охиринчида тарих мелодия 1922 йил, тарих хижрий 1340 да минг хасрат армон билан дунё маишатидин тарк этиб, охират бўстониға бориб, жаннати жовидонда манзил – макон этадур», дейилган. 11499 инвентар рақамли қўлёзмада, «Аммо, Комёбнинг асарлари дунёи золим фалакдин шикоятлар қилиб, у 1922 йил марҳум бўлди», деб ёзилган. 9494 инвентар рақамли қўлёзманинг 14^a варағида, «Комёб ушбу фалакнинг ситамидин дод фарёдлар қилғон ҳолда муродиға етушолмай онча хасрату армонлар билан 1922 йил марҳум бўладур», деб ёзилган.

Ж.Жўраев диссертациясида «Шоирнинг вафоти билан боғлиқ санада ҳам ноаниқлик мавжуд. Жумладан, Лаффасий тазкирасининг барча нусхаларида Комёбнинг вафоти санаси 1922 йилга тўғри келиши эътироф этилган. Айни шу санани кейинги тадқиқотчилар ҳам тасдиқлаган. (Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч: Хоразм. 1992. 29^b. Комёб. Девон. Тошкент: Университет, 2002. 4^b. Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари каталоги. 7-жилд. Т: Фан, 1964. 40^b. Хоразмда битилган қўлёзмалар. / Тузувчи Г.Машарипова. Т. Шарқшунослик институти. 1997. 16^b.) Ваҳоланки, Комёб: «Мунтахаб ул – воқеот»ни фи санайи (хижрий) минг уч юз қирқ тўртинчи сиғир йили (1925-26) моҳи раби ул- аввалнинг ўн олтисида сешанба куни эрди тамомладим», - дейди (Мунтахаб ул воқеот.294^a варақ). Ушбу далил, шоир бу даврда Ҳали ҳаёт бўлганлиги ва унинг 1925-26 йилдан сўнг вафот этганлигини кўрсатади. Лекин ҳозирча аниқ санаси борасида сўз айтиш қийин. Шу боис шоир вафоти санасини 1926-1930 йиллар оралиғига тўғри келади деб ўйлаймиз»⁹¹, деб ёзган.

«Маоний арсаси» китобининг 177-бетида, «Шоир Комёб - Сайид Ҳомид тўра Сайид Муҳаммад Баҳодирхоннинг 1861 йил сентябрида туғилган

⁹¹Жураев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи: Филол. фан. номз... дис. –Тошкент, 2012. – Б.23.

кенжа ўғлидир», дейилади. Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий»сининг 274 инвентар рақамли қўлёзмасининг 431^б варағида, Баёний хижрий минг икки юз етмиш саккизинчи- товук (1861-62) йили хонликда рўй берган энг муҳим давлат аҳамиятига молик сиёсий ва дипломатик воқеалар борасида гапириб, Комёбнинг туғилиши ҳақида ҳам тўхталган. Комёб ўзининг туғилган йилини «Таворих ул-хавонин» асарида (7717 рақамли қўлёзманинг 191^а варағида), «1278 йил асад ва сафар ойлари оралиғи»да деб ёзган.

«Тазкираи шуаро» асарининг қўлёзма нусхалари ва нашрини қиёсий ўрганишимиз жараёнида, баъзи шоирларнинг вафоти йили ва ёшидаги фарқлар қиёси шуни кўрсатдики, Лаффасий тазкирада баъзи шоирларнинг вафот йилларини ва ёшини беришда баъзан хатоликка йўл қўйган. Муаллифнинг ўзи фикр билдиришича, тазкирани «иктидорим етканча Хевада ўткан шоирларнинг баъзи бир қардошлари ва яқин кишиларнинг ёрдамлари билан ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб,»⁹² ёзганлигини баён қилган. Кейинчалик мазкур қўлёзмалар котиблар томонидан кўчирилганда ҳам айрим қисқартиришлар ва хатоликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Шоирлар ҳаётига оид маълумотлар ва асарларининг номланиши. Тазкиранинг қўлёзма нусхалари ва нашридаги баъзи маълумотларда ҳам фарқли ўринлар мавжуд. Чунончи, қўлёзма нусхалар ва нашрда берилган айрим қайдлар бири иккинчисида такрорланмаган. Мунис ҳақида 12561 рақамли қўлёзманинг 7^б ва 8^а варақларидаги «Аммо, Мунис биринжи дафтарни тамом этиб, иккиланжи дафтари таърихни ҳам таржима этиб тамом қилмасдин таърихи хижрий бир минг икки юз доғи қирқланжи йили моҳи шарифи рамазонда биринжи Муҳаммад Раҳимхон ушбу ялғончи дунёдин кўз юмиб, беҳишти жовидонига сафар қилиб, ўрниға улуғ ўғли Оллоҳқули Хива мамлакати Хоразм тахтиға отасининг мерослиғ воситаси билан моҳи шарифи рамазон намози жума кечаси намози хуфтандин кейин ҳамма умаро, вузаро,

⁹² Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 2^{а,б} варақлар.

уламоларнинг иттифоқи билан хонлиғ тахтига жулус этиб, улуғ амаки Муҳаммад Назарбекни иноқлиғ, кичик биродари Раҳмонқулини Ҳазорасп балдасиға билистиклол ҳоким қилиб, Мунисни доғи ўз мансаби мироблиғда қиладур. Шунинг илан баробар Мунис доғи мироблиғ мансабида хизматлар қилиб, доғи «Равзат ус-сафо» таърихининг таржимасиға машғуллиғ этиб турадур...»⁹³, деган маълумотлар П.Бобожонов нусхасида берилмаган. Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари китобининг 39-бетида Огаҳий «Фирдавс ул-иқбол» асарини қандай давом эттирганлиги, «Равзат ус-сафони» таржимасини қай тарзда амалга оширганлиги ҳақида «Фирдавс ул-иқбол»нинг охиридан олинган парчалар берилган⁹⁴. Бу парчалар юқорида келтирилган 12561 рақамли қўлёзмадаги маълумотлар билан айнан бир хил берилган. Бундан кўринадики, 12561 рақамли қўлёзмани ёзишда Лаффасий Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асаридан олинган бу парчани бериш билан ўз асарининг тўлиқроқ ва мукамал бўлишига эришган.

12561 рақамли қўлёзманинг 8^a варағидаги «Аммо Оллоҳқулихон бошиға қизилбошларнинг чофавули тушуб, ўзиға Хоразм мамлакатининг туфроқин кенг қилмоқлиғ мақсади бирлан 1244инжи ҳижрий йили офтоби оламтоб жавзо буржида сафар қилиб, Мунисни доғи ўзи бирлан ҳамроҳ олиб, сафари Хуросон этадур. Мунис доғи хон фармониға мувофиқ бул доғи ҳамроҳи сафари Хуросон этиб, ҳавонинг қаттиғ тамуз иссиғлиғида реги Хоразмдин суръати тамом бирлан ўтуб, бир неча машаққату кулфатлар билан неча манзиллардин кейин қизилбошларнинг Лутфобод қалъасин бориб муҳосара қилиб, аскарларига тоун-вабо етушуб, ҳамма исҳол хасталиғиға мубтало бўлуб, икки ва уч кун ётуб ўладурлар. Шул ўртада Мунис доғи исҳол хасталиғиға дучор бўлгон ҳолида бетоблиғ бистариға бош кўядур. Аммо, ҳукамолар Мунисға ончалиғ муолажа қилиб турлик давоийи этиб, маъжунлар бериб муолажа қиладурлар, ҳеч манфаат ҳосил бўлмай, балки, хасталиғ

⁹³Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 7^b, 8^a варақлар.

⁹⁴Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т.: ЎзР ФА, 1960.-Б. 39.

исҳоли тараққий этиб, шиддатлиғ бўлгон ҳолида уч кун ётиб, охир натижада «Иза жоа ажалухум ла йастаъхируна соатан» фаҳвосиға мувофиқ «Кулли нафсин зоикат ул-мавт» нидосиға вобаста бўлуб, юз минг ҳасрат ашқларни кўзидин жорий- сайлон қилгон ҳолида золим фалақдин додлар қилиб, эллик беш ёшида бул дунёдин кўз юмуб, беҳишти жовидониға бориб, манзил қиладур...»⁹⁵, деб ёзилган маълумотлар ҳам П.Бобожонов нашрида йўқ. Унда Муниснинг «Оллоҳқулихон билан сафарга боргани ва Охалга бориб унга бир хасталик (номи ёзилмаган) ёпишгани, бу хасталик билан йигирма саккиз кун ётиб, эллик беш ёшида вафот этгани», қайд этилган.

12561 рақамли нусхадаги Муниснинг отаси Аваз миробнинг вафотиға бағишлаб ёзган таърихи П.Бобожонов нашрида берилмаган. Булардан аниқланишича, П.Бобожонов 12561 қўлёзма нусхадан аввал ёзилган нусха асосида асарни нашр қилдирган. Лаффасий 12561 рақамли қўлёзма нусхага кейинчалик янги маълумотлар киритган ва шунинг учун ҳам бу нусха бошқа нусхаларга қараганда маълумотлар кўплиги билан ажралиб туради.

Юқоридагилардан ташқари 12561 рақамли нусхадаги Мирзо Масиҳо Бухорий ҳақида маълумот ва ёзган тарихлари, Мулло Вайсниёз Зийракийнинг 12561 рақамли нусхада мавжуд бўлган иккита таърихи ҳам, «Зийракнинг ашъорлари Мунисга ва Муҳаммад Раҳимхон I га ёққани, Муҳаммад Раҳимхон I га бағишлаб қасида ва таърих битган»лиги ҳақидаги маълумотлар ҳам П.Бобожонов нашрида берилмаган.

Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, 9494, 11499 рақамли қўлёзмалар ва Бобожонов нашрига қараганда 12561 рақамли қўлёзмада маълумотлар кўпроқ берилган, бу билан Лаффасий ушбу қўлёзманинг янада мукамалроқ бўлишини ва тазкирани ўқиётган ўқувчи шоир ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишини таъминлаган.

Сўфининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар тазкиранинг 9494 рақамли нусхасида учрайди, бошқа бирорта қўлёзма нусха ва нашрда

⁹⁵ Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 12561 рақамли қўлёзма 8^a варақ.

Сўфи ҳақида ёзилган бирор ёзувни учратмадик. Шу қўлёзмадан кўчирилган 11449 рақамли нусхада ҳам маълумот берилмаган. Унинг 01 varaғида А.Носиров томонидан 1963 йили ёзилган «Болтаев шоирларни сайлаб олиб, сўзларни ҳам қисқартириб, 45 та шоир ҳақида бўлган маълумотнигина кўчирган»⁹⁶, деган қайдлар мавжуд. Юнус Юсупов, «Хоразм шоирлари китобида, «Сўфи на бирон тазкирада тилга олинган ва на унинг замондошларидан бирортаси номини ёдлаб ўтган. Ғоят таажжуб қоларли бу жумбоқни ечиш Сўфи девонини синчиклаб ўрганиш ва шоирларнинг биографиясига доир маълумот тўплаш, адабиёт мухлислари, сўфи замондошлари билан суҳбат қилишни тақозо этди»⁹⁷, деб айтилган маълумотларни ўқиймиз. Демак, бизнингча Юнус Юсупов ўз китобини ёзаётганда Лаффасийнинг 9494 рақамли тазкира нусхасини кўрмаган, кўрганида Сўфи замондошларини айбламаган ва тазкираларда йўқлигини айтмаган бўлар эди. Олима Г.Исмоилова «Чақмоқли орзулар ижодкорлари» китобида «Сўфи Хоразм адабий муҳити анъаналарини изчил давом эттирган ва ривожлантирган адиб сифатида имконияти доирасида бир қанча асарлар ёзган»⁹⁸лиги ҳақида маълумот беради. Шу асарнинг 122- бетида эса «Сўфи қўлёзма меросининг Ю.Юсупов кўлидаги ягона нусхани олим вафотидан кейин унинг қизи Хива ўлкашунослик музейига топширгани ва бугунги кунда бизга бу манбани ўрганиб, тадқиқ қилиш имконияти туғилди»⁹⁹, деб ёзилган ва қўлёзма ҳақида баъзи маълумотларни берган. Демак, Лаффасий тазкираси Сўфининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни бериши жиҳатидан ўша даврнинг ягона манбасидир.

Ўрганишларимиз натижасида тазкирада берилган шоирларнинг асарларининг номланишидаги фарқларни ҳам тадқиқ этдик.

⁹⁶ Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 11499 рақамли қўлёзма 01 варақ.

⁹⁷ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Т.: 1967. – Б.38.

⁹⁸ Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. – Т.: Истиқлол нури, 2014. – Б. 23.

⁹⁹ Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. – Т.: Истиқлол нури. 2014. –Б.122.

12561 рақамли қўлёзманинг 16^б варағида Оллоҳқулихоннинг набираси Раҳимқулихоннинг ўғли *Хисравий ҳақидаги маълумотда* «Хисравий охирги замон умрида ҳожи ал-ҳарамайн бўлуб, бул хусусда «*Макка сафари*» деб икки мужаллад саёҳатнома ҳам таълиф қилодур», деб ёзилган. Бирок П.Бобожонов нашрининг 13-бетида «Хисравий ҳожи хиромон бўлиб, Макка ва Мадинаи Мунаввара, Шоми шариф, Миср ва Боғдод, Истамбул, Искандария томонларни тамоман саёҳат қилиб, бул хусусда бир саёҳатнома ҳам таълиф қилиб, анча Русия тупроғида ва Туркия тупроғидаги тамомий томоша қилган ва зиёрат қилганларин Хива қалъасидин чиқиб, токи қайтиб келгунгача аҳволотларни бир китоб этиб, «*Маккаи Мадина саёҳати*» деб исм беради. Аммо ул саёҳатномани ушбу фақир котиб неча марталар ўқиб истеъмол қилган эрдим. Ул икки мужаллад бўлиб, биринчисини Хивадан чиқиб ёзган. Иккинчи мужаллади зиёратдин қайтиб, токи Хивага келгунча кўрганларини зикр қилади», дейилади. Хисравийнинг бу асари «Макка сафари»ми ёки «Маккаи Мадина саёҳати»ми, буни аниқлаш мақсадида биз бир неча адабиётларга мурожаат қилдик. Натижада, бу асар «Маккаи Мадина саёҳати» эканлиги аниқланди.

Комёб ҳақидаги 12561 рақамли қўлёзманинг 31^а варағида, куйидагича маснавий берилган:

«Комёбким, Саййид Ҳомид тўра,
Анинг таъбидин бир карра.
Эрур шаҳзодаи комёб,
Ёзиб «*Тарихи хавонин*» китоб.
Яна Комёб девон асарни,
Суҳандонлиғ била жонон асарни.»

Сўнгра унинг ҳаёти ҳақида маълумот бериш жараёнида, «Аммо Саййид Ҳомид тўра ёшлиғидин таърих илмига хаваскор бўлғонидин Хива хонлиғининг ўзбекия хонлариким, ўз аб-аждодларининг жулуслари хусусида «*Таворихи хавонин*» исминда бир таърих тасниф этиб, Комёб тахаллуси бирлан бир девон адабиёт ҳам таълиф қиладур», дейилади. Бирок

П.Бобожонов нашрида Комёбнинг тарихга оид китобининг номи ҳақида ҳеч бир нарса дейилмаган. 11499 қўлёзма нусхада эса, «...ул ҳамиша уламо ва мударрислар билан ҳамсухбат тарих илмига мохир бўлғони ҳолда «*Таърихи хавонин*» номлиғ бир асар ёзадур», дейилади. 9494 рақамли қўлёзманинг 14^a варағида эса, «Саййид Ҳомид ёшлигидин тарих илмига ҳавасманд бўлуб, муҳаббат ва ишқибозлик билан «*Тарихи хавонин*» номлиғ бир тарихий асар таълиф қилодур. Ул тарих жуда ҳам Хива уламо, машойих, умаро ва вузаро олдиға мақбули таъб бўлуб, Феруз доҳи ул «Тарихи хавонин» китобини мутолаасидан ўтказиб, манзур қилғоч, котибларға фармойиш қилиб нусхаларидин мутааддад қилдурди», дейилган. Биз ушбу асарнинг номи аниқ қандай аталганлигини билиш мақсадида баъзи қўшимча адабиётларга мурожаат қилдик. Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг «Феруз» номли китобининг 77-бетида ҳам Комёбнинг тарихий асар ёзганлиги айтилган, улар Комёбнинг «Тўраҳоним» номли тарихий асари борлигини, бу асар Ферузга маъқул келиб, бир неча нусха кўпайтирганини, аммо бу асар ҳанузгача топилмаётганлиги ҳақида Лаффасий маълумот берган¹⁰⁰, деб ёзишган. Ж.Жўраев эса ўз тадқиқотида уларнинг сўзларига эргашган. Бироқ, биз Лаффасийнинг барча тарихий асарлари ва тазкирасини ўқиб чиққанимизда, бирор жойда юқоридаги Лаффасий асаридан олинган парчалардан ташқари бундай маълумот борлигини учратмадик. Комёб ўзининг «Таворих ул- хавонин» асарининг 3730 рақамли қўлёзмасининг 281^a варағида: «Саййид Ҳомид тўра китоб номини «Таворих ул- хивақин» деб қўйиш нияти борлигини айтади. Амакиваччаси Исо тўра асар Хива хонлиги тарихига бағишланганлиги боис «Таворих ул-хавонин», яъни «Хонлар тарихи» деб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлишини айтади ва шунга кўра асар «Таворих ул- хавонин»¹⁰¹, деб номланган. Демак, Комёбнинг тарихий асари Лаффасий тазкирасида айтилганидек эмас, балки «Таворих ул- хавонин» эканлиги ҳақиқатга яқин деб ўйлаймиз.

¹⁰⁰ Раҳим Д. Матрасул Ш. Феруз – шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Ғофур Ғулом, 1991. – Б.77.

¹⁰¹ ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 3730 рақамли қўлёзма 281^a варақ хошияси.

Огаҳий ҳақида 12561 рақамли қўлёзманинг 14, 15- бетида берилган маълумотда «Тарихи иқболи Ферузшоҳий»ким, Муҳаммад Раҳимхони соний замониға муштамилдурким, Русия имфературлиғи таърихи ҳижрий бир минг икки юз тўқсонланжи мувофиқ товук йили, таърихи милодий бир минг саккиз юз етмиш учунжи йил йигирма саккизланжи май ойинда Хива хонлиғни забт этиб, Хива хонлиғи билан сулҳ шартнома ёзушғониға қадарлиғ тақрир этиб, Феруз Муҳаммад Раҳимхон жулусининг ўн бешланжи йилиға доир воқеаларни ёзиб итмом этадур»¹⁰², деб ёзган. Бобожонов нашрининг 10-бетида эса, «Тарихи иқболи Ферузшоҳий»ким Муҳаммад Раҳимхон соний замониға дохилдурурким, русия императорлиғи Хива хонлиғини забт этиш ва Хива хонлиғи билан ислоҳ қилиб шартнома ёзишганларигача бўлган воқеаларини ёзади»¹⁰³, деб берилган бўлса, 11499 рақамли қўлёзманинг 3^б варағида, «аммо «Тарихи Ферузшоҳий»ким, Муҳаммад Раҳимхон иккинжи замонасида бўлғон оммавий ҳодисалар Русия имфературлиқини Хоразмга келиши воқеаларининг Хива хонлиғи билан ислоҳотлариға доирдур», дейилади.

Асарнинг номланиши ҳақида матншунос олим Н.Шодмонов, «Добочада келтирилган «Фақирнинг ўз мусаннафотидин» сарлавҳали иловада асар номи «Иқболи Ферузий» тарзида берилган. Асарнинг бу тарзда турлича аталиб келиниши сабаби, «Шоҳиду-л-иқбол», таъкидланганидек, шоирнинг сўнги асари. Девондаги мазкур илова хаттотлар томонидан киритилган бўлиши мумкин. Илованинг добочадан ажралиб туриши шундай тахмин қилишга асос бўлади. Хаттотлар «Шоҳиду-л-иқбол» билан бевосита таниш бўлмаган. Қолаверса, Огаҳийнинг тарихий асарлари номларига эътибор қаратилганда асар номлари арабча сўзлардан тузилиб («Риёзу-л-давла», «Зубдату-т-таворих» ва ҳ.к.), форсий («Риёзи давла» ёки «Зубдаи таворих») эмас, арабий

¹⁰² Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 14^а варақ.

¹⁰³Лаффасий. Тазкираи шуаро. (нашрга тайёрловчи П. Бобожонов). – Урганч: Хоразм. 1992. – Б.10.

изофа шаклида келтирилади. Демак, асар «Шоҳиду-л-иқбол» деб аталиши тўғри»¹⁰⁴, деб аниқ ва тушунарли тарзда ёзган.

Адабиётда номаълум бўлган, бироқ баракали ижод қилган, ижоди илмий ёритилмаган шоирлар. «Хива тахтига ўтирган Бобожон тўра – Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз отасидан кейин тараққийпарварлик ишларини амалга оширишни давом эттирди. У мамлакатнинг ички аҳволини яхшилаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш, таълим соҳасини юксалтириш йўлида кўплаб тadbирларни амалга оширишга ҳаракат қилган».¹⁰⁵

«Тазкираи шуаро»да Лаффасий баъзи шоирларнинг Хива хонлари оиласидан етишиб чиққанлигига алоҳида эътибор бериб, ўзбек адабиёти тарихидаги ҳукмдорлар оиласига мансуб сулолавий ижодкорларни тавсифлаш анъанасини давом эттирган ва Муҳаммад Раҳимхон II Феруз, унинг амакиваччалари Баёний, Хусрав, укалари Муродий, Комёб, ўғли Фаррух, жиянлари Оқил, Содиқий, набиралари Султоний, Ғозий, Саъдий, Асад каби шоирларнинг ҳаёти, ижоди ҳамда ғазалларидан намуналар келтирилган. Хон ўз яқинларининг ижодига қизиққан, уларнинг тарбияси ва таълим олиши учун махсус кишиларни тайинлаган. Ёш ижодкорларнинг тахаллус танлаши, шеърларини девон ҳолига келтириш ва нашр эттиришга бош-қош бўлган. Бу сингари ҳаракатларини иниси Саййид Ҳомид тўра Комёб кўйидагича эътироф этган: «Менинг шоирликга ишқим кўблигини ул ҳазрати аъло хони Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний дома давлата эшитибдурлар ва менга хат машқ қилдирмоқ учун девонларидан бир устоз қилиб эрдилар, онга айтибдурларким, Саййид Ҳомид тўранг ғазал машқ қилур эрмиш, онинг ойтган ғазалларидин келтургил деб. Мен ул ҳазратнинг ўзлари айтгон ғазалларидин бирин ҳамул вақтда мухаммас қилиб эрдим, они ул била ул ҳазратнинг хизматлариға йибордим. Ул ҳазрат они кўруб, зеҳни яхши эркон деб, буюрубдурларким, айтгон ғазалларин келтур деб. Мен айтгон ғазалларимни бериб юбордим. Ондин сўнгра ўзум ҳам салом бергали

¹⁰⁴ Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол»нинг ўзбек бадиий-тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи: Филол. фан. док....дис. автореферати. – Тошкент, 2009. – Б.16

¹⁰⁵Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз – Шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 100.

хизматлариға бордим. Кўрсам, менинг ғазалларимни мушоҳада қилиб ўлтуриб эрканлар, менга назарлари тушуб, илтифот юзидин кулуб, дедиларким: «Яхши шоир бўлғудек зехнинг бор эркон, ўлтур!» –деб меҳрибонлиғ қилдилар». ¹⁰⁶

Бу каби шахзода шоирлар ҳақидаги айрим маълумотларни Г.Исмоилова, И.Адилова, С.Маткаримова ва И.Хажиева каби адабиётшунос олималарнинг тадқиқотларида ҳамда баъзи манбаларда учратамиз, холос.

«Ҳафт шуаро» мажмуасида Султоний, Муродий, Фаррух, Оқил, Султоний каби шахзода шоирларнинг шеърлари тўпланган. «Ҳафт шуаро» XX аср бошидаги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятларини Феруз шажарасига мансуб шоирларнинг бадиий ижоддаги ҳиссасини аниқлаш ҳамда давр адабий муҳитини яхлит, уюшган ҳодиса сифатида тушунишга имкон беради». ¹⁰⁷

«Шажараи Хоразмшоҳий»да Тўрамурод тўра ҳақида, «Тўрамурод тўраким, хон ҳазратларининг биродарлари эрдилар. Ул ҳазрат муҳиби уламо ва муҳиби ақрабо эрдиларким , тез- тез тамоми хешу ақрабони жамъ қилиб, иттиҳоду яқранглик тариқидин бир зарра мунҳариф бўлмай камоли муҳаббат ва муваддат била мусоҳибат кўргузур эрдилар. Бизлар тамоми оқо-ини била даъватларлари мужибича мажлисларига ҳозир бўлур эрдук. Хоҳишлари бу эрдиким, бизларни бир лаҳза ҳазратларидин жудо қилмағайлар ва ўзларин Муродий таҳаллуси била мутаҳаллис этиб, шеър ҳам ойдадур эрдилар» ¹⁰⁸, дейилган. Баёний Султоний ҳақида: «Ҳафтада икки навбат уламо била суҳбат тузиб, китобхонлиқ этар эдилар. Ул мажлиси олийда даҳонининг дуржи бениҳоятдан бениҳоят гавҳари шахвор нисор этар эдиларки, ҳамма ғоят ҳайратдан лол ва шикаста мақол бўлур эрдилар», ¹⁰⁹ - дейди.

Юқорида айтилган шоирлардан Феруз, Баёний ҳамда Комёб ижоди илмий жиҳатдан ўрганилган. Бироқ шу кунгача Ферузнинг амакиваччаси

¹⁰⁶ Комёб. Девон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 1005 рақамли қўлёзма. Дебоча.

¹⁰⁷ Хажиева И. Хоразм миллий –маънавий дурдоналари. – Т.: Турон замин зиё, 2016. – Б.4

¹⁰⁸ Баёний Мухаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б.93.

¹⁰⁹ Баёний Мухаммад Юсуф. Ҳафт шахзода. ЎзР ФА Алишер Навоий номидани Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди 36 рақамли тошбосма 16^а-варақ.

Хусрав, Ферузнинг укаси Муродий, ўғли Фаррух, жиянлари Оқил ва Содикий, набиралари Султоний, Ғозий, Саъдий, Асад ҳаёти ва ижодий мероси монографик тадқиқот йўналишида илмий ўрганилмаган.

Биз улар ҳақидаги маълумот ва фикрларни, намуна шеърларини Лаффасий тазкирасининг қўлёзма нусхалари, нашри билан солиштириб, тарихий, адабий манбалар, муаллифларнинг шеърляти жамланган девон ва бошқа алоҳида манба матни билан қиёслаб ўргандик.

«Тазкираи шуаро»да Муҳаммад Раҳимхон II Феруз даврида яшаган ижодкорлар, қаерда яшаганидан қатъи назар уларнинг ҳаёти, ижодий йўналишлари бўйича керакли маълумотлар келтирилади. Бобожон Таррох Ходим» Хоразм шоир ва навозандалари» асарида «Шу даврда бўлган бутун шоирларнинг назмларини Муҳаммад иккинчига ўқиб берар ҳамда нашр қилишга ёрдам берар эдим. Ўттиз бир нафар шоирнинг бутун аҳволи менга маълум бўлгани учун бу баёнотларни ўз фикрим билан ёзиб, сарҳадига еткурдим»¹¹⁰, деб ёзади .

«XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Хоразм ўлкасида элликдан ортиқ шоир яшаб ижод этганлиги маълум бўлса-да, уларнинг кўпчилигининг ижоди, ҳаёт йўли яхши ўрганилган эмас.»¹¹¹ Диссертацияда саройда ва саройдан ташқарида яшаган, ижоди илмий ўрганилмаган кўйидаги шоирларни ҳам эътироф этиш мақсад қилинди. Булар:

- А) Нозирий
- Б) Шиносий
- В) Умидий (акаси)
- Г) Хаёлий (укаси)
- Д) Ходим
- Е) Надимий
- Ё) Ожиз
- Ж) Ҳақирий

¹¹⁰ Бобожон Таррох – Ходим. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. –Б.7

¹¹¹Г.Исмоилова.Чақмоқли орзулар ижодкорлари. – Т.: Истиклол нури, 2014. – Б.32

З) Хокий

И) Холис

Ушбу шоирлардан баъзилари ҳақида маълумотни тадқиқотимиз объекти асносида берсак: Шоир ва мударрис, ҳуқуқшунос Муҳаммадшариф Ҳақирӣ таржимаи ҳолига оид маълумотлар кенг жамоатчиликка маълум қилинмаган ва шеърлари тадқиқ этилмаган. У ҳақида «Тазкираи шуаро»нинг 12561 рақамли қўлёзмасида қуйидагича маълумотларни ўқиймиз: «Ҳақирӣким, Муҳаммад Шариф охунд мулаққаб Йўлбузарға машхурдур. Ул Хива Қози Муҳаммад Каримнинг махзуми бўлгон ҳолида илм таҳсилни Хива мударрисларидин қаттиғ риёзатлар бирлан ўқуб, хатм-и кутуб қиладур. Аммо Муҳаммад Шариф жуда ҳам аёлманд бўлғонидин Феруз Муҳаммад Раҳимхон Муҳаммад Шарифнинг отаси Қози Муҳаммад Карим Хива қозилиғи бўлуб, шаръ-и шарифни яхши риоя қилиб, фуқароларға одилона хизмат қилғонин назар-и эътиборға олиб, Муҳаммад Шарифни Хива мадраса-и Хўжамберди оталиқға таъйин-и мударрис этадур. Аммо, Муҳаммад Шариф аёлманд, ... бўлғонидан Хива мударрисликға қаноат қилмасдин Феруз Муҳаммад Раҳимхондин рухсат олмай, мударрисликни барбодға бериб, Амударё шимоли Тўрткўл ўтуб, халқ сайловлари бирлан Тўрткўл қозилиғ мансабиға етушуб, шул ерда мутаваддин бўлуб қоладур. Аммо, Феруз Муҳаммад Раҳимхон Муҳаммад Шарифни бул тариқада мударрисликни ташлаб кетушига аччиғланиб, «Йўлбузар» деб исм берадур. Шул сабабли, анинг исми Йўлбузар деб лақаб бўлуб қоладур. Муҳаммад Шариф Тўрткўлда муддат-и саккиз йил миқдори қозилиғ қилиб, иккинжи халқ сайлови бирлан Муҳаммад Шариф қозилиғдин азл бўлгон ҳолида, фаришонлиғ билан Хива келиб, Йўлбузар деб машхур бўлғонидек, лақаб бўлуб қоладур. Аммо, Феруз Муҳаммад Раҳимхон Муҳаммад Шариф махзумни ҳолиға тараҳхум юзасидан бир катта мадрасага мударрис таъйин этадур...»¹¹²

¹¹² Лаффасий. Тазкираи шуар. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 85^{а,б} варақлар.

Ҳақирийнинг туғилган йили ва Хоразмнинг қаерида туғилгани ҳақида Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бирок Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари»да «Ҳақирий Хива шаҳрини ташқари қалъасида Боғча чорсусида Ибодулло эшон қавмида туғулгон,»¹¹³ дейилади. Муҳаммад Шариф Ҳақирийнинг чевараси Уллибиби Ғозиева (ҳозирда УрДУ катта ўқитувчиси), «Ҳақирий Муҳаммад Шариф охунд 1846 йилда Хива қозиси Муҳаммадкарим охунд оиласида туғилади. 1865 йилда Муҳаммад Раҳимхон II- Феруз хонлик тахтига ўтиргач, Муҳаммадкарим охундни Хива шаҳрининг бош қозиси лавозимига тайинлайди. У жуда адолатли ҳуқуқшунос бўлиб, хонликнинг эътиборли муфтийларидан бири ҳисобланган ва кўплаб баҳсли, чигал шаръий масалалар, мулкӣ муносабатлар ва мерос тақсимотига оид масалалар бўйича далилий фатволар воситасида одилона ҳукм чиқарган. Шу сабабли халқ орасида энг катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ва уни Муҳаммад Раҳимхон II- Феруз доимо тақдирлаб, рағбатлантириб турган. Муҳаммадкарим охунд ўз ўғлининг етук инсон бўлиб етишиши ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қилган ва барча шарт-шароитларни яратиб берган. Маърифатли оилада камол топган Муҳаммадшариф кичикликдан илм-маърифатга жиддий ихлос қўяди. Етти-саккиз ёшларида Қуръони каримни тажвид қоидалари билан қироат қилиш санъатини эгаллайди ва Хиванинг машҳур қорилари таҳсинига сазовор бўлади. Дастлаб ибтидоий мактаб таълимини олгач, отаси ўғлини Оллоқулихон мадрасасига топширади ва ўзи доимо фарзандининг таҳсилини назорат қилиб туради»¹¹⁴, деган маълумотларни берди.

Ҳақирий ўз замонасида ўқитувчи, шоир ва ҳуқуқшунос бўлган. «Муҳаммад Шариф йўлбузар охунни илмий даражаси шундай даражада эдиким, Хоразм олимлари ичида биринчи ўрунни олар эди»¹¹⁵ Шеърятга

¹¹³Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари (нашрга тайёрловчилар: А.Отамуродова ва О. Абдурахимов). – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. – Б. 114.

¹¹⁴Уллибиби Ғозиева билан 2012 йил Хоразмга қилган сафаримиз чоғида танишдик.

¹¹⁵ Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари (нашрга тайёрловчилар: А.Отамуродова ва О. Абдурахимов). Т.: Tafakkur qanoti, 2011. – 115.

ихлоси баланд бўлганлиги тазкирада қуйидагича баён этилган: Муҳаммад Шариф Ҳақирӣ «Ферузға татаббуъ ғазаллар ёзиб, Ҳақирӣ деб турлик адабиётлар ёзиб, Ферузға мақбул-и табъ бўлуб, Ҳақирӣ деб девон асар ҳам таълиф этадур.»¹¹⁶ Ҳақирӣ араб ва форс тилларини ҳам мукаммал билган инсондир. У ўз шеърларини фақат ўзбек тилида эмас, балки араб ва форс тилларида ҳам ижод қилиб, Ферузнинг таҳсинига сазовор бўлган эди. Бизга маълумки, Хоразм адабий муҳитида икки тилда ижод қилган зуллисонайн ижодкорлар анчагина бўлиб, уч тилда ижод қилган шоирлар санокли эди. Шу сабабли ҳам Ҳақирӣнинг хурмат-эътибори ижод аҳли орасида жуда юқори эди. Шеър ёзиш борасида ҳам устозлик қилгани тазкирада айтиб ўтилган: «Давлатмурод доғи Ферузға мақбули табъ бўлмоқлиғ тақозоси қилиб, табъи шеърға лаёқати бўлмаса-да, ...Ходимий Бобожон Тарроҳ девон ва Ҳақирӣ Муҳаммад Шариф охундларнинг ёрдами билан Гуломий тахаллус қилиб бир нечалаб шеърлар машқ этадур»¹¹⁷.

Муҳаммад Шариф Ҳақирӣнинг ижод намуналари Хоразмда китобат қилинган ўнлаб шеърӣ баёзлар ва мажмуаларга киритилган. Улар ҳозирги кунда республикамизнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Жумладан, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1145/Ш, 908/Ш, 6677, 7096, 1177 рақамли қўлёзмаларга Ҳақирӣнинг ҳам девони киритилган. Бу девонларда шоирнинг рубоӣй, ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида, муножот, мустаҳзодлари ўрин олган. Маълум бўлмоқдаки, Ҳақирӣ баракали ижод қилган. Юқоридагилардан ташқари 1126, 1157, 1195, 1172, 2036, 1143, 1131, 1128 рақамли қўлёзмаларда ҳамда 29 рақам билан сақланаётган Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳӣй» тазкирасида ҳам Ҳақирӣнинг шеърларидан намуналар берилган.

У мусулмонларга Қуръони шарифнинг замона, одамийлик, тўғрилиқ, инсоф, адолат, қарз ва фарз тўғрисидаги оят ва сураларидан, ҳадисдан таълим

¹¹⁶ Лаффасӣй. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 85^б.^в варақлар.

¹¹⁷ Лаффасӣй. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма нусха 51^а варақ.

беради. Кўриниб турибдики, бу маълумотларнинг барчаси Муҳаммад Шариф Ҳақирийнинг етук шоир, ўқитувчи ва ҳуқуқшунос бўлганлигини тасдиқлайди.

Хоразм навозандаларида унинг вафоти ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз. «Муҳаммад Шариф йўлбузар охун 70 ёшда вафот этган бўлса эҳтимол. Локин вафоти тоза Урганчда масжид қавмида вафот этган. ...вафотидан кейин жасадини Хива шаҳрини орқа тарафида қаландархонани ичидин ўткан ариқни орқа тарафинда, Муҳаммад Раҳим иккинжини жасади қўйулғон Чодирли эшон деган қабристонда қўйулғон»¹¹⁸.

Ҳақирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари 12561, 9494, 11499, 213 рақамли қўлёзмаларидан ташқари, «Табибийнинг «Мажмуаи шуаройи пайрави Ферузшоҳий», Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари», Иброҳим Худоёрнинг «Ғарибаҳойи ошно» асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Афсуски, ҳозирга қадар истеъдодли шоир ва ҳуқуқшунос Муҳаммадшариф Ҳақирий шеърлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилмаган ва унинг таржимаи ҳолига оид аниқ маълумотлар ҳам кенг жамоатчиликка маълум қилинмаган. Рус олими А.Н.Самойлович 1908 йилда Хивага қилган илмий сафари ҳақида ёзган ҳисоботларининг (Самойлович А.Н. Записки Восточного отделения Императорского археом логического общества. Т.19, С.Петербург. 1909. Стр.300) бирида Феруз, Мирзо, Табибийлар билан бир қаторда Шиносий, Ҳабибий, Ҳақирий каби шоирлар тўғрисида ҳам фикр юритиб, улар шеърятидан намуналар келтиргани ҳам бу шоирлар ижодининг маълум даражада аҳамияти борлигидан далолат беради¹¹⁹.

Ҳақирийдан учта фарзанд қолган бўлиб, улар Муҳаммад Амин, Муҳаммад Ғозий ва Охунжонлардир. Унинг ҳозирги кунда авлодлари мавжуд бўлиб, улар Урганчда турли ишларда хизмат қилишмоқда.

¹¹⁸БобожонТарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари (нашрга тайёрловчилар: А.Отамуродова ва О.Абдурахимов). – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. – Б.115.

¹¹⁹.Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар иждоқорлари. – Т.: Истиклол нури, 2014. –Б. 31.

Яна шундай иждокорлардан бири *Надимий*дир. Надимийнинг туғилган йили ҳақида «Тазкираи шуаро»да маълумот берилмаган. «Маоний арсаи» китобида, «Надим-Болтаниёз Харрот Муҳаммад Ёқуб Харротнинг энг кичик укаси бўлиб, Муҳаммад Юсуф Харротдан сал ёши каттароқ бўлган, тахминан 1886 йилда туғилган», деган фикр қайд этилган.

Надимий ҳақида «Тазкираи шуаро»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Надимийки, Болта девон билан машҳур бўлуб, Хива Шайхло қишлоқида Қурбон харрот, яъни дурадгорнинг ўғли бўлуб, ул ёшлиғ замонида эски диний мактабларда ўқуб, тез фурсат ичра саводлиғ бўлғони билан хат машқин акаси Муҳаммад Яъқуб харрот девондин таълим оладур. Надимий Болта хат бобида анчалиғ хушхат, хушхон хаттот бўлғони сабабли Феруз Муҳаммад Раҳимхон фармойишига мувофиқ Болта котиблиғ вазифасига киришуб, анчалиғ турлик адабиётлар, баёз-и мутафарриқалар ёзиб турадур.

Аммо, Феруз доғи Болта девоннинг ёзғон китобатларин кўруб, мақбул-и таъ қилиб, катта таърихларни ёзушга фармон этадур ва ҳамда форсий лисон китобларни таълим олишни буюрди. [Шул] сабабли Болта Муҳаммад Юсуф Чокар, Муҳаммад Амин тожиклар билан ҳамроҳ бирликда Сиддиқ охунддин форсий лисонлиғ «Гулистон»и Саъдий, «Бўстон» каби китобларни доғи ўқуб, форсийга ҳам андак маҳоратлиғ бўлғони билан Ферузнинг фармойиши билан Болта девон доғи Надимий таҳаллус билан шеърлар машқин этиб, Ферузга татаббуъ турлик ғазаллар ҳам ёзиб турадур ва ҳам Надимий исминда бир девон асар ҳам таълиф қиладур»¹²⁰.

Надимий вафоти ҳақида «Тазкираи шуаро»да: «Аммо, Надимий 1920 инжи йил Хоразм Шўролар жумҳурияти замонида зироат назоратида ҳам анчалиғ ишлаб, Надимий 1938 инжи йил дунё саройидин бақо бўстониға сафар қилиб, беҳишт-и жовидонида манзил қиладур», дейилади.

Надимий ғазалларини «Тазкираи шуаро» қўлёзмаларида берилишини ўрганиш жараёнида унинг девони ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги

¹²⁰ Лафасий. Тазкираи шуаро. ЎзРФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 69^б варақ.

Шарқшунослик институти фондида 901\1, 906 рақамларда сақланаётганига гувоҳ бўлдик. Муҳаммад Рахимхон даврида Комил бошчилигида элликка яқин хаттотлар етишиб чиққан¹²¹. Ана шундай моҳир хаттотлардан бири Надимий бўлган.

«Бу даврда Феруз саройида ва ундан ташқарида яшаб ижод этган шоирлар томонидан кўплаб асарлар яратилганки, деярли ҳар шоирнинг бир ёхуд иккитадан девон тузгани уларни оммага етказиш, тарғиб қилиш, китобхонликни кенгайтиришни тақозо қиларди. Натижада, шахсан Феруз ташаббуси ва ҳомийлиги билан бадий ва адабий-тарихий асарларни кўлэзмадан ташқари, босма усулда кўпайтириш мақсадида XIX асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб литографиядан фойдаланиш жорий этилди. Дарҳақиқат, тошбосманинг йўлга қўйилиши адабий муҳитдаги жонланишнинг кучайишига, ижодкорлар рағбатини оширишга ва китоб ҳолидаги манбалар сонининг тез кўпайишига имкон берди».¹²²

Тазкирани ўрганар эканмиз, Феруз даври адабий муҳитининг ҳозиргача кам ўрганилган ёки ўрганилмаган томонлари борлиги ҳам аён бўлади. «Ижодкорлар ҳаёти ва асарларини тадқиқ ҳамда тарғиб қилишда, давр адабий жараёни моҳиятини белгилашда миллий истиқлол ғояси, ҳаққонийлик ва холислик тамойиллари бош мезон бўлмоғи керак. Бу эса ушбу давр адабиётининг бўш қолган саҳифаларини тўлдиришга, қатор истеъдодли ижодкорларни кашф этишга имкон беради».¹²³

Лафасийнинг «Тазкираи шуаро» асари бизга номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ижодкорларни танитишда муҳим манба сифатида эътиборга моликдир. Унда келтирилган маълумотлар шоирлар шахси ва истеъдодини ўрганишда ва уларнинг илмий биографиясини яратишда ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, адабиётшунослик, матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан долзарб мавзудир.

¹²¹ Юнусов М. Сахий қаламлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.94.

¹²² Ҳажиева И. Хоразм миллий –маънавий мероси дурдоналари. Т.: Турон замин зиё, 2016.– Б.10.

¹²³ Ғойипов Д. Отаниёз Ниёзий. – Т.: Фан, 2010. – Б.104..

«Тазкираи шуаро»да номлари келтирилган муаллифларнинг вафот йили ва ёшлари, асарларининг берилиш тартибини ўрганиш жараёнида баъзи маълумотларнинг хато берилганлигига амин бўлдик ва бу камчиликларни имкон даражада тўлдирдик. Адабиётда номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ижодкорларнинг номлари берилишини тадқиқ қилиш вақтида сулолавий ижодкорларнинг, сарой ва саройдан ташқарида яшаган баъзи шоирларнинг айримларини ижодий мероси катта ҳажмда эканлиги ва улар ўрганилишини кутиб ётганлигига гувоҳ бўлдик. Бу эса адабиёт тарихи ва матншуносликда ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг салмоқдор эканлигидан далолат беради.

3.2. Муосир тазкираларнинг қиёсий таҳлили

Шарқда тазкиранавислик анъанаси қадимдан мавжуд. Ўзбек адабиётида ҳам бу жанрда ёзилган асарлар анча қадимга бориб тақалади. Маълумки, «Тазкира – маълум бир даврда яшаб ижод этган шоир ва адиблар, уларнинг асарлари ҳақида маълумот берувчи, илмий-адабий манба тарзидаги асар. Тазкира арабча «зикр»¹²⁴ сўзидан олинган бўлиб, «эслаш», «эслатиш», «ёдга олиш» маъноларини англатади».¹²⁵ Араб адабиётида бу жанрдаги асарларни *مقتطفات* – муқтатафаат, *مختارات*-мухтаратаат деб аталади.

Тазкиралар муҳим манба сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиши мумкин. Жумладан, Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» ва Рушдийнинг «Тазкираи авлиёи туркий»сида тариқат аҳллари, Рудакийнинг «Тазкираи хаттотон»ида хаттотлар, Қози Аҳмад Қумийнинг «Тазкираи

¹²⁴«ذکر»-эсламоқ, ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ, хотирламоқ феъли ўзагидан ясалган бўлиб, билдиришнома, хабарнома, ўғит, панд-насиҳат маъноларини англатади. «Ан-наим» арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Халқ мероси, 2003. – Б.284.

¹²⁵Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари.Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б.194. Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан.(Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси) Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.301. Салаев Ф. Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б.241. Сирожиддинов Ш. Юсупова Д. Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик 1-китоб. – Т.: Tamaddun, 2019. – Б.281. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2006. – Б. 15.

хушнависон ва мусаввирони Ирон»да хаттот ва мусаввирлар ҳаёти ва ижоди ёритилган. Тазкираларнинг номланиши ҳақида Мустафо Эсон алоҳида тўхталиб ўтган. «Шоирлар ҳаёти ва ижодидан сўз юритганларига «Тазкираи шуаро» ёки «Тазкират уш-шуаро», эранлардан ҳикоя қилувчиларига «Тазкирату-л-авлиё», хаттотлар таржимаи ҳолидан сўз юритганларига эса «Тазкирату-л-хаттотин» (баъзан «Тазкирату-л-дабир») дейилади.»¹²⁶

Адабиётшуносликка дахлдор дастлабки тазкиралар адабиёт ва ёндош соҳаларга бағишланган асарлар таркибида, унинг маълум бир қисми ўлароқ ёзилган. Аини чоғда тазкирнависликнинг бундай жиҳати кейинги даврда ҳам кўзга ташланиб турган. Бундай тазкиралар замима тазкиралар дейилади. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Китоб аш-шеър» (XI-XII асрлар), Муҳаммад Ровандийнинг «Тазкираи мусаввара (1172 й.), Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Бобурнинг «Бобурнома»си кабилар шулар жумласидандир.

«Тазкирачилик тарихи маълум маънода адабиётшунослик тарихи ҳамдирки, уни ўрганмай туриб, миллий адабиёт тарихини кенг кўламда тасаввур этиш ва ёритиш мумкин эмас»¹²⁷. «Тазкираларда шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумотлар зикр этилиб, уларнинг асарларидан намуналар келтирилади ва умумий баҳо берилади. Тазкираларда ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар бериш билан чекланиб қолмасдан, шеърят ва унинг назарий масалалари билан боғлиқ, эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар, маълум бир давр адабий ҳаёти ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўрин олади. Адабиёт тарихида шоирларгина эмас, балки олимлар, авлиёлар ҳақидаги тазкиралар ҳам яратилган. Тазкира ёзиш анъанаси дастлаб араб ва форс адабиётларида, кейинроқ туркий адабиётда ҳам кенг оммалашган.»¹²⁸ Биринчи алоҳида тазкира араб шоири Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат уд-дахр фи маҳосин аҳлу-л-аср» (X аср) асаридир. «Тазкирада ҳар бир адиб хусусида қисқагина ҳаётий маълумот бергандан

¹²⁶ Mustafо E. Tazkiradan biografiyaga. Monografiya. – Т.: Mumtoz so‘z. 2012. –В.38.

¹²⁷ Болтабоев Х, Тазкиралар зикри. – Т.: Mumtoz so‘z, 2015. – Б. 3.

¹²⁸ Qurоnov D. va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug‘ati. – Т.: Akademiashr, 2013. –В.305.

кейин, унинг асарларидан намуналар келтиради ва Сурия (Шом), Ироқ, Жибол, Хуросон (Моварауннахр ҳам бу доирага киритилган) ўлкаларига қараб туркумланади»¹²⁹.

Форс тилидаги тазкира Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Лубоб ул-албоб»и ҳисобланади. (1222 й.). Асар «бир муқаддима ва ўн икки бобдан иборат бўлиб, унда даврнинг шоирлари ҳақида навбатма-навбат маълумот берилади. Шеърнинг хусусиятларидан, маъно ва мафҳумидан, шеърини ижод билан шуғулланган ҳукмдорлар ва олимлар ҳақида гап боради»¹³⁰. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» (1487) асари ҳам энг қадимги тазкиралардан бири бўлиб, унда IX-XV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эронда яшаган 350 та машҳур шоирлар ҳақида маълумот билан бирга улар ижодидан намуналар ҳам берилган. У бир дебеча, етти боб ва хотимадан иборат ва Алишер Навоийга бағишланган.

Ўзбек адабиётидаги тазкирачиликнинг мумтоз намуналаридан бири Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (1491, 1498) асаридир. Унда XV асрда Хуросонда яшаган жами 450 дан ортиқ ижодкорнинг билим даражаси, дунёқараши, хулқ-атвори ва бошқалар тўғрисида маълумотлар берилган, уларнинг ижодидан намуналар келтирилган.

Араб адабиётида антология жанри бўйича тадқиқот олиб борган араб олими Билал Орфалий тазкиранинг қуйидаги 10 та турини санаб ўтган:

1. Шакл билан боғлиқ поэтик антологиялар
2. Энциклопедик, яъни қомусий антология
3. Мавзу ва мотивли антология
4. Қиёслашга асосланган, яъни қиёсий антология
5. Моно тематик, яъни бир мавзули антологиялар
6. Географик антологиялар
7. Мусиқий антологиялар
8. Нутқ шакллари билан боғлиқ антологиялар

¹²⁹. Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси). Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.303.

¹³⁰Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси). Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.303.

9. Хронологик биографик антологиялар

10. Маълум бир ижодкорнинг асарлари учун тузилган антология¹³¹.

Тадқиқотчи Ҳ.Сулаймонова «Бизнингча, бу таснифни шартли дейиш ўринли бўлади, чунки муайян бир антология бир вақтнинг ўзида юқорида санаб ўтилган бир неча турга мансуб бўлишини кузатдик. Билол Орфалийнинг таснифига, ўн биринчи, яъни аралаш тазкиралар турини кўшиш ўринлидир»¹³², деб ёзади.

Адабиётимиз билимдонларидан Мақсуд Шайхзода «Тазкиралар кўпинча ё географик, ё монографик, ё хронологик, ё сулолавий, ё ижодий принципга қурилади. Аммо бу принципларнинг икки-учтасини кўшиб, аралаштириб тазкира тузган муаллифлар ҳам бор»¹³³, деб ёзган. Биз, М.Шайхзоданинг бу сўзларига қўшилган ҳолда ўзбек адабиётидаги тазкираларни ҳам қуйидаги турларга ажратдик:

1. Монографик
2. Хронологик
3. Географик
4. Сулолавий
5. Ижодий
6. Аралаш

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун нафоис» асари 1-3-мажлислар хронологик, 4-6-географик, 7-сулолавий, 8-монографик. Лаффасийнинг тазкираси ҳам аралаш, яъни хронологик, географик ва сулолавий принципда берилган.

Адабиётшунос Б.Валихўжаев тазкираларни вақт омили нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратади: «1) тарихий- замонавий (салафлар ва

¹³¹ Orfali.B.A Sketch Mar of Arabic Poetry Anthologies up to the Fall of Baghdad. Journal of Arabic Literature 43(2012) Brill NV, Leiden, 2012.P.38-59.

¹³²Сулаймонова Ҳ. Абу Мансур Саолибийнинг “Канзу-л-кутуб” тазкираси ва унинг манбашунослик тадқиқи: Филол. фан. фалс. док. (PhD) дис. автореферати. – Тошкент. 2020. – Б.12.

¹³³. Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси) Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.302.

замондошлар; 2) замондошлар ҳақида тазкиралар»¹³⁴. Навоийшунослик китоби муаллифлари эса, «Тазкиралар асосан тарихий-ирфоний мавзуда, шоирларга доир ва баъзан бадиий жанрлар бўйича тузилган»¹³⁵, деб ёзишган.

«Араб адабиётида адабий тазкира тузиш тушунчаси замирида тузувчи – муаллиф муайян мақсадни ўз олдига қўйган ҳолда, аниқ бир танлов тамойилларига асосланиб, бадиий парчаларни (у хоҳ шеърӣ, хоҳ насрий бўлсин) жамлашга қаратилган меҳнат маҳсули назарда тутилади. Тазкирада ҳар бир бадиият намунаси уларнинг тарихий, сиёсий ва ижтимоий аҳамиятидан қатъи назар юксак баҳоланади, яъни унга энг аввало адабий асар сифатида қаралади».¹³⁶ Ўзбек адабиётидаги тазкираларни Мақсуд Шайхзода «Навоий, тазкираларнинг вазифаси –шоир ва адибларнинг номи замон саҳифаларидан ўчмасин деб, уларнинг номларини китобларга нақш қилиб қўйишдан иборатдир, деб кўп тўғри тушунади»¹³⁷, деб ёзган. Шоирларга оид тазкираларни «бу турдаги тазкираларда шоирлар ва уларнинг шеърларига муносабат билдириш асносида тазкира муаллифлари ўзларининг адабий қарашларини ҳам баён қилиб ўтганлар»¹³⁸, дея изоҳлайди Навоийшунослик китоби муаллифлари.

Адабиёт билимдони Мақсуд Шайхзода тазкира таркибида қуйидаги компонентлар бўлишини алоҳида таъкидлайди: «а) шоир исми, лақаби, қаерданлиги ҳақида қисқача маълумот; б) шоирнинг ҳаёти, характери, баъзи хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумот; в) шоирнинг ижоди, асарлари, асарларининг хусусияти, асарларни ўз даврида қай даражада шуҳрат топганлиги; г) бу шоирга тазкира муаллифининг муносабати ва ёки, аксинча, шоирнинг тазкирачига нисбатан тутган мавқеи (бу маълумот шоир билан тазкирачи ўртасида шахсий танишлик бўлган тақдирдагина берилади);

¹³⁴Валихўжаев Б.Ўзбек дабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.175-176; Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б.241.

¹³⁵Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik 1-kitob. – Т.: Tamaddun, 2019. – Б.281.

¹³⁶Сулаймонова Х. Абу Мансур Саолибийнинг “Канзу-л-кутуб” тазкираси ва унинг манбашунослик тадқиқи: Филол. фан. фал. док. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.12.

¹³⁷ Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси) Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.314.

¹³⁸ Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik 1-kitob. – Т.: Tamaddun, 2019. – Б.281.

д) шоир ҳақида эл оғзида ёхуд муаллиф хотирасида сақланган бирон қизик воқеа ёки латифа; е) шоирнинг назмидан бирон мисол (бу, одатда, ғазал ё қасиданинг матлаи, бирон маснавий ёки рубоий ва ёхуд китъа бўлади; ж) шоир умрининг охири (агар ўлган бўлса, қаерда дафн этилгани, албатта, кўрсатилади)»¹³⁹. Демак, тазкираларда, албатта, ушбу талаб ва хусусиятлар акс этиши лозим.

Навоий тазкираси тазкиранавислик учун эталон вазифасини ўтаган. Зеро, «ўзбек тазкирачилигининг тўнғич асари бўлган «Мажолис ун- нафоис» ўзбек тилида бир қатор тазкира ёки мажмуа ҳамда баёзларнинг вужудга келишига йўл очди ва бир намуна бўлиб хизмат қилди»¹⁴⁰. Кейинчалик унинг таъсирида Ҳасанхожа Нисорий, Мутрибий, Малиҳо Самарқандий, Содиқий Китобдор, Фаҳрий Ҳиротий, Сом Мирзо Сафавий, Мир Алишер Қонёв Таттавий, Возеҳ сингари ўнлаб муаллифларнинг тазкиралари яратилган.

Булар билан бирга XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган адабиётлар тарихи, адабий жанр, уларнинг назарий жиҳатлари, адабий мактаблар, адабий жараён, унинг намояндалари ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам тазкиралар орқали бизгача етиб келган.

Ўзбек адабиёти тарихида тазкирачилик анъаналари Хива хонлиги даврида ҳам ўзига хос тарзда давом эттирилган. Жумладан, шоир ва ижод аҳли хусусида алоҳида тазкиралардан ташқари Мунис, Огаҳий, Баёний, Комёб кабиларнинг тарихий асарларида замима тарзида қимматли маълумотлар мавжуд. Бу жиҳатдан адабиётшунос Б.Валихўжаев фикрлари эътиборга молик: «Мунис Хоразмийнинг бу асарида («Фирдавс ул-икбол»-С.С) Хоразм диёридаги тарихий, маданий, адабий муҳит, унинг айрим намояндалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Худди шу манба туфайли адабиёт тарихи учун Мавлоно Вафо, Паҳлавонқули Равнақ, Музаффархўжа Киромийга ўхшаш қаламкашлар кашф этилди»¹⁴¹. Шунингдек, Огаҳийнинг «Риёз уд-давлат», «Гулшани давлат», «Шоҳиду-л-

¹³⁹ Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан. (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси) Асарлар олти томлик, тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.302.

¹⁴⁰ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б.515.

¹⁴¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.118.

икбол» ва бошқа тарихий асарларида ҳам ўтмишда яшаган ва ўзига замондош бўлган ижодкорлар тўғрисида муҳим маълумотларни қайд этади. Масалан, у «Риёз уд-давла» асарида машҳур донишманд шоир ва курашчи Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) фазилатларини шундай таърифлайди: «Фирдавсбахр шаҳри Хивада қудват ул-авлиё, муршид ул-атқиё махсуси боргоҳи мулки вадуд ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қуддиса сирруҳу»¹⁴². Бундан ташқари «Риёз уд-давла»да «Хоразм адабий муҳитининг яна бир забардаст намояндаси Диловархожа ҳақидаги маълумотлар ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Улар Муниснинг ўлимига ёзилган марсия муносабати билан баён этилади. Диловар Огаҳий талқинича, баланд мартабали шахс бўлиб, даврнинг йирик маънавият арбоби, мўъжизаси, шоирлар подшоси, фузало-билимдонлар фозили сифатида намоён бўлади.»¹⁴³ «Гулшани давлат» асарида эса Хивадаги адабий жараён ва унинг вакиллари Муҳаммад Назар, Паҳлавон Ниёзбой ва Холис ҳақида маълумотлар беради: «Фазилат ва илм эгаси Муҳаммад Назар мунший ва шоирдир, ширин сўзли шоир Паҳлавон Ниёзбойким, таҳаллуси Комилдир ва зариф шоир Холисдир»¹⁴⁴. «Шоҳиду-л-икбол»да: «Муҳаммад Назар девоннинг жуда мукамал, бетакрор тарихи муаллиф томонидан алоҳида эътироф этилиб асарга киритилган. Улар Хоразм адабий муҳитининг даражасини белгилашда ҳам аҳамият касб этади»¹⁴⁵ Шу жиҳатларга кўра тазкираларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) тазкиралар; 2) замима тазкиралар. Юқоридаги замима тазкиралар билан бирга Хива адабий муҳити ижодкорлари хусусидаги алоҳида тазкиралар ҳам бунёдга келганлиги ҳақида ҳам фикр юритдик. «XIX асрнинг йирик маданий адабий марказлардан бирига айланган Хива шаҳрида бадий асарлар яратиш, тўпламлар тузиш, мутолаа қилиш ва тарғиб этиш ишлари кучайиб, ўша аср охиридан XX асрнинг бошларигача бўлган

¹⁴² Огаҳий. Риёз уд- давла. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 5364 рақамли қўлёзма 374^аб варақлар.

¹⁴³ Аҳмедова Г. Огаҳий – адабий танқидий қарашлари: Филол. фан. номз... дис. автореферати. – Тошкент, 2011. – Б.18.

¹⁴⁴ Огаҳий. Гулшани давлат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 7572 рақамли қўлёзма 102^б варақ.

¹⁴⁵ Шодмонов Н. “Шоҳиду -л- иқбол” адабий материаллари таснифи. – Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси // – Тошкент. Маъмун Академияси, 2007. – №3. – Б. 54- 55.

Феруз даврида янада кенг камровлик касб этди. Зеро, мумтоз тазкирачиликнинг худди шу даврда юзага келиши ва қисқа вақтда турли характердаги тазкираларнинг тузилиши ҳам ана шу омиллар билан далилланади.»¹⁴⁶ Жумладан, Аҳмаджон Табибий, Бобожон Тарроҳ Ходим ва Ҳасанмурод Лаффасийнинг тазкиралари шундай асарлар қаторига киради.

Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий»¹⁴⁷ тазкираси Феруз ташаббуси билан 1908-1909 йилларда яратилган. 29 тошбосма нусха 1640 бетдан иборат, 11-бетидан Ферузнинг «Зиҳи бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо...» радифли ғазали берилган, сўнг бошқа шоирларнинг пайрав ғазаллари билан асар давом этган. «Тазкира дебоча, ғазалларни ўз ичига олувчи асосий қисм ва хотимадан иборат. Асар дебочаси, шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда асар хотимаси шеърӣ тарзда берилган бўлиб, маснавий йўлида қофияланган. Тазкирада Ферузнинг 101 ғазали ва уларга битилган пайравлар жамланган бўлиб, жами 3331 ғазални ташкил этади. Барча намуналар тўлиқ берилган»¹⁴⁸.

Бобожон Тарроҳ-Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари»¹⁴⁹ асари 1965-1967 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб, унда 31 нафар сарой шоирлари ҳақида маълумотлар берилган. Асарнинг биринчи қўлёзма нусхаси шоирнинг невараси Анбара Отамуродова қўлида сақланади. Бу асар 2011 йил нашр қилинди ва унинг сўз бошисида Исмоил Бекжонов Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» асари ҳақида, «муаллифнинг қиз невараси адабиётшунос ва кекса журналист Анбара Отамуродованинг шахсий кутубхонасида сақланади. Асарнинг матни 20x30 ўлчамдаги иккита дафтарга жойлашган бўлиб, араб алифбосида гоҳ тўтаки ва гоҳ қора сиёҳда Ходимнинг ўз қўли билан ёзилган. Айрим ўринларда Ходим тузатишлари мавжуд. Бу хусусда: «...ўз хотираларини келгуси авлодга ёзиб қолдириб, Ферузшоҳ вужудга келтирган адабий муҳитнинг асл қиёфасини

¹⁴⁶Ҳажиева И. Хоразм миллий маънавий мероси дурдоналари. – Т.: Турон замин зиё. 2016. Б.23.

¹⁴⁷Табибий. Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди 29 тошбосма нусха.

¹⁴⁸Маткаримова С. Табибий тазкиранавис. – Т.: Мухаррир. 2011. – Б.26.

¹⁴⁹Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. (нашр қилувчилар: А.Отамуродова, О.Абдурахимов). – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. 191-б.

абдийлаштириш ва шу баҳонада ўз юрагидаги бошқа гапларни ҳам айтиб қолиш»ни мақсад қилган»¹⁵⁰, деб ёзган. Бу асарнинг яна бир нусхасини Давлатёр Раҳим 1994 йил «Хоразм навозандалари»¹⁵¹ номи билан нашр қилган.

Лаффасий тазкирасида 58 нафар шоир ҳақида маълумот, уларнинг ижодидан намуна шеърлар ва ҳар бир шоир учун атаб ёзилган маснавийлар келтирилган. Шу жиҳатдан таъкидлаш лозимки, Аҳмаджон Табибий, Бобожон Тарроҳ Ходим ва Ҳасанмурод Лаффасий тазкиралари давр адабий муҳитини ёритишда қимматли аҳамиятга эга.

Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сини ўзига ёндош тазкиралар – Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои Ферузшоҳий», Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкиралари билан қиёслаб ўрганиб чиққанимизда қуйидаги ўзига хос фарқларни кузатдик:

Шоирларнинг сони жиҳатдан фарқлар. Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои Ферузшоҳий» тазкирасида (29 тошбосма нусха Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади) 33 нафар шоир ижодидан намуналар берилган (30 нафар шоир дейилган, бироқ асарда 33 нафар шоир мавжуд).

Ферузшоҳ саройида ўн йил давомида шоирлар назоратчиси бўлган Бобожон Тарроҳ-Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкирасида муаллиф 31 нафар шоир юзасидан ўн уч саволга жавоб ёзган. Лаффасий тазкирасида эса Хоразм адабий муҳитида яшаган 60 га яқин (58 та) шоирлар ҳақида маълумот, маснавий ва шеърларидан намуналар берилган.

Лаффасийнинг тазкираси билан Аҳмаджон Табибий ва Бобожон Тарроҳнинг тазкиралари қиёсланганда шоирларнинг сони қуйидагича фарқланишига гувоҳ бўлдик:

№	Шоир номи	Лаффасий	Табибий	Ходим
1.	Мунис	+	-	-

¹⁵⁰Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. Б -4.

¹⁵¹Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм навозандалари. (Давлатер Раҳим нашрга тайёрлаган). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 192-б.

№	Шоир номи	Лаффасий	Табибий	Ходим
2.	Масиҳо Бухорий	+	-	-
3.	Зийракий	+	-	-
4.	Мунший	+	-	-
5.	Огаҳий	+	-	-
6.	Диловарий	+	-	-
7.	Вазирий	+	-	-
8.	Хисравий	+	-	-
9.	Рожий	+	-	+
10.	Равнақий	+	-	-
11.	Хўжа	+	-	+
12.	Нишотий	+	-	-
13.	Ғозий Хўқандий	+	-	-
14.	Холис	+	-	+
15.	Рожеҳ	+	-	-
16.	Нозимий	+	-	-
17.	Комил Хоразмий	+	-	+
18.	Феруз	+	+	+
19.	Муродий	+	-	+
20.	Комёб	+	-	+
21.	Фаррух	+	-	+
22.	Султоний	+	+	+
23.	Содиқий	+	+	+
24.	Саъдий	+	+	+
25.	Оқил	+	+	+
26.	Баёний	+	+	+
27.	Асад	+	+	+
28.	Ғозий	+	+	+
29.	Мирзо	+	+	+

№	Шоир номи	Лаффасий	Табибий	Ходим
30.	Нозирий	+	+(рўйхатга кирмаган, бироқ 635бетдан кейин берилган)	+
31.	Шиносий	+	+	+
32.	Ғуломий	+	+	+
33.	Камолий	+	+	+
34.	Пур Комил	+	+	+
35.	Табибий	+	+	+
36.	Аваз Ўтар	+	+	+
37.	Девоний	+	+	+
38.	Умидий	+	+	+
39.	Хаёлий	+	+	+
40.	Иноят	+	+(рўйхатга кирмаган, бироқ 635бетдан кейин берилган)	+
41.	Ходимий	+	+	+
42.	Надимий	+	+	+
43.	Чокар	+	+	+
44.	Мутриб	+	+	+
45.	Баҳодирий	+	-	+
46.	Ожиз	+	+	+
47.	Доий	+	+	+
48.	Ҳақирий	+	+	+
49.	Юсуфий	+	+	+
50.	Хокий	+	+	+
51.	Ниёзий	+	+	+
52.	Ҳабибий	+	+	+
53.	Роғиб	+	+	+
54.	Қонё	+	-	+

№	Шоир номи	Лаффасий	Табибий	Ходим
55.	Музниб	+	+(рўйхатга кирмаган, бироқ 635бетдан кейин берилган)	+
56.	Фақирий	+	-	+
57.	Лаффасий	+	-	-
58.	Сўфи	-	-	-

Тазкирага кирган шоирларнинг мавқеида кўра таснифлардаги фарқлар.

«Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» ҳақида Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий»сида қуйидаги маълумотлар берилган: «Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: «Мунга пайравлик этиб, ғазал битинглар». Шоирларнинг ҳар бири унга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токим ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармон мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар ғазални айтқон ким эрканин баён этиб, бу тариқа тамоми ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобга «Мажмуат уш-шуаро» от қўйулди»¹⁵². Кўриниб турибдики, асар Муҳаммад Раҳимхон II буйруғига асосан яратилган. Хон унга шундай буйрук берганлиги ва асарга қандай шоирларни киритиши ҳақида «Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» асарининг дебочасида ҳам берилган:

Қаю шоирким демиш кам ғазал,
Они битма бу нусхаға бу маҳал.
Ким онларни ёзсанг сўз ўлғай тавил,
Тавил ўлса сўз бўлмоғуси жамил.¹⁵³

Демак фикримизча, Табибий, энг кўп пайрав ғазал битган ва пайрав коидалари талабларига жавоб бера олган шоирлардан 33 нафарининг ғазалларини асарига киритган. С.Маткаримова бу ҳақда, «Табибий

¹⁵²Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9596 рақамли қўлёзма 50^a варак.

¹⁵³ Табибий. Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 1152 рақамли қўлёзма 4^b варак.

тазкирасида қаламга олинганларнинг барчаси соҳиби девон, ўзбек адабиёти тарихида муайян из қолдирган, адабиётимиз хазинасининг бойишига ҳисса қўшган шоирлардир»¹⁵⁴, деб ёзган.

Бобожон Тарроҳ Ходим эса ўз тазкирасида таъкидлаганидек, «ўзим Муҳаммад Раҳимхон иккинжининг буйруғи орқали шу шоирларнинг контроллик вазифаси ҳам менга топширилгани учун, шу 31 нафар шоирларни бутун аҳволотлари менга маълум бўлғони сабабли, бу нарса мандин Хоразм тарихида, Хоразм халқи ва ҳамманинг бутун авлодларимга тарихий ёдгор қолишини ўзумга мақсад қилиб олиб, тубанда баён бўлажак 31 нафар шоирларнинг бутун аҳволотларини баёнотга киритишни маъқул топдим»¹⁵⁵. Кўриниб турибдики, Ходим ўзи назорат қилган ва ўзи яқиндан билган шоирлар ҳақида маълумот беришнигина мақсад қилган.

Лаффасий тазкирасида эса 60 га яқин шоирлар ҳақида маълумот берилган. Бизнингча, Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сини Аҳмаджон Табибий ва Бобожон Тарроҳ Ходим тазкираларидан шоирларнинг тазкирага киритилиши жиҳатдан аҳамиятлилиги шундаки, иккала ижодкордан фарқли ўлароқ Лаффасий, тазкирада энг кўп 58 та шоир ҳақида маълумот ва ижодидан намуналар берган. «Табибий тазкирага киритилган адабиёт намояндаларини сулолавий ва ижодий принциплар асосида, шунингдек, ўзига хос тарзда – уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, жамиятда эгаллаган мавқеийга кўра қатъий тартибда жойлаштиради. Бу тартиб ўзига хос анъана сифатида Лаффасий тазкирасида давом эттирилади»¹⁵⁶, дейди олима С.Маткаримова. Тўғри Лаффасий ҳам тазкирани шоирларнинг ҳаётда тутган ўрни ва мавқеийга қараб тузган, бироқ у асарни бизнингча, уч бўлимга ажратишни ният қилган. Биринчи қисм 4^b-79^b варақча бўлиб, унда Хиванинг саройга мансуб шоирлари зикри ўрин олган, иккинчи бўлим эса 80^b-106^b варақларда Хива шоир, уламо ва диндорларига бағишланган. Учинчи қисмни Лаффасий 107^a варақдан маълум бўлишича, Хонликдаги аёлларга

¹⁵⁴Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис: Филол. фан. номз... дис. автореферати. – Тошкент, 2007. –Б. 12.

¹⁵⁵Бобожон Тарроҳ - Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Т.: Tafakkur qanoti, 2011. –Б.7.

¹⁵⁶Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. – Т.: Мухаррир, 2011. –Б.13.

бағишламоқчи бўлган. Аммо улардан фақат Хўжаева Кишжонбика тўғрисида маснавий ёзиб, маълумот беришни бошлаган жойда асар узилиб қолган. Демак, Лаффасий 1946 йилга келиб, мазкур асарига учинчи бўлимни қўшишни ният қилган, бироқ номаълум сабабларга кўра уни давом эттира олмаган ёки бизгача етиб келмаган бўлиши мумкин.

Тазкиралар тузилишига оид фарқлар. Табибий тазкираси маснавий – намуна тарзида тузилган бўлса, Бобожон Тарроҳ Ходим тазкираси қисқа муқаддимадан сўнг тўғридан-тўғри фақат маълумотлардан иборат. Лаффасий тазкираси эса маснавий-маълумот, маснавий-намуна тарзида тузилган. (12561 назарда тутиляпти- С.С) Бу жиҳатдан Лаффасий тазкираси Табибий тазкирасига яқиндир. Табибий тазкираси» шеърий дебоча, ғазалларни ўз ичига олувчи асосий қисм ва хотима маснавийдан иборат»¹⁵⁷. Лаффасий ҳам асарини шеърий дебоча, асосий қисм ва хотимадан иборат тарзда тузган ва мумтоз адабиёт намуналаридаги сингари ҳамд ва наът билан бошлаган.

Шеърий жанрлар билан боғлиқ фарқлар. Табибий тазкираси фақат ғазаллар ва маснавийлардан иборат бўлса, «Хоразм навозандалари»да эса маълумотлар билан чекланилган. Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сида маълумотлар билан бирга ғазал, таърих, мухаммас, мусаддас, қасида ва рубоий каби классик шеърий жанрлар учрайди. Бизнингча, Лаффасий тазкираси классик шеърий жанрлар жиҳатдан ҳам иккала тазкирага нисбатан кенг ва аҳамиятлидир. Чунки тазкирани ўқиган китобхонда ҳар бир шоирнинг ғазалдан бошқа жанрда ҳам ижод қилганлиги бўйича тасаввур ҳосил бўлади.

Шоирлар ижодидан намуна шеърлар берилишидаги фарқлар. Табибий тазкирасида намуна шеърларнинг берилиши бўйича олима С.Маткаримова, Табибий тазкирасида намуна шеърлар девон тартиб бериш талаблари бўйича жойлаштирилган. Аввало, Худо ҳамдига бағишланган «алиф» билан тугалланувчи пайравлар берилган, сўнг бошқа ғазаллар ҳам араб алифбоси

¹⁵⁷ Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис: Филол. фан. номз... дисс. автореферати. –Тошкент, 2007. – Б.13.

тартибида ўринлаштирилган»¹⁵⁸, деб ёзган. Лаффасий тазкирасида ҳам намуна шеърларнинг биринчиси Аллоҳ ҳамдига бағишланган ғазаллар, бироқ бизнингча, кейинги берилган ғазаллар Лаффасий томонидан танлаб олинган ғазаллардир. Аллоҳ ҳамдига бағишланган Лаффасий тазкирасидаги ғазалларни Табибий тазкираси билан қиёслаб, бир-бири билан солиштириб чиққанимизда, Ферузнинг «Зиҳи бордур зухурингга азал бирла абад пайдо...» радифли ғазалига бағишланган пайрав ғазаллар Лаффасийда ҳам ҳар бир шоирнинг биринчи ғазали сифатида берилганлигининг гувоҳи бўлди. Султоний, Содик, Саъдий, Ғозий, Асад, Баёний, Оқил, Мирзо, Шуносий, Ғуломий, Пур Комил, Доий, Умидий, Ожиз, Ҳақирий, Ниёзий, Хокий, Юсуфий, Табибий, Хаёлий, Девоний, Мутриб, Аваз Ўтар, Надимий, Ходим, Чокар... каби шоирларнинг ғазаллари Табибий тазкирасидаги ғазаллар матни билан бир хил. Бироқ, Роғиб ва Ҳабибийнинг Табибий тазкирасидаги ғазаллари Лаффасий тазкирасида йўқ.

Табибий тазкирасида ўн учинчи рақам билан 17-бетида Камолийнинг «Қаоли Аллоҳ қилиб сунъинг замину осмон пайдо...» радифли 9 байтдан иборат ғазали берилган. Ушбу ғазалнинг беш байтдан кейинги икки байти Лаффасий тазкирасида туширилиб қолдирилган:

كونكول لار باغ اميدى بولوب عشقنىك بيله سرسبز
 همول كلزار ارا جان بلبلغىغە آشيان پيدا
 اساس دهرليک صنع معمارينک بيله محکم
 قدر ديوانيدا تجرير حکمينک غه روان پيدا

Табибий намуна ғазаллардан аввал шоирларга атаб маснавий битган, «тазкирадаги маснавий маълумотлар Табибийнинг шоирлик истеъдоди ва тазкиранавислик маҳоратининг уйғун бир ифодаси сифатида ҳам намоён бўлган»¹⁵⁹. Лаффасий ҳам ўз тазкирасида шоирларга бағишлаб маснавийлар ёзган. Бу ҳақда Эрон адиби Иброҳим Худоёр: «Лаффасий ўз тазкирасида шоир номини айтиб ўтгандан сўнг, Аҳмад Табибий «Мажмуаи шуарои

¹⁵⁸Маткаримова С. Табибий- тазкиранавис. –Т.: Мухаррир, 2011.

¹⁵⁹Маткаримова С. Табибий- тазкиранавис. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 65.

пайрави Ферузшоҳий» асарида қандай адабий йўл билан иш тутган бўлса, у ҳам худди шундай қилган, яъни бир неча байтлик туркий маснавий келтириб, шоирни таништирган ва шундан сўнг имкон қадар оиласи, таҳсили, маҳорати ва ташқи кўриниши ва қиёфаси, ички хулқ-атвори, машғулоти ва ҳукуматдаги мансаби ҳақида маълумотлар келтирган»¹⁶⁰, деб ёзади. Биз тазкираларни қиёсий ўрганиш жараёнида Лаффасий тазкирасидаги маснавийларнинг баъзилари Табибийга тегишли эканлигини аниқладик. Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий»сида 16-рақам остида 18-бетда Ожиз ҳақида қуйидаги маснавий берилган:

ایرور عاجز اول مفتی فقه سنج
که اصلی مکانی آنینک ایرور اورکنج

Юқоридаги маснавий Лаффасий тазкирасининг 81^б варағида Ожиз ҳақидаги берилган маснавийга айнан кўчирилган, сўнг ўзи маснавийни давом эттириб ёзган. (Фикҳсанж– «фикҳни ўрганувчи» ҳисобланади. Фикҳ арабча, санж форсча сўздир).

Ҳақирийга бағишланган маснавий Табибий тазкирасининг 19-бетида берилган. Лаффасий тазкирасининг 86^а варағига бу икки байт маснавий айнан кўчирилган:

حقیریکى آخوند مخزوم ایردی
انکا جمله عالم معلوم ایردی
اطاعت طریقیده کارین کورینک
بو اشعار دین اقتدارین کورنک

Шу 2 байтдан кейин маснавийни Лаффасийнинг ўзи давом эттирган.

Хокийга бағишланган маснавий Табибий тазкирасининг 21-бетида берилган. Ушбу маснавий Лаффасий тазкирасига айнан кўчирилган:

داغى خاكى زارُ حال ضعيف
بولوب نظم شاه غه هم رديف
بو اشعار نى دیدى اول حوش دار
قولاق سال سنكا ایسه حوشيار

ابراهیم خدایار. غریبهای آشنا. ایران. 1384. ی. موسسه مطالعات ملی. 136-137. ص. 160.

Табибий ҳақида берилган маснавий Табибий тазкирасининг 21-бетида берилган. Ушбу маснавий Лаффасий тазкирасининг 57^a варағи берилган ва 3-байт сифатида Табибийдан айнан кўчирилган:

دیدى بو غزل نى طبيبى نظار
بولوب لشکر ايزيدا مثلى غبار

Чокар ҳақида берилган маснавий Табибий тазкирасининг 24-бетида берилган. Лаффасий тазкирасининг 72^a варағида берилган маснавийнинг бу иккинчи байти Табибийдан айнан кўчирилган:

بو هم زاده ء طبع چاکر ايرور
که فضل اهليغه اسرو باور ايرور

Бизнингча, юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, Лаффасий тазкирадаги Аллоҳ ҳамдига бағишланган биринчи ғазалларни Табибийнинг тазкирасидан кўчирган ва баъзи маснавийларни шундайлигича ўзгартирмасдан келтиришни лозим топган бўлиши мумкин.

Танқидий фикрлар баёнидаги фарқлар. Табибий тазкирасида танқидий фикрлар маснавийлар ичида учрайди. «Бу асосан, шоирларнинг маънавий қиёфаси ҳамда ижодининг ўзига хос хусусиятларига тегишли. Масалан, Баёний ижодини юқори баҳолаган ҳолда, унинг шоҳга маддоҳлик қилишини ҳам очиқ-ойдин баён этади»¹⁶¹. Шунга қарамай, Табибий тазкираси Феруз назоратида ва Феруз ташаббуси билан асарга у айтган шоирлар киритилганлиги сабабли улар ҳақида танқиддан кўра мақтов устувордир. Бироқ Ходим ва Лаффасий тазкираси XX аср бошларида яратилганлиги сабабли унда танқидий фикрлар маълумотларда аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Масалан, Ходим тазкирасида Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлатиб ўлдиртиргани, вазир Толиб маҳзумнинг сақолини юлдиргани, Қодирберган маҳрамнинг соқоли бўлмаганлиги сабабли қош ва киприкларини азоблаб юлдиргани, Аваз Ўтарни осишга ҳукм қилгани, созанда Муҳаммад Ёқуб темирчига эллик қамчи урдиргани (созандалари олти ярим мақомнинг бир учини ташлаб кетгани учун)

¹⁶¹Маткаримова С. Табибий-тазкиранавис. – Тошкент: Мухаррир, 2011. –Б. 74.

ҳақидаги ўзи кўрган воқеаларни баён этади. Бу танқидий фикрларда Ферузнинг «хукмдорлик табиати ва характеридаги мураккаблик кўпроқ намоён бўлганки, буларни очик айтиш Феруз шахсига табиийлик бағишлайди, унинг тараққийпарвар шоҳ сифатида шаклланиш жараёни реал ҳаққонийликка эга эканидан далолат беради. Бироқ Феруз шахсидаги бу курсур унинг маърифатпарварлик фаолияти моҳиятини ўзгартира олмайди»¹⁶². Булардан ташқари Саъдий каби шоирлар ҳақида ҳам танқидий фикрлар баён этилган.

Лаффасий тазкирасида ҳам бундай ҳолат очик-ойдин қайд этилган. Масалан, Фаррухнинг золим ва жоҳиллиги, Султоний характеридаги хасислик, бахиллик каби ҳолатлар баён этилган. Бизнингча, шу жиҳатлари билан ҳам Алишер Навоий тазкирасидаги анъаналарнинг бардавоми деб қаралиши мумкин. Бу танқидий фикрларни тазкираларда муаллифларнинг шоирлар ҳақидаги ўз қарашлари, шахсий фикрлари деб ҳам айтиш мумкин.

Маълумотлардаги фарқлар. Табибий тазкирасида муайян шахс ёки жанр ҳақида маълумотлар (маснавийлар назарда тутилмаяпти) берилмаган, асар ғазаллардан иборат. «Табибий тазкирага киритилган адабиёт намояндаларини сулолавий ва ижодий принциплар асосида, шунингдек, ўзига хос тарзда – уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, жамиятда эгаллаган мавқеиغا кўра қатъий тартибда жойлаштиради. Бу тартиб ўзига хос анъана сифатида Лаффасий тазкирасида давом эттирилади»¹⁶³.

Бобожон Тарроҳ Ходим тазкирасида шоирлар ҳақида маълумотлар берилган ва бу маълумотларни Лаффасий тазкираси билан қиёслаб ўрганиб чиқилганда баъзи маълумотларда фарқлар борлиги аниқланди.

Оқил ҳақида 12561 рақамли қўлёзманинг 37^a-варағида «Оқилким, Ҳасанмуродқорибек муллақоби Отабек тўра демак билан машҳурдур, Феруз Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳамширасидин таваллуд қилиб, Ҳасанмуродқори

¹⁶²Хажиева И. Хоразм миллий-маънавий мероси дурдоналари. –Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б.23.

¹⁶³Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. –Т.: Муҳаррир, 2011. –Б.13.

кушбегининг набирасидур¹⁶⁴», дейилган. Худди шу маълумот П.Бобожонов нашри ва Анвар Отабоев кўчирган нусхада ҳам айнан такрорланган. 213 рақамли қўлёзма нусхада Оқил ҳақида маълумот йўқ. 11499 ва 9494 рақамли қўлёзма нусхаларда эса, Оқил Ферузнинг опаси Чиннижон беканинг фарзанди эканлиги¹⁶⁵ айтилган. Ушбу маълумотни аниқлаштириш мақсадида Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари»га мурожаат қилдик. Унда Оқил «шоирнинг исми Отабек тўра, отасининг номи Муҳаммад Ёқуббек Ҳасанмуродқори кўшбеги ўғли. Бу Отабек тўра Муҳаммад Раҳим иккинжини ота бир, она бир туғушгон қиз опасидан бўлгон. Демак, бу Отабек тўра Муҳаммад Раҳим иккинжининг жияни бўлуб ҳисобланади»¹⁶⁶, деб ёзиб қўйилган. Бобожон Тарроҳ ва Муҳаммад Юсуфбек Баёний ёзишича, «Ҳасанмуродқори кўшбеги ва Муҳаммад Назар кўшбегилар Шохниёз Оталиқнинг ўғиллари бўлиб, бу тўғрида Огаҳий «Гулшани давлат»да: «Ҳасанмуродқори кўшбегиким, анинг насаби олти орқада ҳазрати аъло ҳоконининг муборак насабига қўшилур, андоқким, Ҳасанмуродқори кўшбеги ибн амири кабир марҳумий Шохниёз оталиқ ибни Искандарбий ибни Дўсимчўра ағоси ибни Рустам иноқ ибни Беғижон иноқ ибни Умбой иноқким, ҳазрати Хисравий офоқнинг насаби олийси етти орқада онга етишур...»¹⁶⁷ Умбой иноқ Абулғозийхон (1643-1664) даврининг баҳодир, саркарда иноқларидан ҳисобланади. Ҳасанмуродқори Саид Муҳаммад даврида кўшбеги этиб тайинланган. Унинг Муҳаммад Юсуфбек, Бекжонбек, Муҳаммад Ёқуббек деган уч ўғли бўлиб, Саид Муҳаммадхон ўзининг Чиннижонбека исмли қизини Ҳасанмуродқори кўшбегининг кенжа ўғли Муҳаммад Ёқуббекка никоҳлаб берган. Шоир Отабек тўра Чиннижонбеканинг 1874 йилда туғилган ўғли, Саид Муҳаммадхоннинг неварасидир.

¹⁶⁴Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди. 12561 рақамли қўлёзма 37^а варақ.

¹⁶⁵Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 13^а варақ. Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 11499 рақамли қўлёзма 9^а варақ.

¹⁶⁶Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Т.: Tafakkur qanoti, 2011. –Б. 65.

¹⁶⁷Огаҳий. Асарлар. 6-жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.163.

Ажабланарлиси шундаки, 9494 рақамли нусханинг охирида «Асл нусха 2 август 1944 йил чоршанба кунда 14-шаъбон 1364-ҳижрий йилда ёзилди, тамом Лаффасий Ҳасанмуродқори.

Асл нусхадан кўчирувчи Муродов, Хива шаҳри. 1951й 16 август»¹⁶⁸, деб ёзиб қўйилган. 12561 рақамли нусха эса 1945 йилда ёзилган (1944 йилда тўғри ёзилган маълумотни 1945 йилда эса хато ёзмокда). Шу ўринда айтишимиз жоизки, Лаффасий ва Ходим тазкирасида берилган маълумотларнинг барчасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Бу жиҳатдан уларга холисона ва танқидий ёндашишга тўғри келади.

Лаффасий тазкирасининг қўлёзмалари ва нашрида шоирлар портрети ҳам берилган. Бобожонов нашрида булар қуйидагичадир:

Зийракий: «...ул бир шўх табиат ҳамиша кулиб турган бир калта бўйлуғ, чечак юзлик...» 17-бет.

Комил Хоразмий: «...ажаб бир барно, гулчехра пари талъат, Юсуфи Канъон, маҳваши замон, ширин забон, тўти сухандон, булбул наво, чанг навоз, мусиқийшунос бўлиб, ул ҳамиша ўз ҳусни жамолиға мағрур» 20-бет.

Муродий: «...қизил юзлуғ, жайрон чўққи сақол, узун бўйлуғ, салобатлиғ...» 27-бет.

Комёб: «...узун бўйлуғ, қора қова соқолиғ, бир содда, ҳар бир сўзларга ишонгувчи...» 29-бет.

Оқил: «...узун бўйлуғ, чечак юзлиғ, сариғ майиз, чўққи соқолиғ эди, Ҳотам сифатли...» 38-бет.

Асад: «...узун бўйлуғ, чечак тоблиғ, кўса, нок чакка, кўзи олақароқ бир шахс...» 43-бет.

Табибий: «...калта бўйлиғ, кўса, қўтир чечак тоблиғ...», 101-бет.

Хокий: «...бир кўса, қоқ чакка бўлиб, бефарзандликдин ҳамиша дилгир, паришонхол, ғамгин бўлғон...» 62-бет.

¹⁶⁸Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи холи. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 33^{б,в} варақлар.

Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм навозандалари»да эса шоирлар портрети қуйидагича берилган:

Хокий: «...ўрта бўйли, кўсанамо, сўзлари мазали, «ота» лаб сўзлашадиган киши...» 64-бет.

Табибий: «...ўрта бўйли, доно одам эди, ўзи кўса, бир тор ҳам соқоли йўқ эди. Тор кийимлар кийиб юрар эди, тоза кийим киймас ифлос юрар эди, димоғида минғиллаб сўйларди...» 77-бет.

Оқил: «...узун бўйли, қора соқолли, хушбичим одам эди, сўзлари мазмунли, ширали эди...» 44-бет.

Асад: «...чечак юзли, ахлоқан яхши киши...» 39-бет.

Содиқий: «...қорасақол, узун чечак юзли, хушфеъл, виждонли одам...» 34-бет.

Сайид Ғозий: «...хушбичим, сариқ сақол, феъл-атвори жуда яхши киши эди. Сўзлашиб турганда ёнидан кетмасам, деб орзу қилар эдик. Жуда ширин сўз, хушчақчақ одам...» 38-бет.

Баёний: «...узун бўйли, хушбичим, сариқ сақол... кийимларини тоза тутар, сўзлаган вақтида овози ғоҳо йўғон, ғоҳо ингичка тортар эди... одатлари ҳам яхши, ширин сўз киши...» 41-бет.

Шиносий: «... узун бўйли, чечак башара, қора сақол, доно ва сиёсатли киши...» 48-бет.

Ғуломий: «... чўзиқ юзли, қора сақолли, чечакли, бужурроқ, бироқ хуш сурат киши эди... сахий эди...» 51-бет.

Пир Комил (Комил Хоразмийнинг ўғли Абдурасул): «...қора сақол ўрта бўйли, хуш сурат киши эди, тез-тез гапирар, гапирганда тили калтикланиб (дудукланиб) қолар эди...» 53-бет.

Умидий: «...узун бўйли, соқоли мошгурунч, тоза кийиниб юрадиган киши эди. Лекин кўзлари «қийтарроқ» (ғилайроқ) эди...» 56-бет.

Юсуф Хожи Доий: «... ўрта бўйли, ўта чиройли, узун оқ сақолли киши эди (Феруздан ҳам кўркмасди)...» 57-бет.

Ожизий: «... ўрта бўйли, серсақол, юзи андакчечак тоблироқ, сўзлари мазали, сахий киши эди. Бир кўзи ожиз эди...» 60-бет.

Ҳақирий: «... ўрта бўйли, сақоли ярти оқ, бадмуомила киши. Одам билан яхши сўзлашмас эди...» 65-бет.

Отаниёз Ниёзий: «... ўрта бўйли, соқоли мош гурунч, хушбичим, доно, халқ билан муомиласи яхши одам эди...» 66-бет.

Ҳабибий: «... калта бўйли, чўққисақол, аммо хушсурат одам эди. Кўп бахаёл киши бўлиб, сахий эмас эди...» 67-бет.

Муҳаммад Раҳим Роғиб: «... узун бўйли, тоза кийимлар кийиб юрадиган, қора сақол, доно киши эди. Шошилиб сўзлар, кўнглига ўтирадиган донороқ киши бўлса, очилиб суҳбатлашар эди...» 69-бет.

Комил Девоний: «...ўрта бўйли, қора сақолли, бурни узун, чечак бужур, ўтакетган сахий эди...» 70-бет.

Мутриб Хонахаробий: «... ўрта бўйли, кетмон соқол, бироқ сақоли сийрак, ифлос кийиниб юрадиган киши эди... сўзлаганда оғизларини ўйнатиб сўзлар эдиким, кулавериб ичакларингиз узилар эди...» 75-бет.

Аваз Ўтар: «... ўрта бўй, қора сақолли, кўсанамороқ киши эди. Ўзи хушбичим киши бўлса-да, оғзи бепаравоз эди...» 80-бет.

Нодимий: «... узун бўйли, серсақол, чечак бужур инсон эди,... дунё жамламоққа меҳр қўйган инсон эди...» 82-бет.

Чокар: «... ўрта бўйли, қор сақол, хуш сурат киши эди. Жуда қизиқчи эди. Тошкентга боргач сақолини сидирди, сақолсиз бўлди...» 83-бет.

Музниб: «... ўрта бўйли, сариқ сақолли, сиёсий саводи ҳамин қадар киши эди...» 86-бет.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, шоирларнинг портрети берилиши Лаффасий тазкирасидан кўра Бобожон Тарроҳ Ходим тазкирасида кўпроқ берилган. Ходим деярли барча шоирларнинг портретини келтирган ва бизнингча у, бу билан шоирларнинг шахс сифатидаги қиёфасини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилган.

С.Маткаримова, «Табибий тазкираларида тазкирачиликка муносабат учрамайди. Бу шу билан изоҳланадики, Табибий тазкира тузишни мақсад қилиб олмаган, балки хон буйруғи ва кўрсатмасига биноан унинг ғазалларига пайравлик қилган шоирларнинг татаббуъларини йиғиб, шеърлари олдидан ижодкор ҳақида маснавий- маълумотлар битган. Асарни ҳам «Мажмуа» деб номлаган. Аммо бу адиб тазкирачилик тарихи ва ундан олдин яратилган тазкиралар билан таниш бўлмаган деган хулосани бермайди»¹⁶⁹, дейди. «А.Н.Самойлович Ферузнинг кутубхонасида Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» асарини кўрганлигини, асарнинг 1900 йилда нашр қилинган тошбосма нусхаси ўзида ҳам мавжудлигини қайд қилади»¹⁷⁰. Демак, Табибий, Ходим ва Лаффасий ҳам Навоийнинг «Мажолис ун нафоис» асаридан ташқари, юқорида қайд қилинган асарни ҳам кўрган. Тазкиралардаги шоирлар ижодига оид маълумотлар ва намуна шеърларнинг берилиши тазкиранависларнинг ўзидан олдин ёзилган тазкиралар билан таниш эканлигини исботлайди.

«Хоразм шоир ва навозандалари» асарининг сўзбошида Исмоил Бекжонов Табибийнинг «Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий» асари «Хоннинг 100 та шеърига пайрав қилиб эргашиб ёзилган бошқа шоирлар шеърларидан иборат бу тўпламни адабиётчи олимларимиз кўпинча тазкира деб номлашган. Тўғри, Табибий маснавий (назм) тарзида қисқача бўлса-да, ҳар бир шоир номи ва айрим хислатлари ҳақида маълумот ҳавола этади. Аммо бундай асар тазкира жанри талабларига тўла жавоб бермайди»¹⁷¹, деб ёзади. Н.Қобулов эса, «Хоразм шоирларининг Табибий томонидан атрофлича қисқа ва мазмунли характерланиши «Мажолис ун-нафоис»ни эслатади»¹⁷², деб ёзган. Олима Гулсора Исмоилова, Табибий асари ҳақида гапирар экан, уни тазкира деб атайди ва «Тазкирада холис ёндашув сезилади: муайян

¹⁶⁹Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. –Т.: Мухаррир, 2011. –Б. 22.

¹⁷⁰ Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. –Тошкент, 2018. – Б. 89

¹⁷¹ Бобожон Таррох - Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. –Б. 4.

¹⁷²Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси. “Мажолис ун-нафоис”. –Тошкент, Фан, 1961. –Б. 103.

ижодкор юқори табақага мансубми ёки оддий фуқароми, бундан қатъи назар унинг иқтидорига қараб баҳо берилади», - деган фикрни айтади¹⁷³.

И.Бекжонов, «Хоразм шоир ва навозандалари» асари ҳақида «Ходим Табибий тузган мажмуалардаги ҳар бир сарой шоири ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бераркан, бироқ улар ижодидан намуна сифатида бирон мисрани ҳавола этмаслиги сабабли, бу асар ҳам адабий тазкира жанри талабига тўлиқ жавоб бермайди. Яъни Табибий мажмуаси билан таниш бўлмаган ўқувчи Ходим асарида номи тилга олинган муайян бир шоирнинг шеърини истейдоди мавҳумлигича қолади. Шу сабабли гарчи муаллиф аниқ қилиб, ўз асарининг Табибий мажмуасида акс эттирилган шоирларга бағишлангани борасида ёзган эса-да, уни Ходимнинг Хоразмлик шоирлар ҳақидаги хотираларига киритсак бўлади»,¹⁷⁴ дейди.

Б.Валихўжаев ва Ш.Холматов эса «Хоразм шоир ва навозандалари» эсдаликлар шаклида бўлиб, Ходим ундаги факт ва манбаларнинг бевосита гувоҳидир. Асар мазмуни уни тазкира дейишга тўла асос беради, чунки «эсдалик дафтари маъносидаги тазкира адабий- танқидий қарашларни ифода этувчи жанрлардан бири бўлиб, унда адабиёт тарихи ёки конкрет даврнинг шоирлари ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар келтирилади»¹⁷⁵, деб ёзади.

Лаффасий тазкираси ҳақида Г.Исмоилова, «шоирлар ҳаётига доир воқеаларга, улар феъл-атворига хос бўлган фазилат ва нуқсонларга кўпроқ тўхталган. Ижодкорларнинг энг муҳим қирралари, ўз даврида маълум даражада ном қозонишига боис бўлган алоҳида қобилиятлари ҳақида гапириб ўтилади»¹⁷⁶, деб ёзган.

Келтирилган бу маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, учала асар ҳам тазкира қоидаларини ўзида акс эттирган. Ходим тазкираси хотиралар асосида тузилгани ва биографик маълумотлардан иборат бўлгани сабабли унда намуна шеърлар келтирилмай, ҳар бир шоирнинг адабий

¹⁷³Исмоилова Г. Чакмоқли орзулар ижодкорлари. –Т.: Истиклол нури, 2014. –Б. 28.

¹⁷⁴Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Т.: Tafakkur qanoti, 2011. –Б.4.

¹⁷⁵Валихўжаев Б., Холматов Ш. Ўзбек адабий танқиди тарихи. 1-қисм. –Т.: Ўзбекистон. 1983. –Б.13.

¹⁷⁶Исмоилова Г. Чакмоқли орзулар ижодкорлари. –Т.: Истиклол нури, 2014. – Б. 30.

жараёндаги ўрни қайд этилган. Шунингдек, Табибий ва Лаффасий тазкиралари ҳам «шоирларнинг шахс ва ижодкор сифатидаги қиёфасини кенгроқ гавдалантирган, улар ҳақидаги мавжуд биографик маълумотларни тўлдириш ҳамда янги фактлар билан бойитишга хизмат қилади»¹⁷⁷.

Ҳар учала асар ҳам далил ва маълумотлар характериға кўра муҳим ва ўзига хос ҳамда Хоразм адабий муҳитида яшаб ижод этган шоирлар ҳақида маълумот ва уларнинг шеърларидан намуналар бериши билан аҳамиятлидир. Шу жиҳатга кўра учаласи ҳам тазкирадир. Зеро, тазкира адабиёт тарихини, адабий муҳитни ўрганишда, шоирлар ва уларнинг асарларини тадқиқ этишда адабиётшуносликда катта ўрнига эга бўлган жанрдир.

Ҳозирги кунда XIX аср охири XX бошлари Хоразм адабий муҳити тарихи ва адабиёти бўйича қилинаётган барча илмий тадқиқотларда бу тазкиралар тез-тез тилга олинади. Айниқса, Лаффасий тазкирасининг тилга олиниши бу асарнинг ҳақиқатдан ҳам ушбу муҳит учун зарур ва ишончли манба эканлигини исботлайди. Ҳасанмурод Лаффасий буюк шоир, тазкиранавис Алишер Навоийни, хоразмлик Аҳмаджон Табибийни ўзига устоз деб билган ва тазкираларидан илҳомланган ҳолда ўз асарини битган. Зеро, «улуғ шоирнинг иккинчи шоирга кўрсатган таъсири у яратган поэзиянинг бошқа шоирда кўринишида эмас, балки унинг бошқа шоирда бўлган, лекин ҳаракатсиз ётган кучни уйғотиши ва ҳаракатга келтиришидадир. Қуёш нури ерга тушиши билан қуёшдаги кучини ерга ўзи билан бирга олиб келмайди, балки ердаги кучни ҳаракатга келтиради. Улуғ шоирлар таъсири ҳам худди мана шу қуёш нури сингари мавжуд, лекин ҳаракатсиз ётган кучларни уйғотиб юборадилар».¹⁷⁸ «Тазкираи шуаро» асари билан Лаффасий тазкиранавислик анъанасининг иқтидорли давомчиси эканлигини намоён этган.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг «ўзидан ёдгор» қолдирган, «фарзанд ҳукмида» бўлган «Тазкираи шуаро»сида юқоридаги Мақсуд Шайхзода ёзиб

¹⁷⁷Хажиева И. Хоразм миллий – маънавий мероси дурдоналари. –Т.: Турон замин зиё, 2016. – Б.16.

¹⁷⁸Белинский В. Г. Собрание сочинений, В. 3-т. Т.1. –М.: Изд-во, АН, 1948. –С. 164-165.

қолдирган қоидаларга тўла риоя этиб, адиб ўз олдига қўйган мақсадига эришган.

Тазкирани ўрганишимиз жараёнида Лаффасий тазкирасининг аҳамияти, биринчи навбатда шоирларнинг яхши ғазаллари, мухаммасларидан олинган намуналар жамланмасини тақдим этгани бўлса, иккинчидан, унда шоирларнинг таржимаи ҳоллари ва ғазалларидан намуналар берибгина қолмасдан, балки кўплаб адиблар ва уларнинг ижоди ҳақида ўз фикрларини ҳам ифодалаган ҳамда уларга атаб маснавийлар ҳам битганлигида кўринади. Шу билан бирга асарда бизга ҳозиргача номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ўнлаб шоирлар билан ҳам таништиради, бу эса, шубҳасиз, тазкира қимматини янада оширади.

Тазкирада Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз даврида яшаган барча қалам аҳли, у сарой шоири бўладими, оддий ижодкор бўладими, уларнинг ҳаёти ва ижодининг умумий мазмун йўналишлари бўйича асосий ва керакли маълумотлар келтирилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек адабиёти тарихида ҳукмдорлар оиласига мансуб сулолавий ижодкорлар мавжуд бўлса-да, аммо «Тазкираи шуаро»нинг қўлёзма нусхаларида кўпчилик ижодкорларнинг Хива хонлари оиласидан етишиб чиққанлигига алоҳида эътибор берилган.

Тазкирани ўрганиш жараёнида, Феруз даври адабий муҳитининг ҳозиргача кам ёритилган ёки деярли ўрганилмаган томонлари борлиги аён бўлди. Бизнингча, Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари қўлёзма нусхалари XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиётига тазкира маълумотлари орқали назар солиш, сулолавий ижодкорлар ҳамда уларнинг асарлари борасида маълум даражада тасаввур пайдо қилиш, адабиётшуносликда ҳали маълум бўлмаган баъзи бир ижодкорларнинг номлари билан таништиришда муҳим манба бўлиб, ўша давр адабиётининг муҳим хусусиятларини ўрганишга имкон яратади.

III боб бўйича хулосалар

1. «Тазкираи шуаро» кўлёмлари нусхалари муаллиф томонидан турли йилларда ижодкорларга оид маълумотлар билан тўлдирилган ёки тахрир қилинган. Ушбу жиҳат асар кўлёмлари, нашри ва ёндош манбаларнинг матнида Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Тўрамурад тўра Муродий, Раҳмонкули тўра Содиқий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Пур Комил, Аҳмаджон Табибий, Аваз Ўтар, Муҳаммад Комил Девоний, Юсуфхожи охунд Доий, Муҳаммад Раҳим маҳзум Роғиб ва Саййид Ҳомид тўра Комёб каби ўн олтига ижодкорнинг ҳаёт йўли, ижоди ва вафот йилига оид маълумотлардаги фарқларни юзага келтирган.

2. «Тазкираи шуаро»даги шоирлар сони, уларнинг шахсияти ва ижодига оид маълумотлар, ҳукмдор ва унинг атрофидагилар томонидан ташкил этилган адабий давраларга оид кенг кўламли маълумотларни қамраганлиги билан Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои Ферузшоҳий», Бобожон Таррох Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкираларидаги маълумотларни тўлдириши, Хива хонлигида шаклланган адабий жараён юзасидан тўлақонли тасаввурни шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамият касб этади.

3. Лаффасий тазкираси Шарқ мусулмон оламида шаклланган асар ёзилиш сабаби ва якунига оид одоби тасниф, сабаби таълиф каби зарурий қисмлар—Аллоҳнинг сифатларини улуғловчи ҳамд, Пайғамбар алайҳиссаломни васф этувчи ва асарнинг ёзилиш сабабини ўз ичига олувчи дебоча, асосий қисм ва хотимадан таркиб топган.

4. Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои Ферузшоҳий»си, Бобожон Таррох Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» ва Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сида тазкиранавислик тарихи, унинг назарий асосларига оид хулоса, қараш ва муносабат учрамайди. Шундай бўлса-да, мазкур асарлар Шарқ мусулмон адабиётида шаклланган тазкиранависликнинг умумий қоида ва талабларига мос келади. Мазкур асосларга кўра, уларни мумтоз адабий анъаналарга кўра яратилган сўнги тазкиралар дейиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Ҳасанмурод Муҳаммадамин ўғли Лаффасий XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод қилган Хива адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидан биридир. Унинг бадиий асарлари, адабиётшунос, тарихчи ва тазкиранавис сифатида қолдирган илмий-ижодий мероси мумтоз ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги ва тазкиранавислиги анъаналарининг давоми сифатида яратилгани билан аҳамият касб этади.

2. Лаффасийнинг тарихчи сифатида ёзган 7771 рақамли «Гулшани саодат», 7797 рақамли «Гулшани саодат», 12581 рақамли «Хоразм тарихий материаллари», 12583 рақамли «Хива осори атиқа тарихлари», 7700 рақамли «Хоразм таърифи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар», 8448 рақамли «Хоразм мамлакати ва худудлари» қўлёзмалари мавжуд. Бу асарлар Хива тарихи ва адабий муҳитини ўрганишда аҳамияти катта ва Хоразм тарихи ҳақида кўплаб ҳаққоний маълумотлар баён этилган.

3. Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Комкор ул-ушшоқ» девони ва «Меҳр-муҳаббат» номли шеърӣ достони борлиги ҳақида маълумотлар «Тазкираи шуаро» асарида ёзиб қолдирилган. Бироқ бу асарлар қаерда ва кимнинг қўлида эканлиги ҳозиргача номаълум, бу эса изланишлар, тадқиқот ишлари яна давом эттирилишини тақозо этади.

4. Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» асари Хива адабий муҳити доирасида ижод қилган олтмишга яқин қаламкашларнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси тўғрисида бошқа ёндош манбаларда мавжуд бўлмаган қимматли маълумотларни қамраб олганлиги, бевосита ўша даврда яшаб ижод этган муаллиф томонидан ёзиб қолдирилганлиги билан ҳам аҳамиятли.

5. «Тазкираи шуаро»нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида 9494, 12561, 11499 рақамли, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 213 рақами остидаги қўлёзма нусхалари мавжуд.

6. Шоирлар сонининг қўлёзмалар ва нашрда берилиши, номларининг тартиб рақамларда келтирилиши, шоирларнинг тазкирага киритилиши

бўйича фарқлар, асарнинг сўз бошиси, тузилиши, шоирларнинг вафот этган йиллари, шоирлар ижодидан намуналарнинг берилиши, маълумотлардаги фарқлар ўрганиб чиқилганда, бундай матний фарқлар катта-кичик бўлишидан қатъи назар, баъзан асардаги тарихийликка зарар етказиши, айрим ҳолларда бадиий шаклнинг бузилиши, шеър матнидаги мазмун яхлитлиги ва изчиллигига путур етказиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган.

7. Йиғма-қиёсий матнни тузишда 12561 рақамли қўлёзма матнининг тўлиқлиги, намуна шеърларининг кўплиги, асар мазмунига путур етказувчи хатоларнинг камлиги ва муаллиф дастхати билан кўчирилганлиги боис таянч нусха сифатида қабул қилинган.

8. Тазкиранинг Шарқшунослик институтидаги 9494, 11499, Адабиёт музейидаги 213 рақамли қўлёзма нусхалар асос сифатида қабул қилинган 12561 рақамли қўлёзмага таяниб тузиладиган йиғма-қиёсий матнни яратишда ёрдамчи манбалар вазифасини ўтай олади.

9. «Тазкираи шуаро» XIX аср охири ва XX аср бошлари ўзбек адабиётига тазкира маълумотлари орқали назар солишда, сулолавий ижодкорлар ҳамда уларнинг асарлари борасида маълум даражада тасаввур пайдо қилишда, адабиётшуносликда ҳали маълум бўлмаган, бироқ баракали ижод қилган баъзи бир шоирларнинг номлари билан таништиришда қимматли илмий-адабий манба бўла олади.

10. Лаффасий тазкираси Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий», Бобожон Тарроҳ Ходимнинг «Хоразм шоир ва навозандалари» тазкиралари ва Хива адабий муҳитига оид манбаларда берилган маълумотларни тўлдириши, мукаммаллаштира олиши билан аҳамиятли.

11. Тазкира Хива адабий муҳити ижодкорлари шахсияти, ижодий мероси, адабий муҳит, адабий жараён, қўлланилган шеърӣ жанрлар, уларнинг мавзу кўлами, ижодкорлар адабий идеалига доир маълумот, хулоса умумлашмаларни жамлагани билан адабий-тарихий манба саналади.

12.»Тазкираи шуаро» Лаффасийнинг адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳасидаги фаолияти, адабий-эстетик қарашлари юзасидан хулоса билдириш, ўзбек адабиётида Алишер Навоий томонидан бошлаб берилган тазкира жанрининг давомийлиги, тарихий тақдири ва хусусиятлари қиёси юзасидан олиб борилажак истиқболли тадқиқотларда илмий қимматга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби» мавзусида сўзлаган нутқи // – Тошкент, 2017 йил 15 июнь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 –сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // – Тошкент, 2017 йил 24 май.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Қарор // Халқ сўзи. – 2017. -24 июнь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №6.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги «2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида»ги фармони.// www.lex.uz

II. Илмий адабиётлар

2.1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980. –346.

2.2. Абдуллаев Ҳ, Аҳмедова Г. Бадий ижод Огаҳий нигоҳида. –Т.: ТДПУ, 2015. –108 б.

2.3. Абдуллаев Ҳ. Мумтоз Хоразмийлар муқаддас битикларда. – Т.: 2011. –51 б.

2.4. Абдуллаев Ҳ. Хоразм адиблари. – Урганч. Хоразм, 1998. – 70 б.

2.5. Абдуллаев Ҳ. Қадрият қатралари. –Урганч. Хоразм, 1996. –66 б.

- 2.6. Абдуллаева Б. Комил Девоний. –Т.: 2007. –52 б.
- 2.7. Аваз. Сайланма. (Нашрга тайёрловчилар Ю.Юсупов, В.Раҳмонов) –Т.: Адабиёт ва санъат, 1984. –366 б.
- 2.8. Аваз Комил. Олис оҳанглар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1997. –207 б.
- 2.9. Адабиёт назарияси. I том. – Т.: Фан, 1978. – 414 б.
- 2.10. Адабиёт назарияси.- II том. – Т.: Фан, 1979. – 443 б.
- 2.11. Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.-182 б.
- 2.12. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати IV томлик III том. –Тошкент: Фан, 1984.- 449 б.
- 2.13. Аҳмедов Т. Мунис. – Т.: Фан, 1980. – 48 б.
- 2.14. Баскаков Н.А. О проекте единой фонетической транскрипции для тюркских языков. – Москва, 1959. – 24 с.39.
- 2.15. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960. – 240 с.
- 2.16. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. (Нашрга тайёрловчи Жумахўжа Н., Адизова И.). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 104 б.
- 2.17. Бердимуродова М. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий даври. ҳаёти. адабий мероси. – Т.: Мухаррир, 2013. – 150 б.
- 2.18. Бобожонов П. Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч. Хоразм. 1992. – 120 б.
- 2.19. Бобожон Тарроҳ –Ходим. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1994. – 94 б.
- 2.21. Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари (нашрга тайёрловчилар Анбара Отамуродова, Олланазар Абдурахимов). – Т.: Tafakkur qanoti, 2011. – 192 б.
- 2.22. Болтабоев Ҳ. Тазкиралар зикри. 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2015. – 264 б.
- 2.23. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X – XIX асрлар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.

- 2.24. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. ФЕРУЗ – шох ва шоир қисмати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 130 б.
- 2.25. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2011. – 354 б.
- 2.26. Жалолов А. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1991. – 155 б.
- 2.27. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Ленинград: Наука, 1979. – 495 с.
- 2.28. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 159 б.
- 2.29. Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Т.: Фан, 1995. – 90 б.
- 2.30. Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 150 б.
- 2.31. Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» - илмий-адабий манба. – Тошкент: Мухаррир, 2012. – Б.13-14.
- 2.32. Иброҳимова Э. Халқпарвар шоир. – Т.: Ўзбекистон, 1975. – 36 б.
- 2.33. Иванов П.П. «Удельные земли» Сайид-Мухаммед-хана хивинского (1856-1865). Записки института востоковедения академ наука. №6.1910 г. С.59.
- 2.34. Исмоилов И. Огаҳийнинг форсий мероси. – Т.: Мухаррир, 2012. – 94 б.
- 2.35. Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари. – Т.: Истиқлол нури, 2014. – 172 б.
- 2.36. Исмоилова Г. Не бўлди ёрим келмади. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 64 б.
- 2.37. Исмоилова Г Элга шоху ишққа қул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 157 б.
- 2.38. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. (Биринчи китоб) – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 536 б.

- 2.39. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи 3-китоб. – Т.: Ўқитувчи. 1975 .
– 326 б.
- 2.40. Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – Москва-Ленинград:
Наука, 1964. – 102 с.
- 2.41. Лихачев Д.С. Текстология. На материале русской литературы
X-XVII веков. – М.: -Ленинград: Изд-во Академии Наук СССР. 1962. С.602.
- 2.42. А.Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан.
1971. – 196 б.
- 2.43. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т.:
Фан, 1960. – 172 б.
- 2.44. Нишотий. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи: Мирзаев Б.).
– Т.: Бадиий адабиёт, 1960. – 88 б.
- 2.45. Огаҳий. Девон. (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов) Асарлар. Олти
жилдлик Биринчи жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – 392 б.
- 2.46. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси адабиёт жамғармаси, 2006. – 386 б.
- 2.47. Отамуродова А., Абдурахимов О. Маоний арсаи. (Тадқиқот ва
мақолалар, эсселар, суҳбатлар). – Т.: Tafakkur qanoti, 2012. – 196 б.
- 2.48. Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг кўлёмалари. – Т.:
Ҳазина, 1995. – 32 б.
- 2.49. Самандарова С. «Тазкираи Қаюмий» – кўлёмма манба. – Т.:
Ҳазина, 1996. – 21 б.
- 2.50. Сафарбоев М., Аҳмедов А. Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси.
– Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 34 б.
- 2.51. Саъдуллаев А., Сотлиқов А. Хоразм маъмур академиясининг
тарихий илдизлари. – Нукус: Қорақалпоғистон. 2003. – 328 б.
- 2.52. Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари.
– Т.: Академнашр, 2015. – 128 б.
- 2.53. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik.
1-kitob. – Т.: Тамаддун, 2019. – 520 б.

- 2.54. Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР. VI том. Изд-во Академии наук Узбекской ССР. 1952. С. 428.
- 2.55. Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР. VII том. Изд-во Академии наук Узбекской ССР. 1954. С. 586.
- 2.56. Содиков Қ. Матншунослик ва машбашунослик асослари. – Т.: Шарқшунослик институти, 2017. – 220 б.
- 2.57. Солаева М. Навоий ва Хоразм шоирлари. – Урганч: Хоразм, 1993. – 116 б.
- 2.58. Табибий. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Ф. Ганихўжаев). – Т.: Бадиий адабиёт, 1968. – 230 б.
- 2.59. Хажиева И. Хоразм миллий-маънавий мероси дурдоналари. – Т.: Турон замин зиё, 2016. – 92 б.
- 2.60. Хажиева И. «Ҳафт шуаро» мажмуаси - маънавият кўзгуси. – Т.: Муסיқа, 2012. – 56 б.
- 2.61. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Монография. – Т.: 2018. – 275 б.
- 2.62. Худойбергганов К. Хива хонлари тарихидан. – Урганч: Хоразм, 2008. – 192 б.
- 2.63. Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 370 б.
- 2.64. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 163 б.
- 2.65. Эркинов А., Полвонов Т., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 288 б.
- 2.66. Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т.: 1997. – 50 б.
- 2.67. Юлдашева М. Аваз мероси - маънавий қадрият. – Т.: ТДПУ, 2008. – 44 б.
- 2.68. Полвонниёз Хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. – Урганч. Хоразм, 2000. – 487 б.

- 2.69. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент. Бадиий адабиёт, 1967. – 138 б.
- 2.70. Қаюмов А. Асарлар. 8-жилд (нашрга тайёрловчи Ф. Икромов). – Т.: Mumtoz so'z, 2009. – 426 б.
- 2.71. Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. (Нашрга тайёрловчи А. Қаюмов). – Т.: Қўлёзмалар институти, 1998. – 712 б.
- 2.72. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Мерос. 2004. – 242 б.
- 2.73. Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – 400 б.
- 2.74. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6 томлик. 5-том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – 398-399 б.
- 2.75. Қобулов Н, Мўминова В, Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. – Т.: Фан, 1987. – 197 б.
- 2.76. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004. – 94 б.
- 2.77. Ғаниева С., Назаров Б. Тазкиранавислик анъаналари ва тасаввуф. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти. 2010. – 72 б.
- 2.78. Ғанихўжаев Ф. Табибий. – Т.: ФАН. 1978. – 80 б.
- 2.89. Ғойипов Д. Отаниёз Ниёзий. – Т.: ФАН, 2010. – 140 б.
- 2.80. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент. Тошкент давлат шарқшунослик институти. 2000. – 172 б.
- 2.81. Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. – Т.:1981 ФАН, – 123 б.
- 2.82. Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 294 б.
- 2.83. Ҳасаний М., Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Т.: ТДШИ, 2012. – 136 б.
- 2.84. Ҳасанова Ш. «Тўтинома» типдаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик татқиқи. – Т.: Mumtoz so'z. 2015. – 140 б.

2.85. Ҳаққул Иброҳим. Абадият фарзандлари. – Т. Ёш гвардия, 1990. – 200 б.

2.86. Ҳоҷиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 196 б.

III. Диссертация ва авторефератлар

3.1. Бердимуродова Мақсуда Раҳматовна. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси: Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 2010. – 151 б.

3.2. Жўраев Жамолiddин Аминжонович. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи. Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 2012. – 200 б.

3.3. Исмоилова Гулсора Ибодуллаевна. Феруз даври Хоразм адабий муҳити: Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 1995. – 141 б.

3.4. Маткаримова Саломат Қўзиевна. Табибый тазкиранавис («Мажмуа си шуарои пайрави Ферузшоҳий асосида»): Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, – 88 б.

3.5. Матякубова Муборак Мадримовна. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи: Тарих фан. ном. ... диссертация. – Урганч, 2008. – 170 б.

3.6. Маҳмудов Жасурбек Ҳусинович. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний тадқиқи: Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 2006. – 200 б.

3.7. Норик Борис. Антологии Хасана Нисари и Мутриби Самарканди как источники по истории письменной культуры Мевераннахра XVI – первой трети XVII вв: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Санкт-Петербург, 2005. С-21.

3.8. Салоҳий Дилором Исомиддин кизи. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили (ғазаллар матнининг қиёсий таҳлили асосида): Фил. фан. доктори ... дис. автореферати. – Тошкент, 2000. – 38 б.

3.9 Самандарова С. XX аср тазкиралари: Филол. фан. ном... дис. автореферати. – Тошкент, 1996. – 20 б.

3.10. Сойипов Суннатулла Норматович. Собир Сайқалийнинг «Қиссаси Сайқалий» асари ва унинг қиёсий- текстологик тадқиқи: Филол. фан. ном... дис. автореферати. – Тошкент, 2008. – 26 б.

3.11. Шодмонов Нафас Номозович. «Шоҳиду-л-икбол»нинг ўзбек бадиий-тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалар ва матний тадқиқи: Фил. фан. доктори ... диссертация. – Тошкент, 2009. – 283 б.

3.12. Эрназаров Файзулла Нарзуллаевич. XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Тарих фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 2005 й. – 206 б.

3.13. Ганихўжаев Фатҳулла Анварович. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фан. доктори ... диссертация. – Тошкент, 1998. – 123 б.

3.14. Ғойипов Дилшод Қадамбоевич. Отаниёз Ниёзий ижодий мероси: Филол. фан. ном. ... диссертация. – Тошкент, 2006. – 146 б.

IV. Илмий мақолалар:

4.1. Абдуллаева Б. Комил Девоний //Адабий мерос.– Тошкент, 1988. – №4. – Б. 60-64.

4.2. Жумаев Н. Феруз. Сарой адабиётига бир назар. Туркум мақолалар // Халқ сўзи. – Тошкент, 1992. – 2 1, 22, 23, 28, 29 январь.

4.3. Жўраев Ж. Хоразм шоирлари ижодидаги муаммо жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №4. – Б. 47-49.

4.4. Иброҳимова Э. Огаҳий адабий муҳити // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. – №1. – Б. 62-64.

4.5. Иброҳимова Э. Фақирий ва унинг «Тоғойи Сўфи» сатираси // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. – №4. – Б.56-60.

4.6. Маткаримова С. Ташбеҳ қўллашда Навоийга издошлик (Мунис, Огаҳий ижоди мисолида) // ЎР ФА Қорақалпоғистон бўлими ахборотномаси. – Қорақалпоқистон, 2016. – №1 – Б.150-153.

4.7. Маҳмудов Ж. Аҳмаджон Табибий шеърини дафтарлари ёхуд бир қўлёзма хусусида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2011. – №12. –Б.34-37.

4.8. Мўминова М. Аваз Ўтар лирикасида Огаҳий традициялари // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. – №4. – Б. 54-60.

4.9. Содиқов Қ., Омонов Қ. Илмий-танқидий матн яратиш – замон талаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2010. 20 август.

4.10. Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. – Тошкент, 1981. – №4. – Б.77-80.

V. Араб ва форс тилидаги адабиётлар

5.1. ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران. 1384. ی. موسسه مطالعات ملی. 137-136 ص.

5.2. Orfali.B.A Sketch Mar of Arabic Poetry Anthologies up to the Fall of Baghdad. Journal of Arabic Literature 43(2012) Brill NV, Leiden, 2012.P.38-59.

VI. Қўлёзма ва тошбосма манбалар

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги қўлёзма ва тошбосма манбалар:

6.1. Баёз. Қўлёзма. Сақланиш рақами 2036

6.2. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Қўлёзма. Сақланиш рақами 9596.

6.3. Девоний Комил. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 901/II.

6.4. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 902.

6.5. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 903.

6.6. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 908.

6.7. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 909.

6.8. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 951.

6.9. Девон. Сақланиш рақами 1145.

6.10. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 6677.

- 6.11. Камолий девони. Қўлёзма . Сақланиш рақами 948.
- 6.12. Комёб. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 2627
- 6.13. Комёб. Таворих ул-хавонин. Қўлёзма. Сақланиш рақами 3730.
- 6.14. Лаффасий. Хоразм таърифи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар. Қўлёзма.
Сақланиш рақами 7700
- 6.15. Лаффасий. Гулшани саодат. Қўлёзма. Сақланиш рақами 7771.
- 6.16. Лаффасий. Хива воқеалари. Қўлёзма. Сақланиш рақами 7779.
- 6.17. Лаффасий. Хоразм мамлақати ва ҳудудлари. Қўлёзма. Сақланиш
рақами 8448.
- 6.18. Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли.
Қўлёзма. Сақланиш рақами 9494.
- 6.19. Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли.
Қўлёзма. Сақланиш рақами 11499.
- 6.20. Лаффасий. Тазкираи шуаро. Қўлёзма. Сақланиш рақами 12561.
- 6.21. Лаффасий. Хоразм тарихий материаллари. Қўлёзма. Сақланиш
рақами 12581.
- 6.22. Лаффасий. Хива осори атиқа тарихлари. Қўлёзма. Сақланиш
рақами 12583.
- 6.23. Огаҳий. Риёзуд -давла. Қўлёзма. Сақланиш рақами 5364.
- 6.24. Огаҳий. Гулшани давлат. Қўлёзма. Сақланиш рақами 7572.
- 6.25. Ожиз. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 6700.
- 6.26. Оқил. Девони . Қўлёзма. Сақланиш рақами 950.
- 6.27. Саъдий. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 909.
- 6.28. Содик. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 999.
- 6.29. Султоний. Девони. Қўлёзма. Сақланиш рақами 904/1.
- 6.30. Табибий. Мажмуаи си пайрави Ферузшоҳий. Тошбосма. Сақланиш
рақами 29.
- 6.31. Табибий. Мажмуаи си пайрави Ферузшоҳий. Қўлёзма. Сақланиш
рақами 1152.
- 6.32. Фаррух. Девон. Сақланиш рақами 906/II.

6.33. Холис. Девон. Қўлёзма. Сақланиш рақами 1164.

**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги
қўлёзма**

6.34. Баёз. Қўлёзма. Сақланиш рақами 582.

6.35. Лаффасий. Хива шоирлари. Қўлёзма.Сақланиш рақами 213.

VII. Интернет манбалари

7.1. [http://www.xlibv.ru|literaturovedenie|filologicheski analiz teksta](http://www.xlibv.ru|literaturovedenie|filologicheski_analiz_teksta)

7.2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

7.3. www.kitob.uz

7.4. www.ziyouz.com

7.5. <http://utz.in.wikipedia.org>

7.6. www.dic.akademic.ru

7.7. www.lex.uz


7.8.<http://library.ru>

7.9.<https://slib.uz>

7.10.<http://elibrary.ru>

ИЛОВАЛАР

1.9494 рақамли қўлёзма- Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи
ҳоллари



محمد اول عالم چاه مصنوعات حکم سوز و اینده صنایع فصاحت در عطفان بیدار
 یکدیگر در بعضی تلمین اول درین تطبیق سوز بیان قلمی و شاد اول تا نزد هر مخلوق تا
 نظر برستانه بر این جوی کل بحالی بیدار نیستند بیک بختند و نظم
 ریح کو هر خمیری بر این نظم دیوانی : خیز آتش رنگ گلشنی نثر بوستانی
 آجیب گل لاله با صفتی درین گلشن امکان : در گلشن صحنه انس ملک خلی شاد خوانی
 آنک باستان جوی رنگ از هزاره نغمه ضایعه این از دور کیم تهن شاداری افسانه
 شکوه صدین گوگان هم بیوفت آید و چندان اصلان تک از نغمه نغمه نغمه نغمه
 کیم کو گل لاری نسیم انیمه نسیم نسیم کیم کیم رنگارنگ گل معانی ساپار :
 آینه بقدر میخانه سگ در دوش و آنک پیمان سگ است در خمی
 دولت رشتی تک بخون بی باک و سلطنت شهر تک بخون غمناک ، دنا گوهری نماند
 صدف ، جفا آنگ گنگ هدنی ، ناشادین جوی رنگ سستونی نامرادیع محفل تک
 روتن فقیرا بنجر غریب بی نظیر یعنی ماسخه سواد قاری محمد امین اوغلی ملقب الفسی
 نبوتی غولانده تا ذوقها سوزان عرض میلا در کیم چون فیه الاسلام خواندم دیاری
 تک حقوق دولت موزی سگ در یکتوری کوار کیم اصلی آذر باجان لی در
 اول کس بر کونی من بقدر شکسته کوگلانی جانیریب مردت در حرکت لور قلیب دیری


مکانی
 در
 در
 در

اه باره و اینده زمانه ادبیات جلوه رنگ کوهر کای کیم ما خرد سینگ نم آرد آن و در این
 نیز یک نوشته را بنام نایب زوریده و در آن ادبیات می شاعر در رنگ نور مال لوری کیم
 قلیب اورنگ مال لوری بر تو بلام وجود کیم قلیب کتاب قلیب انگ سندن بر باد کار
 و شانه بولیب فالور ایوی . نایک زمانه ادبیات سوپو می ایی صفت لور قلیب سینی و
 سینی هم با دوشیب نور لور دیب اور قلیب صلحت بر گون سبیل کرد قدیم تناسم
 آنیک انما سبید در قیلو سیلای اقتدارم نیکم خیموه ده اوگان شاعر رنگ
 بعضی بر تو داشته و قارت کشیده رنگ با دم لور بدن همه فزادیم تاریخ شانس لاری
 نیک سلو مات لور فر سو بایب او شبر تو بلام فر خیموه شاعر ادبیات جلیقه کا تک اول
 لور دیشیمه بر دیم اگر سهود عطا لور قلم درین و غیره به مدار بولگن بوس
 مغلتنی بدن اصلا قلیب نصیح کتاب ایوب میبینی پوشیده آینه لاری بر زین
 نیز ناظر بر درین سولاب عاجز لیمنی انظار قلمون .

۱ - « مونس » شیر محمد میراب

شیر محمد میراب . خیمه قیامت شادان غرض میراب نیک اوغلی بولیب اول باشلیغ و کیمی
 ذوق بدم اناتر بر سید کماله خوشبختی بعضی جگره ، گل انام مونس لار مونس مجاز طریقه
 و شانه شورش آتیب از جوش مونس قلیب بریب هر قره لیک خزل ، مونس ، سرتس
 هر رنگ همجوات لار ، فطره و سمار بازیب برادر . شول هنگام آمده بعضی دفتر

2. 11499 рақамли қўлёзма - Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи
ҳоллари



499

خوارزم تاریخ باز در شعر لاری در خطی

۱- موسی شیر محمد میراب


شیر محمد میراب جنود ادا تو غولان عوض به میراب ننگ ادا تو دور
 باشی ملکیت غرور با برلان موسی خلیص به برلان عاشقانه غلط غزل
 نفس مدس بجویات لاری بازب کو لطیفه اللاب بود در ایوی
 شول آتمادا اتاس عوض با اخطی میراب وفات پولوب شیر محمد
 اتاس ادر نفعه تعان لایب تو بودی امیر عوض با ایاق ننگ
 فرمای برلان موسی زمانه تافا صمدی شکو اللار قلبی
 محبوبلار داد لافان فالیده ادر شو بیت با رادور

تیره قلمم درد آیمین جانکاشانه لیلی بهر بی ننگ سول اندر میون ایلی
 خطه لخته شک فون اودلم قلمم ادر بهر بی بجز به العزم قلبی بکمال
 اتاموس شیر محمد اتاس ننگ ادر نفعه ۱۲۱۵ هجری مکنه میراب سق
 غایب برلان سر افراز پولسده شکته فاطر لیلی اختیار قلبی سبایی
 دعمل دار لیلی استقامی دیقان چلیق غم مشغول پولوب داعی
 شعر ادبیات لاری بازب کو نکل اللاب بود مالک امیری

۱۲۱۸ هجری بینا امیر قولور ادا ایاق ننگ فرمای برلان موسی اجزا
 پولوب ایقان شعر ادبیات لاری توف اللاب بر دیوان مولی العساق

34	مطرب خانه خراب	36
35	عاجز	38
36	داعی	38
37	حقیری محمد شریف یول بو زار آخون	40
38	یوسفی	42
39	راغب	43
40	حسبی	44
41	خالکی عباد الله فانی آخون	44
42	نیازی	45
43	مذنب	46
44	فقیری عبدالرزق مخذوم	46
45	لفسی حسن محمد امین اوغلی	47

3. 12561 рақамли қўлёзма -Тазкираи шуаро




کمال صلاح او خطه در رسا
خطه مفتوحه را بجا رسده

البش
تختل از زرس
شصت ضعت تک

خیوه تذکره شعرا

۱۶۵۰ و ۱۶۵۱ - شهر خیوه - ۱۳۶۵ هجری قمری

اثر ملا حسن قادقاری بن محمد امین خیونوی




بازگشت
بازگشت
بازگشت

خیوه
داربستان
۹۴۹۴
۱۱۴۹۹

۱۶۵۰ و ۱۶۵۱ - شهر خیوه - ۱۳۶۵ هجری قمری

اثر ملا حسن قادقاری بن محمد امین خیونوی


4. 213 рақамли қўлёзма –Хива шоирлари



مدرجہ لفظ


<p>کہ بزرگہ دیور کہ لوقی مجالیم بتوان و صدم منند تہ لوقی بولین نزل سبب غم لاغی اغوش <u>کتب نوری کوزی بولیکہ جوئی</u> بولین بولین بحر الغم و حار ندور بولیم بولیم بولیم بولیم بولیم بولیم غمی کلفت غم جوئی بولیم <u>جوئی بولیم بولیم بولیم</u> <u>بولیم بولیم بولیم</u> بولیم بولیم بولیم</p>	<p>ایا دوست مروق بزرگہ عالم تو شوبہ باشمغہ بولیم بولیم کہی بوشی و نہ کتب عقل فراوش یغیب با شمد رتوری سنی <u>یور اکیم ختمه این افکار افکار</u> بولیم بولیم بولیم بولیم یا تو میں بولیم بولیم بولیم <u>بولیم بولیم بولیم بولیم</u> صدای کلایم تو غم کوز نتایج باشمغہ و غم غم غم غم <u>تلم ختمین ورق و شیفہ سدر کل</u></p>
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------


5. 12581 рақамли қўлёзма - Хоразм тарихий материаллари



9494 рақамли қўлёзмада Сўфи ҳақидаги маълумотлар (Бу маълумотлар «Тазкираи шуаро»нинг бошқа бирон бир нусхасида ва П.Бобожонов нашрида учрамайди – Д.С).

Сўфиким, ул мутавали бўлиб, калта бўйли, кўса, чечак тобли, шўх табиат кулиб турадиғон бир киши бўлиб, Хивада Муҳаммад Раҳим мадрасасида истикомат этиб, Сўфи таҳаллус билан шеърлар машқ этиб, ҳар турлук ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳажвиётлар ёзиб туродур. Онинг шеърларин мадрасада муллабачалар ўқуб, ўзлариға фарахликлар хосил қилиб, Сўфи суҳбатин ҳамма вақт орзу қилар эрдилар. Аммо Сўфининг асарларидин ўзимнинг ёшлиғ замонимда ҳар турлик шеърларидин бор эрди. Кейинги вақтларда йўқолиб, топилмай қолди.





مقامی ہجرت نیک ایلا برین باری اہل
 عصیانہ قیقل شفیق اولہ پند نجواب الہ
 شوم لینگ انہیک لطیفین بروم محرم لینگ
 خصوصاً من محرم زارنے اسیردی عاصمی بکوت
 شفاعتیدین ایلامنا امید یوزوم روز
 محشر ارا قیل سفید وصلی اللہ علیہ وآلہ
 الکرام واصحابہ الغظام الی قیام الی عتہ
 القیام اما بعد بونا کاملین صیدالہ نیک
 ہر کشتہ ہی ونا تمام لینگ بیابانہ نیک لبتہ
 ہی و ملامت مینہ ہی نیک بادہ خواری
 و ملاکت ویرانہ ہی نیک خاکری و عشق

۱۷ اسرار کجی بوی کجی و کجی کجی کجی کجی

کوچہ ہی نیک یوا ہی و درخیلی نیک ہدم
 اہنخا ہی بیت لزن و عشق او نیک
 ہی بلا در ایلی نیک شناسی محبت
 اکرمی اورغان و فادین ولی آریلیغان بروم یلان
 اعنی فقیر کثر القصیر اعجز عباد ملک الوباب
 مع لام الیف جاہین لوزن صمیر الیف
 وال بعد قات الیف رایای متخلص
 کان الیف صمیر کات الیف را اپن صمیر جامع
 الیف صمیر یازن بعد بلوزع افشہ ہر عرض قلیو
 کیم جوہر قبۃ الاسم خوارزم دیاری ملک منان
 عنایتی ہر عالم الطواری واقف لاری ملک ملت

کوچہ ہی

7771 рақамли қўлёздаги Ҳасанмурод Лаффасийнинг исми шарифи ва ота боболарининг исмлари ёзилган бети

۳
دانش کوی پی نیک بود کسی در وصل نیک هم میخونی نیک است
زین که عشق او نیک بنام کسی بلا درد ایلی نیک است ناسی
حجبت انکرم اورغادین دلی آری لمان بروم بلا دین
دانشقاری نیک در زوشی وانک ریمان نیک است
مد بوشی ملاکت دشتی نیک بستون سیاکی و ملاکت سرکی نیک
مخزون غناک دفا کوهری نیک صد فی جفانادکی این فی ناشد لیل بهر
نیک بستون نامراد لیل محفل نیک روتقی یعنی فقر انقر غریب
نظر خاک ذره وار یغبار آثار مذنب العارک بضاعت
حقیق القلوب لا یسر ادقارک باللقب کما مکار العشق بن
محمد امین بن محمد نظر دیوان بن قلیج نیاز بای بن نیاز محمد محرم
صیوقی غفر الله تعالی ذنوبهم وستر علیهم سوند اغ عرض قتلاد و کرم
بن فقر انقر غریب نظر بولوب وقت مقتضای و شباب ایامی نیک
هوایی بلا نیک جنون دین شعور دور لولوب کیفیتی مشهور
زند لیک و عاشق لیل صفتت موصوف بولوب بخود لیل عالمی
تو شدیم در سو این مقامه تو شدیم لیلی دشتی مشهور لاد و صلی

Хива давлат музейи ходими – шоир, адабиётшунос, тазкиранавис
Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий

